2-расм. Юмшаткич устунининг ўткирланиш бурчагини аниқлашга доир схема

Горизонтал текисликда тупроқ бўлакчаларига юмшаткич устунининг ўткирланган юзаси томонидан нормал N_y ва ишқаланиш $T_y = N_y \operatorname{tg} \varphi$ кучлари таъсир этади. Нормал N_y кучни ҳаракат йўналиши бўйлаб йўналган N_v ва устуннинг ишчи юзаси бўйлаб йўналган N_τ кучларга ажратамиз. 3–расмда келтирилган схемага биноан

$$N_v = N_y / \sin \gamma \tag{1}$$

ва

$$N_\tau = N_y \operatorname{ctg} \gamma, \tag{2}$$

бунда γ - юмшаткич устуни ўткирланиш бурчагининг ярми. Адабиётлардан маълумки, юмшаткич устунининг олдида тупроқ ёпишиб ва уюлиб қолмаслиги учун қуйидаги шарт бажарилиши лозим

$$N_{\tau} > T_y \cdot \quad (3)$$

Бу тенгсизликка N_{τ} ва T_y ларни юқорида келтирилган қийматларини қўйиб, қуйидагига эга бўламиз

$$N_y \operatorname{ctg} \gamma > N_y \operatorname{tg} \varphi_1 \quad (4)$$

ёки


$$\gamma < 90 - \varphi_1. \quad (5)$$

Бу шарт бажарилганда тупроқ бўлаклари N_y ва T_y кучларининг тенг таъсир этувчи бўлган R_y кучининг йўналиши бўйлаб (2,б-расм) V_a тезликда ҳаракат қилади.

3-расмда келтирилган схемага биноан

$$V_a = V \frac{\sin \gamma}{\cos \varphi_1}, \quad (6)$$

бунда V – агрегатнинг илгариланма ҳаракатдаги тезлиги.



3-расм. Юмшаткич устунни таъсири остидаги тупроқ бўлакчаларининг тезлигини топишга доир схема

V_a тезликнинг ҳаракат йўналишига кўндаланг (перпендикуляр) ташкил этувчисини топамиз

$$V_{\kappa} = V \frac{\sin \gamma}{\cos \varphi_1} \cos(\gamma + \varphi_1). \quad (7)$$

Юмшаткич устуннинг ўткирланиш бурчагини V_{κ} тезлик максимал қийматига эга бўлишини таъминлаш шартидан келиб чиқиб, топиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Устунни ўткирланиш бурчагининг V_{κ} ни максимал бўлишини таъминловчи қийматини топиш учун (7) ифодани γ бурчак бўйича экстремумга тадбиқ этамиз. Бунинг учун (7) ифодадан γ бурчак бўйича биринчи даражали ҳосила олиб, олинган натижани нолга тенглаймиз.

$$\frac{dV_{\kappa}}{d\gamma} = V \cos \varphi_1 [\cos \gamma \cos \gamma + \varphi_1) - \sin \gamma \sin(\gamma + \varphi_1)] = 0 \quad (8)$$

ёки

$$\cos(2\gamma + \varphi_1) = 0. \quad (9)$$

Бу ердан қуйидагига эга бўламиз

$$\gamma = \frac{\pi}{4} - \frac{\varphi_1}{2}. \quad (10)$$

Бу олинган ифодага φ_1 ни маълум бўлган қийматларини (25-35⁰) қўямиз ва γ бурчак 27-33⁰, 2γ эса 54-66⁰ оралиғида бўлиши кераклигини топамиз. Демак, юмшаткич устунининг ўткирланиш бурчаги 54-66⁰ оралиғида бўлиши лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Мамадалиев, М. Х. (2009). Тупроққа минимал ишлов берувчи комбинациялашган агрегат юмшаткичининг параметрларини асослаш. Дисс. техн. фанл. номзоди. Янги Йўл-130 бет.
2. M.Kh.Mamadaliyev, M.M. Halilov, M.A.Rozimatov, X.N.Raxmonov. Cotton stalk remover //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. Vol 11, Iss 9.(2021), 515-519.
3. Худоеров, А., & Мамадалиев, М. (2009). Теоретическое обоснование параметров рыхлителя комбинированного агрегата. *Техника в сельском хозяйстве*, 2, 9-11.
4. M.T.Mamarasulova, M.Kh. Mamadaliyev, R.A.Abdirkhmonov. Theory and experimental results of surveys to determine the diameter of teeth plank. *International Journal of Mechanical Engineering*. Vol. 7 No. 3 March, 2022, 578-581.
5. M.T.Mamarasulova, M.Kh.Mamadaliyev, R.A.Abdirkhmonov. Methods and Results of Experimental Investigations. *Jundishapur Journal of Microbiology*. Vol 15, No.1 (2022), 1843-1849.
6. Мамарасулова, М. Т., Мамадалиев, М. Х., & Абдирахмонов, Р. А. (2022). Результаты проведенных экспериментальных исследований комбинированного дискового машины. *Экономика и социум*, (2-2 (93)), 739-742.
7. Nazirjonovich, X. A., Xabibullayevich, M. M., Hakimjonovich, M. R., & Ashuraliyevna, Y. M. (2016). Motivation of the geometric form of looseners working surface of multifunction unit. *European science review*, (11-12), 138-140.
8. Мамадалиев, М. Х., Абдирахмонов, Р. А., & Мамарасулова, М. Т. (2023). ОТЛИЧИТЕЛЬНЫЕ ЧЕРТЫ СОВРЕМЕННЫХ ГИБРИДНЫХ АВТОМОБИЛЕЙ. *Universum: технические науки*, (1-2 (106)), 24-27.
9. Мамадалиев, М. Х., Абдирахмонов, Р. А., & Халилов, М. М. (2020). ОБОСНОВАНИЕ ГЕОМЕТРИЧЕСКОЙ ФОРМЫ РАБОЧЕЙ ПОВЕРХНОСТИ РЫХЛИТЕЛЯ. In *Энергоэффективные и ресурсосберегающие технологии и системы* (pp. 12-14).
10. Худоеров, А. Н., & Мамадалиев, М. Х. (2009). Theoretical substantiation of parameters of the ripper for combined unit. *Техника в сельском хозяйстве*, (2), 9-10.

УДК: 631.31.06

ИЗУЧЕНИЕ РАБОТЫ СФЕРИЧЕСКОГО РАБОЧЕГО ОРГАНА КУЛЬТИВАТОРА

Абдимоминов И.И.

АндИСХА, PhD+998944307424, Ikromjon03@mail.ru

Аннотация: В статье представлены результаты исследования сферического рабочего органа культиватора, используемого при междурядной обработке почвы.

Annotation: The article presents the results of a study of the spherical working body of a cultivator used in inter-row tillage.

Аннотация: Мақолада қатор ораларига ишлов беришда қўлланилаётган

культиватор сферик иш органининг тадқиқот натижалари келтирилган.

Ключевые слова: сферический диск, растительность, сорняк, междурядье, растение, почва, влага, глубина, стойка, ширина гребня, угол атаки.

Key words: spherical disk, vegetation, weed, row spacing, plant, soil, moisture, depth, column, field width, angle of attack.

Калит сўзлар: сферик диск, вегетация, бегона ўт, қатор ораси, ўсимлик, тупрок, намлик, чуқурлик, устун, пушта кенглиги, хужум бурчаги.

Для междурядных обработок хлопчатника в ранний период вегетации на культиваторе КХУ-4 применяют сферические диски (диаметр 260 мм), что позволяет ближе подойти к оси рядка и обрабатывать почву с минимальными защитными зонами без повреждения растений. Эти диски хорошо перерезают почву и уничтожают сорняки, а также предохраняют стойки культиваторных лап от забивания сорняками. Однако после прохода их образуется бороздка, что приводит к излишнему испарению влаги из почвы.

Для определения параметров бороздки и величины отбрасывания почвы диском, а также сил, действующих на сферический диск, проводили исследования в почвенном канале.

Характеристика почвы канала: влажность в горизонте 0-5 см составляла 13,0%; 5-10 см – 16,2; 10 – 15 см – 18,7; твердость в этих горизонтах – соответственно 46; 64 и 82 Н/см².




Рис 1. Сферический дисковый рабочий орган

В опытах определяли величину боковой силы R_y (рис.1), горизонтальной силы R_x и вертикальной силы R_z , величину отбрасывания почвы в сторону междурядья l_0 высоту отброшенного слоя h_0 , ширину бороздки b_δ и глубину бороздки h_δ в зависимости от угла атаки диска γ и скорости движения v .

Результаты исследований (рис. 2) показывают, что при скорости 1,02 м/с в глубине обработки 7 см т изменении угла атаки диска с 5 на 20° отброс почвы в сторону междурядья увеличивается на 11,7 см, ширина бороздки – на 9 см, а высота слоя отброшенной почвы повышается до 7,0 см.

С повышением скорости при постоянном угле атаки дисков 5° и глубине обработки

7 см величина отбрасывания почвы, высота слоя ее, ширина бороздки, а также глубина изменяются меньше, чем от увеличения угла атаки диска (рис.3).

При увеличении угла атаки дисков повышаются горизонтальная и боковая силы, а вертикальная сила снижается (см.рис. 2).

Увеличение угла атаки с 5 до 20° при скорости 1,08 м/с и глубине 7 см горизонтальная сила возрастает с 120 до 238 Н. Объясняется это тем, что с увеличением угла атаки диска при постоянной скорости движения и глубине обработки увеличивается ширина захвата диска, что приводит к возрастанию затрат энергии на преодоление сил сопротивления почвы. Уменьшению вертикальной силы способствует наличие у диска сферы, создающей направленное вниз давление на пласт почвы.




Рис.2. Технологические (l_0, b_0, h_0, h_s) и энергетические, (R_z, R_y, R_x) показатели работы сферических дисков в зависимости от угла атаки γ .

С повышением скорости работы возрастают значения сил— горизонтальной, боковой и вертикальной (см. рис. 3). Например, при скорости 2,1 м/с силы достигают соответственно 215 Н,; 150 и 185.




Рис 3. Технологические и энергетические показатели работы (значения те же, что и на рис. 2) сферических дисков в зависимости от скорости движения v

Полученные данные могут быть использованы для силовых и прочностных расчетов сферических дисковых рабочих органов.

АДАБИЁТЛАР

1. O'z DST 3412:2019 "Қишлоқ хўжалиги техникасини синаш. Тупроқ юзасига ишлов берувчи машиналар ва қуроллар. Синов дастури ва усуллари". – Ташкент, 2019. – 54 с.
2. O'z DST 3193:2017 "Қишлоқ хўжалиги техникасини синаш. Машиналарни энергетик баҳолаш усули". – Ташкент, 2017. – 59 с.
3. Yusupovich, M. R., Iminovich, A. I., Abdurakhmonovich, R. B., & Zakirjonovna, K. S. (2023). DETERMINATION OF THE TRACTION RESISTANCE OF THE WORKING ORGAN USED FOR APPLYING ORGANO-MINERAL FERTILIZERS BETWEEN COTTON ROWS. *Journal of Advanced Zoology*, 44(S-2), 2327-2334
4. Karimova, D., Abdimominov, I., Turg'unova, O., & Ismoilov, M. (2023). TUPROQQA ISHLOV BERISH MASHINALARIDA QO'LLANILADIGAN OSISH MEKANIZMLARI KLASSIFIKATSIYASI. *Scientific Impulse*, 1(10), 1382-1386.
5. Файбуллаев, Б. ., Махмудов, Р. ., & Абдимоминов, И. И. . (2022). Ерларга Экиш Олдиан Ишлов Беришда Қўлланиладиган Комбинациялашган Машина Юмшаткич Панжаси Параметрларининг Мақбул Қийматларини Аниқлаш. *Miasto Przyszłości*, 27, 104–107. Retrieved from <http://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/510>
6. Худоёров, А. Н., Абдуллаев, Д. А., Абдимоминов, И., & Юлдашева, М. А. (2022). Результаты экспериментального исследования с целью определения формы рабочей поверхности рыхлителя комбинированного агрегата. *Механизация и электрификация сельского хозяйства*, (52), 88-91.
7. Худоёров, А. Н., Хамаракулов, А. К., Абдумоминов, И., & Мусабаев, Б. М. (2017). Экспериментальные исследования типа корпусов верхнего яруса двухъярусного плуга. In *Научно-практические пути повышения экологической устойчивости и социально-экономическое обеспечение сельскохозяйственного производства* (pp. 1127-1129).
8. Дадаходжаев, А., Мирзаев, И., Абдимоминов, И., & Софиев, С. (2014). К СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ ТУКОВЫСЕВАЮЩЕГО АППАРАТА ТИПА КМХ-65. *Российский электронный научный журнал*, (1), 20-24.
9. I.Abdimominov & A.Tukhtako'ziev (2021). Establishing the Earth Etrange Corner of Combined Machine Software and Skin Fingers. *International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology* (8) 1 pp 1646-16467.
10. AAO Khudoyberdiev T. S, Mirzayev I. G, & Abdimominov I. I (2022). Method that Economies Water when Planting a Repeated Crop Directly. *Jundishapur Journal of Microbiology* 15 (No.2), pp 266-270
11. Abdimominov Ikromjon Iminovich & Maxmudov Rafiqjon Yusupovich. (2022) DETERMINATION OF THE TRACTION RESISTANCE OF THE HOUSING OF A MODULAR PLOW. *NEUROQUANTOLOGY* 20 (11), 2202-2207.
12. Меликулов, Н., & Кучкоров, С. К. (2022). Одновременное действие изгиба и сжатия в пластинах, подкрепленных по контуру упругими тонкостенными стержнями. *Механика и технология*, 3(8), 64-69.
13. Xolmirzaev, J. Z., Kuchkorov, S. K., & Eksanova, S. SH.(2020). Udarno-Vratchatel'naya Dinamicheskaya Model' Rabocheho Organa Ochistitelya Xlopka. *Kontseptsii I Modeli Ustoychivogo Innovatsionnogo Razvitiya*, 137.

УДК: 631.312.633

**XITYOY TEXNOLOGIYASI ASOSIDA PLYONKA OSTIDAN TOMCHILATIB
SUG'ORISHDA KO'CHAT QALINLIGINI O'RGANISH BO'YICHA TAJRIBA
NATIJALARI**

Isoqova Zubayda Xabibullayevna
NamMQI, kafedra dotsenti, tel.: +99(897) 5387083, E-mail: zulichka120783@gmail.com

Karimov Tolibbek Tal'atbekovich
PSUYEAITI Namangan ilmiy-tajriba stansiyasi ilmiy xodimi

Annotatsiya. Ushbu maqolada xitoy texnologiyasi asosida plyonka ostidan tomchilatib sug'orish bo'yicha o'simlikni o'sib rivojlanishida ko'chat qalinligini o'rganish bo'yicha tajriba natijalari keltirilgan.

Аннотация: В статье представлены результаты опытов по изучению толщины рассады при росте и развитии растения при капельном орошении по китайской технологии.

Abstract: This article presents the results of experiments on studying the thickness of seedlings during plant growth and development under drip irrigation using Chinese technology.

Kalit so'zlar: tomchilatib sug'orish, plyonka osti, bo'z tuproq, xitoy texnologiyasi, ekish sxemasi, g'o'zani o'sishi, nazariy ko'chat qalinligi.

Ключевые слова: капельное орошение, подпленочное орошение, серозем, китайская технология, последовательность посадки, рост хлопчатника, теоретическая толщина всходов.

Key words: drip irrigation, subfilm irrigation, sierozem, Chinese technology, planting sequence, cotton growth, theoretical seedling thickness.

Dunyo dehqonchilik tizimining hozirgi zamon tushunchasi – bu turli dehqonchilik shakllari bo'lib, agrotexnik, meliorativ majmui va yerlardan jadal foydalanish, tuproq unumdorligini tiklovchi [1-3] va oshiruvchi resurstejamkor yangi texnologiyalarni [4,5] keng joriy etish muhim ahamiyatga ega.

Mamlakatimiz iqtisodiyotini yangi bosqichga ko'tarilayotgan ayni davrda yer munosabatlari va yer resurslaridan foydalanishni samarali ko'rinishlari namoyon bo'lmoqda [6-8].

Ekinlardan mo'l va sifatli hosil yetishtirishda sun'iy sug'orishni qo'llash va sug'orish tizimlaridan to'g'ri foydalanish qishloq xo'jaligi ekinlarini sug'orish uchun alohida ahamiyat kasb etadi [9-13]. Mamlakatimizda yetishtirilayotgan qishloq xo'jaligi mahsulotlarining asosiy qismi sug'oriladigan yerlarda yetishtiriladi.

Hozirgi kunda asosiy e'tibor mavjud suv va yer resurslaridan to'g'ri foydalanishga qaratilmoqda. Sug'oriladigan yerlarning unumdorligini oshirishda qishloq xo'jalik sug'orish tizimlarini faoliyatini yaxshilash, ulardan to'g'ri foydalanishni tashkil etish va sug'orishni tejamkor texnologiyalaridan foydalanishning katta ahamiyati ega [11-15].

Shuningdek, hozir kunda plyonka ostida tomchilatib sug'orish texnologiyasi samarali usul hisoblanadi. Bunga davlatimiz tomonidan berilayotgan subsidiyalar va paxtani hosildorligini sezilarli darajada ko'tarilishi, texnika va qo'l kuchini kamayishi ya'ni suvchilarning 2-3 tasi bilan 30-35 gektar maydonni sug'orish imkoni borligi yaqqol ko'zga tashlanmoqda.

Namangan viloyatining och tusli bo'z tuproq [14, 16] iqlim sharoitidagi dehqonchilik

fermer xo'jaliklarimiz g'o'zani xitoy texnologiyasi asosida plyonka ostida tomchilatib sug'orishda paxta navlarini ko'chat qalinligi bo'yicha hech qanday ma'lumotga ega emaslar va fermer xo'jaliklarining ba'zilarini ochiq dalalarga ekib kelinayotgan g'o'zani ko'chat qalinligiga asoslanib plyonka ostiga ko'chat qalinligi bo'yicha ekib kelmoqdalar.

Biz shularni inobatga olgan holda tajribalarimizda "Xitoy texnologiyasi asosida paxtani tomchilatib sug'orishdagi ko'chat qalinligi"ni o'rganishni asosiy vazifa etib belgiladik.

Tajribadagi nihollarni unib chiqishi

Ko'chat qalinligi bo'yicha olib borilayotgan tajribadagi nihollarni unib chiqish dinamikasi haqidagi ma'lumotlar 1-jadvalda keltirilgan

1-jadval

Tajribadagi nihollarni unib chiqish dinamikasi

T/r	Ekish sxemasi	Nazariy ko'chat qalinligi ming tup/ga	Kuzatilgan kunlar		
			29.04.23	01.05.23	04.05.23
1	60x15-1	110-120	22	51	79
2	60x12-1	130-140	38	63	94
3	60x20-1	80-90	29	56	88

Nihollar unib chiqish dinamikasi bo'yicha olingan ma'lumotlar shuni ko'rsatdiki, birinchi kuzatish kunida nisbatan yuqori unib chiqish 2-variantda 38% kuzatildi, 2 va 3-kuzatish kunlarida variantlar o'rtasidagi farqda yuqoriroq natijal-kuzatish kunidagidek 2-variantda, ya'ni ko'chat 130–140 ming tup/ga bo'lgan variantda kuzatildi.

G'o'zani o'sish va rivojlanishi

Tajribadagi g'o'zani o'sish va rivojlanishi bo'yicha olingan ma'lumotlar 2-jadvalda keltirilgan. Olingan ma'lumotlarni tahlil qilganimizda o'simliklarni bo'yi dastlabki oyda deyarli farq qilmadi (21,8–23,0 sm) chin barglar sonida ham farq kuzatilmadi (7,3–7,4 dona). Iyul oyida o'simliklarni bo'yida farq kuzatila boshladi, ko'chat 130–140 ming tup/ga bo'lgan 2-variantda o'simlikni bo'yi 63,5 sm, ko'chatlar 110–120 ming tup/ga qo'yilgan 1-variantda 65,5 sm, ko'chatlar siyrak 80–90 ming tup/ga, qo'yilgan 3-variantda 66,5 sm.

2-jadval

G'o'zanig o'sishi, rivojlanishi va hosil elementlari

T/r	Ekish sxemasi va nazariy ko'chat qalinligi ming tup/ga	01.06		01.07			01.08				01.09		
		G'o'zani bo'yi.sm	Chin barg soni	G'o'zani bo'yi.sm	Hosil shoh soni, dona	Hosil elementlar soni, dona	G'o'zani bo'yi.sm	Hosil shoh soni, dona	Ko'sak soni, dona	Tuguncha soni, dona	Jami ko'sak soni, dona	Shu jumladan ochilgani, dona	Ochilish darajasi%
1	65x15-1 110-120	21,8	7,3	65,5	11,1	11,5	91,3	13,6	7,8	3,1	13,6	7,6	56
2	65x12-1 130-140	22,1	7,4	63,5	10,7	10,8	83,7	12,9	5,5	3,0	12,2	6,8	58
3	65x20-1 80-90	23,0	7,4	66,5	11,3	11,8	94,8	14,2	7,9	3,6	14,3	8,4	59

Avgust oyiga kelib o‘simliklarni bo‘yidagi farqda o‘simliklar ko‘chat soni siyrak bo‘lgan 3-variantda (80–90 ming tup/ga) ko‘chatlar soni qalin bo‘lgan variantlarga nisbatan o‘simliklarni bo‘yi baland bo‘lganligi kuzatildi. 1-variantda o‘simlik bo‘yi 91,3 sm, 2-variantda 83,7 sm 3-variantda 94,8 sm bo‘lganligi kuzatildi. Hosil shox soni iyul oyida eng kam 10,7 dona ko‘chat qalin bo‘lgan 2-variantda kuzatildi, ko‘chat nisbatan siyrak bo‘lgan 3-variantda hosil soni 11,3 donani tashkil etdi. Avgust oyiga kelib hosil shoxlar soni ko‘chat qalin bo‘lgan variantlarga nisbatan siyraklashgan sari hosil shox soni ko‘payib bordi. Ko‘chat soni 130–140 ming tup/ga bo‘lgan 2-variantda 12,9 dona, ko‘chat soni 110–120 ming tup/ga. 1-variantda 13,6 dona, ko‘chat soni 80–90 ming tup/ga da o‘tkazilgan 3-variantda 14,2 donani tashkil etdi. Hosil elementlarini to‘plashda ham yuqoridagi qonuniyat takrorlandi ya’ni 2-variantda 10,8 dona, 1-variantda 11,5 dona, 3-variantda 11,8 donani tashkil etdi. Avgust oyidagi tugunchalarni paydo bo‘lishida variantlar o‘rtasida deyarli farq kuzatilmadi (3,0–3,6 dona), ko‘saklarning to‘plashda ko‘chat soni qalin bo‘lgan, 2-variantda ko‘chat qalinligi siyrak qoldirilgan variantlarga nisbatan kamroq to‘plandi (5,5 dona), ko‘chat qalinligi 110–120 ming tup/ga va ko‘chat qalinligi 80–90 ming tup/ga tashkil etgan variantlar o‘rtasida deyarli farq kuzatilmadi (7,8–7,9 dona). Sentabr oyiga kelib ko‘saklar soni ko‘chat qalinligi 110–120 ming tup/ga bo‘lgan 1-variantda 13,6 donani tashkil etdi. ko‘chat qalinligi 130–140 ming tup/ga bo‘lgan 2-variantda 1-variantga nisbatan kamroq 12,2 donani, ko‘chat qalinligi – 80–90 ming tup/ga bo‘lgan 3-variantda esa ko‘proq (14,3 dona) to‘planganligi kuzatildi. Ushbu oyda to‘plangan ko‘saklarni ochilishi 1-variantda 56%, 2-variantda 58%, 3-variantda 59% ochilgani kuzatildi.

ADABIYOTLAR

1. Mirzadavlatovicvh S. H., Akhmadjanovich T. M. Mathematic model of course stability wide-coverage sowing and cultivator machine-tractor aggregate //European science review. – 2017. – №. 11-12. – С. 143-146.
2. Mamadjanov S. I. et al. Perspective Technology to Improve Arid Pastures //International Journal of Recent Technology and Engineering. –India. – 2020. – Т. 9. – С. 802-811.
3. Tolibaev A. et al. Desert wheel tractor and agricultural machines aggregated to it. IJARSET. India, Vol. 6, Issue 9. – 2019.
4. Тўхтабоев М., Тўланов И. Қишлоқ хўжалиги тракторларига шина танлашнинг илмий асослари //Тошкент: Тамаддун. – 2016. – Т. 104.
5. Tukhtabaev A. M., Nuriddinov A. D., Xidirov U. X. Anthropogenic Impact Assessment of Undercarriages on Soil //IJARSET. India, №. – 2021. – Т. 8. – №. 1.
6. Isokova Z. Worker organ for education mole cast in space between rows cotton //Irrigation and Melioration. – 2018. – Т. 2018. – №. 2. – С. 62-65.
7. Kh I. Z. The honeycombs forming working apparatus for under soil irrigation of the cotton rows //AGROILM journal of Uzbekistan. – 2011. – №. 3. – С. 17-18.
8. Солиев Х. М., Нуриддинов А. Д., Тўхтабоев М. А. Барча ғилдираклари етакчи тракторнинг тортиш балансини ҳисоблаш //ФарПИ Илмий-техника журнали. – 2020. – Т. 24. – №. 2. – С. 96-100.
9. Байметов Р. И., Хатамов Б. А., Исакова З. Х. Водосберегающая технология полива хлопчатника //Механика ва технология илмий журнали. – 2021. – №. 2. – С. 27.
10. Курбанов Н. М., Хатамов Б. А., Исоқова З. Х. Озуқабоп донларни поғонали равишда майдалаб-эзгичнинг параметрларини асослаш //Механика и технология. – 2022. – Т. 4. – №. 9. – С. 123-129.
11. Isokova Z. X., Valiev B. F., Xidirov U. X. Research results on underground cotton

irrigation through artificial pipes //IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. – IOP Publishing, 2023. – Т. 1231. – №. 1. – С. 012046.

12. Хатамов Б. А., Исокова З. Х. Влияние параметров листостебельных сепараторов на качество работы кукурузоуборочной машины //Экономика и социум. – 2023. – №. 5-2 (108). – С. 1196-1199.

13. Исокова З. Х., Хатамов Б. А., Назаров Ф. И. Результаты экспериментов по формированию искусственной трубы рабочим органом. – 2023.

14. Akhmetov A. A. et al. To the issue about the tractional passability of high-clearance completely-driven four-wheeled universal-row cotton crop tractor //IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. – IOP Publishing, 2022. – Т. 1112. – №. 1. – С. 012017.

15. Akhmetov A. A. et al. Fitability of the high-clearance tractor with the 4K4 wheel arrangement at the row spacing //IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. – IOP Publishing, 2022. – Т. 1112. – №. 1. – С. 012038.

16. Тухтабаев М. А., Хатамов Б. А., Исокова З. Х. Воздействие вертикальной нагрузки и внутршинного давления колеса на деформацию почвы //Механика и технология. – 2023. – Т. 3. – №. 12. – С. 148-155.

УДК: 631.023

ҚАТОР ОРАЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШДА АГРЕГАТ РАЦИОНАЛ ҲИМОЯ ЗОНАСИ КЕНГЛИГИНИ ТАНЛАШНИНГ ЭҲТИМОЛИЙ-СТАТИСТИК МОДЕЛИ

Солиев Хайитбой Мирзадавлатович

НамМҚИ, PhD, кафедра доценти, тел.: +99(897) 6016406, E-mail: soliev_2608@mail.ru

Аннотация. Мақолада қатор ораларига ишлов беришда культиватор агрегатининг рационал ҳимоя зонаси кенглигини танлашнинг эҳтимолий-статистик модели ишлаб чиқилган ва таҳлил этилган.

Аннотация. В статье разработана и проанализирована вероятностно-статистическая модель выбора ширины рациональной зоны защиты культиваторного агрегата при междурядной обработки почвы.

Annotation. In the article, a probabilistic-statistical model for choosing the width of the rational protection zone of the cultivator unit during inter-row cultivation was developed and analyzed.

Калит сўзлар: культиватор, культиватор пичоқлари, ҳимоя зонаси, ишчи органлар, агрегат.

Ключевые слова: культиватор, ножи культиватора, защитная зона, рабочие органы, агрегат.

Key words: cultivator, cultivator blades, protection zone, working bodies, unit.

Ғўза, маккажўхори каби чопиқ экинларини парваришлашдаги культивациялаш, ўғитлаш, юмшатиш тадбирларини бажаришда культиватор агрегати ўсимликлар қатор ораларида ҳаракатланади. Бундай усулда ҳаракатланиш агрегатни аниқ бошқаришни талаб қилади, чунки уни қатордан силжиши ўсимликларни шикатланишига олиб келади [1-4].

Экин қаторидан чап ёки ўнг томонларга силжиб қолган ўсимликларга зарар етказмаслик учун культиваторнинг ишчи органлари ўсимликлар қаторларидан муайян масофада, уларнинг қийшиқлиги ва мураккаб шаклини аниқ копирлаган ҳолда ҳаракатланиши керак [1,5-8].

Амалда культиватор пичоқларини қаторлар бўйлаб ҳаракатланиш йўналишини

барқарор сақлашнинг иложиси йўқлиги сабабли ишчи органларни жойлаштиришда қаторларнинг ҳар икки томонидан ҳимоя зонасини қолдириб кетадилар [9-12]. Ҳимоя зонасининг кенглиги катта бўлганда ўсимликларни шикастланиш эҳтимоллиги камаяди, аммо бир вақтнинг ўзида культиватор билан ишлов берилмаган юза миқдори ортиб кетади [11,12].

Чопиқ экинлари етиштириладиган суғориладиган майдонларда кенг ҳимоя зоналарини қолдириш ёмон, зеро ўсимлик тупларининг шундоқ ёнбошидан ўтлар кўкариб чиқади, суғоришдан кейин ниҳолларни қисиб, ривожланишига халақит берадиган қаттиқ қатлам ҳосил бўлади. Шу сабабли культивациядан сўнг тупроққа кўпинча қўл кучи ёрдамида қўшимча ишлов беришга тўғри келади [13-16]. Демак, культивация жараёнида ҳимоя зонаси кенглигини тўғри танлаш ҳам агротехник, ҳам иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга [2,17].

Қатор оралига ишлов беришда ҳимоя зонасининг кенглиги ϵ_3 бўлганда шикастланадиган ўсимликларнинг эҳтимолий улуши қўйидаги ифода орқали аниқланди:


$$V_3 = \phi\left(\frac{3\sigma_K - \epsilon_3}{\sigma_3}\right)\phi\left(\frac{3\sigma_3 - \epsilon_3}{\sigma_K}\right)100\% \quad (1)$$

(1) формула ϵ_3 кенгликдаги ҳимоя зонасига эга бўлган ўсимликларни шикастланиш эҳтимолини ўсимликларни қатор ўқидан силжиши (σ_3) га ва культиватор пичоғи чекка нуктасини ҳаракат йўналишидан силжиши (σ_K) га боғлиқ равишда ҳисоблаш имконини беради [3].

Ҳисобий вариант. $\sigma_3 = 1$ см, $\sigma_K = 4$ см бўлсин. Уларнинг нисбатини η_3 орқали белгиласак,

$$\eta_3 = \sigma_3 / \sigma_K = 1/4 = 0,25.$$

Культиватор пичоғини қатор орасига жойлаштиришда ҳимоя зонаси кенглиги ϵ_3 шундай танлансинки, бунда шикастланадиган ўсимликларнинг эҳтимолий миқдори 1 фоиздан ошмасин, яъни $V_3 < 1,0\%$.




1-расм. $ab = 5$ см кенгликдаги тасма ичида шикастланган ўсимликлар улуши

2-расмда (1) формула ёрдамида бажарилган ҳисоб-китоблар натижасида курилган номограмма тасвирланган. Бу номограмма мураккаб ҳисоб-китобларни бажармаган ва нормал тақсимот функцияларини жадвалларги мурожаат этмаган ҳолда ҳимоя зонаси ϵ_3 кенглигини танлаш имкониятини беради [3-4].

Ечиш. Вертикал шкаланинг пастида $\sigma_K = 4$ см ни ифодаловчи чизиқ жойлашган. Бу чизиқ $\epsilon_3 = 10$ см эгри чизиқ билан C нуктада, $\epsilon_3 = 12,5$ см чизиқ билан d нуктада кесишади. C нуктадан ўтказилган вертикал чизиқ $\eta_3 = 0,25$ эгри чизиқ билан C_1 нуктада кесишади. C_1 нуктадан ўтказилган горизонтал штрих чизиқни V_3 ордината билан учрашган нуктаси

ш $V_3 = 3\%$ га мос келади. Демак, берилган $\sigma_k = 4$ см, $\sigma_3 = 1$ см параметрларда ва танланган химоя зонасининг $e_3 = 10$ см кенглигида ўсимликларнинг эҳтимолий шикастланиш миқдори 3 фоизни ташкил этади. $\sigma_k = 4$ см, $\sigma_3 = 1$ см ўзгармасдан қолиб, $e_3 = 12,5$ см бўлганда $v_3 < 1\%$ бўлиши номограммадан яққол кўриниб турибди.



2-расм. Экин ва қатор ораларига ишлов беришда химоя зонасини кенглигини аниқлаш номограммаси

Энди

$$\Delta S = \left(1 - \frac{M_1}{M}\right) 100 = \left(1 - \frac{M - 2e_3}{M}\right) 100\% \quad (2)$$

формуладан фойдаланиб $e_3 = 10$ см ва $e_3 = 12,5$ см бўлганда культиватор пичоқлари билан ишланмасдан қолиб кетган қатор ораси юзаларини ҳисоблаймиз.

$M = 90$ см, $e_3 = 10$ см бўлганда:

$$\Delta S = \left(1 - \frac{90 - 2 \cdot 10}{90}\right) 100\% = (1 - 0,77) 100\% = 23\%.$$

$M = 90$ см, $e_3 = 12,5$ см бўлганда:

$$\Delta S = \left(1 - \frac{90 - 2 \cdot 12,5}{90}\right) 100\% = (1 - 0,72) 100\% = 28\%.$$

Шундай қилиб, юқорида келтирилган эҳтимолий-статистик модел ва номограммадан фойдаланиб қаторлаб экиладиган турли ўсимликлар учун химоя зоналари кенглик (e_3) лари, ўсимликларни қатор (σ_3) ва культиваторни ҳаракат йўналишидан (σ_k) ўртақвадратик четлашишларининг рационал қийматларини ҳисоблаш ва асослаш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Солиев Х., Вахабова М. Производительность И Экология В Сельском Хозяйстве //Ta'lim va rivojlanish tahlili onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 7. – С. 184-191.
2. Mirzadavlatovicvh S. H., Akhmadjanovich T. M. Mathematic model of course stability wide-coverage sowing and cultivator machine-tractor aggregate //European science review. – 2017. – №. 11-12. – С. 143-146.

3. Soliev X.M., Abduvaliev Yu.A., Sharipov M.A. Qator oralariga ishlov berishda o'simliklar zararlanishining ehtimoliy-statistik modeli // «Математик моделлаштириш ва ахборот технологияларининг долзарб масалалари» халқаро илмий-амалий анжуман. – Нукус, 2-3 МАЙ. – 2023. – 135-138 б.
4. Тухтабаев М. А., Солиев Х. М. Кенг қамровли машина-трактор агрегатни эксплуатацион-технологик баҳолаш //ta'lim va rivojlanish tahlili onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 107-115.
5. Tolibaev A., Tukhtabaev M. Desert wheel tractor and agricultural machines aggregated to it //IJARSET. India. – 2019. – Т. 6. – №. 9.
6. Tukhtabaev M., Xidirov U. X., Hamraqulov T. T. Research Results on Prevention of Tires Anthropogenic Impact on the Soil //IJARSET. India, №. – 2021. – Т. 8. – №. 4.
7. Normirzayev A. R. et al. Undercarriages impact on soil of machine-tractor units during tillage and cultivation of agricultural crops //AIP Conference Proceedings. – AIP Publishing, 2023. – Т. 2612. – №. 1.
8. Тухтабаев М. А. Результаты исследований по уменьшению уплотняющего воздействия на почв шин //Научно-практические пути повышения экологической устойчивости и социально-экономическое обеспечение сельскохозяйственного производства. – 2017. – С. 1247-1249.
9. Солиев Х. М., Нуриддинов А. Д., Тўхтабоев М. А. Барча ғилдираклари етакчи тракторнинг тортиш балансини ҳисоблаш //ФарПИ Илмий-техника журнали. – 2020. – Т. 24. – №. 2. – С. 96-100.
10. Тўхтабоев М., Тўланов И. Қишлоқ хўжалиги тракторларига шина танлашнинг илмий асослари //Тошкент: Тамаддун. – 2016. – Т. 104.
11. Soliev H. M. et al. Course stability models of a wide-width tractor unit //IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. – IOP Publishing, 2022. – Т. 1112. – №. 1. – С. 012033.
12. Солиев Х. М., Тўхтабоев М. А. Кенг қамровли чигит экиш машина-трактор агрегатини агротехник кўрсаткичлари //Механика ва технология илмий журнали. – 2021. – Т. 2. – №. 3. – С. 39-43.
13. Туланов И. О., Тухтабаев М. А., Солиев Х. М. Кенг қамровли пахтачилик машина-трактор агрегатининг бошқарувчанлиги //Та'lim va rivojlanish tahlili onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 9. – С. 23-31.
14. Туланов М. Т. И., Курамбаев Б., Солиев Х. Кенг қамровли 6-қаторли культиватор агрегатининг қувват баланси //Агро Илм. – 2018. – Т. 6. – С. 97-98.
15. Тухтабаев М. А. Кенг қамровли чигит экиш агрегатининг қувват баланси //Ресурстежамкор қишлоқ хўжалик машиналарини яратиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. – 2017. – С. 44-50.
16. Тошболтаев М. Т., Солиев Х. МАГНУМ–8940 трактори ва кейс–1200 саккиз қаторли пневматик сеялкадан иборат экиш агрегатида трактор қувватидан фойдаланиш даражасини баҳолаш //Scientific-technical journal FerPI (STJ FerPI, ФарПИ ИТЖ, НТЖ ФерПИ, 2, 146-149. – 2019.
17. Tukhtabayev M. A., Soliev H. M., Turgunov Z. X. The Productivity and Ecology in Agriculture //International Journal of Early Childhood Special Education. – 2022. – Т. 14. – №. 6.
18. Holmirzaev, J. Z., Kuchkorov, S. K., & Eksanova, S. SH.(2020). Udarno-Vrащatельnaya Dinamicheskaya Modelь Rabochego Organa Ochistitelya Xlopka. *Kontseptsii I Modeli Ustoychivogo Innovatsionnogo Razvitiya*, 137.

УДК.65.3977

**ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАМИНЛАШДА ЙЎЛ –ТРАНСПОРТ
ҲОДИСАЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА УНИ БАҲОЛАШ**Насриддинов Азизбек Шамсиддинович,
azizbeknasriddinov302@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада йўл-транспорт ҳодисалари натижасида жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили 1,2 миллионга яқин одам йўл транспорт ҳодисалари натижасида вафот этмоқда, қарийб 50 миллион киши турли даражада тан жароҳатлари олади. 2011-2022 йилларда БМТ Бош Ассамблеясининг 2010 йил 2 мартдаги 64-сессиясининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича ўн йиллик амалий чора-тадбирлар" резолюциясида эълон қилиниши ушбу мавзу билан боғлиқ муаммоларнинг бутун дунё бўйлаб кенг тарқалишини ва уларни ҳал қилиш бўйича кенг кўламли ишларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатди.

Аннотация. В этой статье, по данным Всемирной организации здравоохранения, в результате дорожно-транспортных происшествий ежегодно погибает около 1,2 миллиона человек, при этом почти 50 миллионов получают телесные повреждения различной степени тяжести. Объявление 64-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН 2 марта 2010 года на 2011-2022 годы в резолюции "Десять лет практических мер по обеспечению безопасности дорожного движения" показало широкое распространение проблем, связанных с этой темой, по всему миру и необходимость проведения масштабной работы по их решению.

Annotation. In this article, according to the World Health Organization, about 1.2 million people die annually as a result of road accidents, while almost 50 million receive injuries of varying severity. The announcement of the 64th session of the UN General Assembly on March 2, 2010 for 2011-2022 in the resolution "Ten years of practical measures to ensure road safety" showed the wide spread of problems related to this topic around the world and the need for large-scale work to solve them.

Калит сўзлар. Транспорт, пиёда, йўл, ҳаракат хавфсизлиги, ҳайдовчи, минтақа, йўл-транспорт ҳодисаси, светофор, тартибга солувчи, тезлик.

Ключевые слова. Транспорт, пешеход, дорога, безопасность дорожного движения, водитель, регион, дорожно-транспортное происшествие, светофор, регулировщик, скорость.

Keywords. Transport, pedestrian, road, road safety, driver, region, traffic accident, traffic light, traffic controller, speed.

2005 йилдан бошлаб БМТ томонидан ҳар йили ноябрнинг учинчи якшанбаси «Жаҳон йўл-транспорт ҳодисалари қурбонларини хотирлаш куни» (World Day of Remembrance for Road Traffic Victims) деб эълон қилинган.

2011 йилда Таиланд пойтахти Бангкокда Осиё-тинч океани минтақаси учун БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда глобал ва минтақавий кўрсаткичлар ва йўл ҳаракати хавфсизлигини баҳолашга қаратилган масалалар кўриб чиқилди. Асосий натижа 2011-2020 йиллар давомида Осиё-тинч океани минтақасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалий ишлар режаларини тузиш бўйича тавсиялар бўлди. 2011-2020 йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича глобал ва минтақавий муаммоларни ҳал этишга қаратилган ҳайъат тавсияларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида автомобил йўлларида


ҳалок бўлганлар ва оғир жароҳатлар сонини 50 фоизга камайтириш мақсадида ҳаракатнинг барча иштирокчилари "йўл ҳаракати қоидалари" га риоя қилишлари ҳамда аҳоли ўртасида кенг қўламли тушунтириш ишлари олиб борилиши таъкидланди [1-3].

Ўзбекистон Республикасида ҳар йили "Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги" ва "Диққат, пиёда" ойлиги ўтказилмоқда, ойлик давомида йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ турли тадбирларни амалга ошириш билан бир қаторда йўл-транспорт ҳодисаларини камайтиришга эришилади. Аммо бу мақсадга эришилган дегани эмас.

Ички ишлар вазирлигининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасининг маълумотларига кўра (1-расм) 2022 йилнинг 12 ойи давомида республика йўлларида йўл-транспорт ҳодисалари статистикаси шунинг кўрсатадики, йилнинг сўнгги 12 ойида 9902 та йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлди. Бу йўл-транспорт ҳодисалари натижасида 2356 (ўтган йилга нисбатан -2,9%) нафар фуқаро ҳалок бўлган, 9606 (ўтган йилга нисбатан +3,9%) киши турли даражадаги тан жароҳатлари олди [4].

Ҳайдовчиларнинг ёши нуқтаи назаридан йўл-транспорт ҳодисаларини таҳлил қилганда, энг кўп 25-35 ёш оралиғидаги ҳайдовчилар томонидан содир этилган. Умуман олганда, энг кўп бахтсиз ҳодисалар 35 ёшгача бўлган ҳайдовчилар томонидан содир бўлади. 9902 та бахтсиз ҳодисадан 4327 таси айнан шу ёшдаги ҳайдовчиларга тўғри келади. 50 ёшдан ошган ҳайдовчилар 945 та йўл транспорт ҳодисасига учраган.

Йўл транспорт ҳодисаларини иштирокчиларини таҳлил қилсак, пиёдаларни уриб юбориш етакчи ўринни эгаллайди – 4449 ҳолатда улар бевосита иштирок этишди.



1-расм. 2022 йилда республика йўлларида йўл-транспорт ҳодисалари статистикаси

Йўл транспорт ҳодисаларининг аксарияти (3005) давлат аҳамиятига эга йўлларда, 2684 та шаҳар кўчаларида, 2378 та маҳаллий йўлларда ва 1733 та халқаро аҳамиятдаги йўлларда содир бўлган.

Содир бўлиш вақтига кўра 15-00 дан 20-00 оралиғида энг кўп йўл транспорт ҳодисалари юз берди.

Пайшанба ва шанба кунлари кўпроқ бахтсиз ҳодисалар қайд этилди, мос равишда 1532-1509 та. Йўл транспорт ҳодисаларининг 1782 таси ҳаракатни нотўғри ташкил

этилиши ва белгиланган тезликка риоя қилмаслик туфайли содир бўлган.

Бу умумий йўл-транспорт ҳодисаларининг 26,1 фоизини ташкил қилади. 1017 ҳолатда (10,3 %) пиёдалар ўтиш жойи ташкил этилмаганлиги сабабли пиёдалар йўлни номаълум жойда кесиб ўтишади.

Кўпинча пиёдаларнинг йўлларни кесиб ўтишда қийналаётгани, ҳайдовчилар эса уларга йўл беришни истамаётганини кузатамиз. Светофор қўйилмаган пиёдалар ўтиш йўлагига тез келаётган транспорт воситаси пиёдани кечроқ кўради. Ёки бошқа транспорт воситалари тўхтаб туриш сабабини тушунмасдан ўтиб кетишга ҳаракат қилишади. Бу эса пиёдалар ўтиш йўлларидаги йўл транспорт ҳодисаларини ортишига олиб келмоқда. Шу сабабли, пиёдалар бошқарадиган светофорларни жорий этиш муҳим ва бу «йўл – пиёда учун» тамойилини жорий этишга хизмат қилади. Мазкур светофорларнинг стандарт светофорлардан фарқи шундаки, улар фақат тугмачалар орқали ишлайди. Тугмачалар йўлнинг икки тарафида бўлади. Бу светофорларни ўрнатилиши натижасида транспорт воситаларини йўлларда йўқотадиган вақтини камайтириш ва йўлнинг ўтказиш қобилиятига кам таъсир қилишига эришиш мумкин.

1577 та бахтсиз ҳодиса (15,%) тезликни оширганлиги сабабли содир бўлди. Йўл-транспорт ҳодисаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, кўпинча йўл-транспорт ҳодисалари ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг бепарволиги туфайли содир бўлади, бу эса ўз навбатида фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига ҳурматсизликка олиб келади.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича бир қатор чора-тадбирларга қарамай, бахтсиз ҳодисалар сонини камайтиришга эришиш мураккаблашиб бормоқда. Бу мутахассислар олдида йўл ҳаракати хавфсизлиги муаммоларига жиддий ёндашиш вазифасини қўяди.

Ҳар бир инсон йўлларда бевосита транспорт воситасининг ҳайдовчиси, йўловчиси ва пиёда сифатида йўл ҳаракати қатнашчиси бўлади.

Йўл ҳаракати қоидалари барча иштирокчилар учун хавфсиз транспорт шароитларини батафсил тавсифловчи ва йўлда содир бўладиган ҳар қандай ҳаракатларни тартибга солувчи асосий ҳужжатдир. Шунинг учун йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш 90% йўл ҳаракати хавфсизлигини кафолатлайди. 10% ҳолатда эса ҳаракат иштирокчиларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга (тўсатдан касаллик ёки табиий офат) берилади [5-8].

Тадқиқотлар кўрсатишича, қонун-қоидаларга амал қилиш туйғусини болалиқдан шакллантириш ижобий натижа беради. Бунда шахснинг онги шаклланиши экан, унга нима қилиш мумкин ва нима мумкин эмас ёки қандай бажариш кераклигини ўргатиш муҳим. Кўплаб ривожланган давлатларда йўл ҳаракати хавфсизлиги шахснинг ҳаётий хавфсизлигининг ажралмас қисми сифатида тушунилади ва ҳаётий хавфсизликни болалиқдан ўргатишга алоҳида эътибор берилади.

Ҳозирги кунга келиб республикамизда мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларида Йўл ҳаракати қоидалари ҳонасини ташкил қилиниши болаларда қоидаларга амал қилиш кўникмаларини шакллантиради. Айниқса бундай дарсларни ЙПХ ходимлари томонидан ўргатилиши ўзининг ижобий натижасини беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Имомназаров С. К. и др. Участие общественности в обеспечении безопасности движения // Экономика и социум. – 2021. – №. 5-1. – С. 939-942.
2. Имомназаров С.К., Насриддинов А.Ш., Разоков А.Я. Application of Intelligent

Systems in Cars // International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology. 2021 ISSN: 2319-7064 – P. 78–80..

3. Имомназаров С.К., Насриддинов А.Ш., Разоков А.Я. Application of Intelligent Systems in Cars // International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology. 2021 ISSN: 2319-7064 – P. 78–80..

4. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ маълумоти 2022 йил.

5. Бойбобоев, Н. Г., Хамракулов, А. К., & Хамзаев, А. А. Анализ нового направления совершенствования конструкции элеваторов корнеклубнеуборочных комбайнов. *Science Time*, (2016). (2 (26)), 63-69.

6. Байбобоев, Н. Г., Хамзаев, А. А., & Абдуллаев, К. Совершенствование технологии и средств машинной уборки топинамбура с помощью применения картофелекопателей. *Научное знание современности*, (2017). (6), 43-47.

7. Байбобоев, Н. Г., Бышов, Н. В., Борычев, С. Н., Мухамедов, Ж. М., Рахмонов, Х. Т., Акбаров, Ш. Б., ... & Рембалович, Г. К. Навесная сепарирующая машина. (2019).

8. Байбобоев, А. Н., Кодиров, С. Т., Акбаров, Ш. Б., Гоипов, У. Г., & Хамзаев, А. А. Расчёт технологического процесса сепарации почвы с рыхлительным барабаном. In *Комплексный подход к научно-техническому обеспечению сельского хозяйства* (2019). (pp. 60-64).

9. Кўчқоров, С. К., Эксанова, С. Ш., Туйчиева М. В. (2022). ТЕКИСЛАГИЧГА БЕРИЛАДИГАН ТИК БОСИМ КУЧИНИ ВА УНИНГ ИШ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШ. БАРКАРОРЛИК ВА ЕТАКЧИ ТАДКИКОТЛАР ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ , 488-494.

10. Меликулов, Н., & Кучкоров, С. К. (2022). Одновременное действие изгиба и сжатия в пластинах, подкрепленных по контуру упругими тонкостенными стержнями. *Механика и технология*, 3(8), 64-69.

11. Holmirzaev, J. Z., Kuchkorov, S. K., & Eksanova, S. SH.(2020). Udarno-Vratchatel'naya Dinamicheskaya Model' Rabocheho Organa Ochistitelya Xlopka. *Kontseptsii I Modeli Ustoychivogo Innovatsionnogo Razvitiya*, 137.

УДК. 631.333:024:64

АНОР ТУПЛАРИНИ ТЎЛИҚ ОЧАДИГАН ҚУРИЛМА ТЕКИСЛАГИЧИ БАЛАНДЛИГИНИНГ АНОР ТУПЛАРИНИНГ ОЧИЛИШ ДАРАЖАСИ ВА УНИНГ ТОРТИШГА ҚАРШИЛИГИГА ТАЪСИРИ ЎРГАНИШ

Ортиқов Н.Б.

НамМҚИ, Phd, т.ф.ф.д (PhD), +99893-673-91-19, nozimortiqov98@gmail.com

Аннотация. Мақолада анор тупларини тўлиқ очилиши ва кам шикастланиши, тортишга қаршилик минимал бўлишини таъминлаш учун анор тупларини тўлиқ очадиган машина текислагичнинг баландлиги 20 см дан кичик бўлмаслиги лозим. дискли иш органининг бўйлама-тик текисликда горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги каттароқ ва аксинча, анор тупларини шикастланиш даражаси ва тортишга қаршилик камроқ бўлиши учун кичикроқ бўлиши лозимлиги таъкидланган.

Аннотация. В статье, утогняется, чтобы обеспечить полное раскрытие кустов граната и меньше повреждение, сопротивление выдергиванию минимально, высота выравнивателя машины, полностью раскрывающей кусты граната, должна быть не менее 20 см. Подчеркивается, что он должен быть меньше, чтобы иметь меньшее сопротивление.

Annotation. In the article, in order to ensure the complete opening of pomegranate bushes and less damage, the resistance to pulling is minimal, the height of the leveler of the machine that fully opens pomegranate bushes should not be less than 20 cm. it is emphasized that it should be smaller in order to have less resistance.

Калит сўзлар: анор, анор туплари, анор тупларини тўлиқ очадиган машина, диски иш органи, диски иш органининг бўйлама-тик текисликда горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги, анор тупларини очилиш ва шикастланиш даражаси, машинанинг тортишга қаршилиги.

Ключевые слова: гранат, кусты граната, машина для полного открытия кустов граната, дисковый рабочий орган, угол установки дискового рабочего органа в продольно-вертикальной плоскости, степень открытия и повреждения кустов граната, тяговое сопротивление машины.

Key words: granate, granate bushes, machine for full opening of granate bushes, disk working body, angle of installation of the disk working body in the longitudinal-vertical plane, degree of opening and damage to granate bushes, traction resistance of the machine.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида, жумладан, «...қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини модернизациялаш, диверсификация қилиш ва барқарор ўсишини қўллаб-қувватлаш учун хусусий инвестиция капитали оқимини кўпайтиришни назарда тутувчи соҳада давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш механизмларини жорий қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш» вазибалари белгилаб қўйилган. [2]

Илмий-тадқиқот методлари. Анор тупларини тўлиқ очадиган қурилма текислагичи очилиш бурчагининг анор тупларининг очилиш даражаси ва қурилманинг тортишга қаршилигига таъсирини ўрганиш учун бу бурчак 10° интервал билан 60° дан 90° гача ўзгартирилиб тажрибалар ўтказилди. Бунда текислагичнинг қамраш кенлиги чангининг кенлигидан кенгрок бўлиши кераклигини ҳисобга олиб, 85 см га тенг ва ўзгармас этиб, агрегатнинг ҳаракат тезлиги эса 3 ва 5 km/h деб белгиланди.

Анор шохларини шикастланиш даражаси машинанинг бир ўтишида синган анор шохлари бўйича аниқланди.

Натижалар. Тажрибаларда олинган натижалар жадваллар ва расмларда келтирилган.

Уларда келтирилган график боғлиқликлардан кўриниб турибдики, текислагичнинг очилиш бурчаги 60° дан 80° гача ортганда анор тупларини очилиш даражаси камайган, тортишга қаршилиги эса аввал камайиб кейин ортган. Бу бурчак 80° дан 90° гача ортганда анор тупларини очилиш даражаси деярли ўзгармаган, тортишга қаршилиқ эса кескин ортган.

1-жадвал

Қурилма текислагичининг очилиш бурчагини унинг иш кўрсаткичларига таъсири

т/р	Кўрсаткичларнинг номи	Текислагичининг очилиш бурчаги, °							
		60	70	80	90				
		Агрегат ҳаракат тезлиги, km/h							
		2,8	4,9	2,8	4,9	2,8	4,9	2,8	4,9
		Кўрсаткичларнинг қиймати							

1	Анор тупларининг шикастланиш даражаси, %	2,1	2,3	2,4	2,7	2,8	3,2	3,1	3,5
2	Анор тупларининг очилиш даражаси, %	98,9	99,5	97,8	98,0	97,0	97,3	96,8	97,0
3	Қурилманинг тортишга қаршилиги, kN	7,7	8,0	7,5	7,8	7,8	8,3	8,3	8,7

Уюмланиши билан ва бу тупроқнинг чеккага сурилишида унинг текислагич юзаларига ишқаланиши ортиши билан изоҳлаш мумкин.

1-2-расмларда келтирилган график боғланишларни юқорида таъкидланган усул қўлланилиб аниқланган қуйидаги эмпирик формулалар билан ифодалаш мумкин:

а) агрегат ҳаракат тезлиги 2,8 km/h бўлган ҳол учун

$$\delta = 115,32 - 0,4085(2\gamma) + 0,0022(2\gamma)^2, \% \quad (R^2 = 0,998)$$

$$R = 14,63 - 0,2022(2\gamma) + 0,0015(2\gamma)^2, \text{ kN} \quad (R^2 = 0,928)$$


б) агрегат ҳаракат тезлиги 4,9 km/h бўлган ҳол учун

$$\delta = 120,72 - 0,5355(2\gamma) + 0,003(2\gamma)^2, \% \quad (R^2 = 0,998)$$


$$R = 15,875 - 0,2415(2\gamma) + 0,00158(2\gamma)^2, \text{ kN} \quad (R^2 = 0,928)$$

Ўтказилган тажриба натижаларига асосан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қурилма анор тупларини талаб даражасида очилини таъминлаши ҳамда тортишга қаршилиги кам бўлиши учун текислагичнинг очилиш бурчаги 60°-70° оралиғида бўлиши лозим.

Анор тупларини тўлиқ очадиган қурилма текислагичининг баландлигини анор тупларини очилиш даражаси ва қурилманинг тортишга қаршилигига таъсирини ўрганиш учун текислагичнинг баландлиги 5 см интервал билан 15 см дан 30 см гача ўзгартирилиб тажрибалар ўтказилди. Бунда текислагичнинг қамраш кенлиги ўзгармас, яъни 85 см, текислагичнинг очилиш бурчаги 70° ва агрегатнинг ҳаракат тезлиги 3 ва 5 km/h деб белгиланди.



1-расм. Анор тупларини очилиш даражаси (δ) ни қурилма текислагичининг очилиш бурчаги (2γ) га боғлиқ равишда ўзгариш графикалари




2-расм. Қурилманинг тортишга қаршилиги (R) ни қурилма текислагичининг очилиш бурчаги (2γ) га боғлиқ равишда ўзгариш графиклари

Тажрибаларда олинган натижалар 1-жадвал ҳамда 1 ва 2-расмларда келтирилган.

Уларда келтирилган маълумотлар ва график боғлиқликлардан кўриниб турибдики, текислагичнинг баландлиги ортиши билан анор тупларини очилиш даражаси ва қурилманинг тортишга қаршилиги аввал тезроқ кейин эса секинроқ ортган. Масалан, текислагичнинг баландлиги 15 см дан 25 см гача ортиши билан анор тупларини очилиш даражаси ҳар иккала ҳаракат тезлигида мос равишда 96,7 фоиздан 98,5 фоизга ва 97,1 фоиздан 98,7 фоизга ортган бўлса, 25 см дан 30 см гача ортиши билан эса 98,5 фоиздан 98,6 фоизга ва 98,7 фоиздан 98,9 фоизга ортган холос. Буни текислагичнинг баландлиги катталашishi билан унинг олдида тупроқ уюмининг унинг устидан ошиб ўтиши камайishi ёки умуман ошиб ўтмаслиги билан изоҳлаш мумкин.


Худди шундай қурилманинг тортишга қаршилиги ҳам ҳар иккала ҳаракат тезлигида текислагичнинг баландлиги 15 см дан 25 см гача ортиши билан мос равишда 7,32 kN дан 7,65 kN га ва 7,5 kN дан 7,92 kN га ортган бўлса, 25 см дан 30 см гача ортиши билан эса 7,65 kN дан 7,70 kN га ва 7,92 kN дан 7,94 kN га ортган. Буни ҳам юқорида таъкидланганидек, текислагичнинг баландлиги ортиши билан унинг устидан тупроқ уюмини ошиб ўтмаслиги билан изоҳлаш мумкин.



3-расм. Анор тупларини очилиш даражаси (δ)ни текислагичнинг баландлиги (H) га боғлиқ равишда ўзгариш графиги

Қурилма текислагичи баландлигининг унинг иш кўрсаткичларига таъсири

т/р	Кўрсаткичларнинг номи	Текислагичининг баландлиги, см							
		15		20		25		30	
		Кўрсаткичларнинг қиймати							
1	Агрегат ҳаракат тезлиги, km/h	2,8	4,9	2,8	4,9	2,8	4,9	2,8	4,9
2	Анор тупларининг очилиш даражаси, %	96,7	97,1	97,8	98,3	98,5	98,7	98,6	98,9
3	Қурилманинг тортишга қаршилиги, kN	7,32	7,5	7,59	7,81	7,65	7,92	7,70	7,94



4-расм. Қурилманинг тортишга қаршилиги (R) ни текислагичнинг баландлиги (H) га боғлиқ равишда ўзгариш графиги

3-4-расмларда келтирилган график боғланишларни юқорида таъкидланган усул қўлланилиб топилган қуйидаги эмпирик формулалар билан ифодалаш мумкин:

а) агрегат ҳаракат тезлиги 2,8 km/h бўлган ҳол учун

$$\delta = 90,27 + 0,578H - 0,01H^2, \% \quad (R^2 = 0,999)$$

$$R = 5,77 + 0,159H - 0,0029H^2, \text{ kN} \quad (R^2 = 0,995)$$

б) агрегат ҳаракат тезлиги 4,9 km/h бўлган ҳол учун

$$\delta = 90,89 + 0,566H - 0,01H^2, \% \quad (R^2 = 0,9908)$$

$$R = 5,98 + 0,123H - 0,0022H^2, \text{ kN} \quad (R^2 = 0,976)$$

Хулоса. Ўтказилган тажриба натижаларига асосан шуни хулоса қилиш мумкинки, анор тупларини очилиш даражаси агротехник талаблар даражасида бўлиши учун Юқоридагиларга асосланган ҳолда анор тупларини очилиш даражаси талаблар даражасида бўлиши учун текислагичнинг баландлиги 20 см дан кичик бўлмаслиги лозим. Дискли иш органининг бўйлама-тик текисликда горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги каттароқ ва аксинча, анор тупларини шикастланиш даражаси ва тортишга қаршилиқ камроқ бўлиши учун кичикроқ бўлиши лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 20 январидagi 25-сон «Сирдарё вилояти ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида» ги Қарори.

2. Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 4 октябридаги 791-сон «Фарғона вилоятида анор этиштиришни кўпайтириш ва соҳани ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори.

3. “Анор тупларини кўмадиган ва очадиган машиналар ишлаб чиқишнинг илмий-техник ечимлари” инновация лойиҳаси бўйича оралик ҳисобот. – Гулбахор, 2020. – 183 б.

4. Кленин Н.И., Сакун В.А. Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. – Москва: Колос, 1980. – 617 б.

5. Выгодский М.Я. Справочник по высшей математике. – Москва: Наука, 1972. – 872 с.

6. Сергиенко В.А. Технологические основы механизации обработки почвы в междурядьях хлопчатника. – Ташкент: Фан, 1978. – 112 с.

7. Кўчқоров, С. К., Эксанова, С. Ш., Туйчиева М. В. (2022). ТЕКИСЛАГИЧГА БЕРИЛАДИГАН ТИК БОСИМ КУЧИНИ ВА УНИНГ ИШ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШ. БАРКАРОРЛИК ВА ЕТАКЧИ ТАДЖИКОТЛАР ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ, 488-494.

8. Меликулов, Н., & Кучқоров, С. К. (2022). Одновременное действие изгиба и сжатия в пластинах, подкрепленных по контуру упругими тонкостенными стержнями. *Механика и технология*, 3(8), 64-69.

9. Holmirzaev, J. Z., Kuchkorov, S. K., & Eksanova, S. SH.(2020). Udarno-Vrattatel'naya Dinamicheskaya Model' Rabocheho Organa Ochistitelya Xlopka. *Kontseptsii I Modeli Ustoychivogo Innovatsionnogo Razvitiya*, 137.

УДК. 631.333:024:64

АНОР ТУПЛАРИНИ ТЎЛИҚ ОЧАДИГАН МАШИНАНИНГ ДИСКЛИ ИШЧИ ОРГАНИ ЮЗАСИ БЎЙЛАБ, ТУПРОҚ БЎЛАКЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИ ЎРГАНИШ.

Ортиқов Н.Б.

НамМҚИ, Phd, т.ф.ф.д (PhD), +99893-673-91-19, nozimortiqov98@gmail.com

Аннотация. Мақолада анор тупларини тўлиқ очилиши тупроқ бўлақларини дискли иш органининг ишчи сирти бўйлаб ҳаракатини тадқиқ этишни ўрганиш муҳим аҳамият эга эканлигини таъкидлайди.

Аннотация. В статье подчеркивается важность изучения движения частиц почвы по рабочей поверхности дискового рабочего органа для полного раскрытия кустов граната.

Annotation. The article emphasizes that it is important to study the movement of soil particles along the working surface of the disk working body for the complete opening of pomegranate bushes.

Калит сўзлар: анор, анор туплари, анор тупларини тўлиқ очадиган машина, дискли иш органи, тупроқ бўлақларини дискли иш органининг ишчи сирти бўйлаб ҳаракати.

Ключевые слова: гранат, Кусты граната, Машина для вскрытия кустов граната, дисковый рабочий орган, перемещение частиц почвы по рабочей поверхности дискового рабочего органа.


Key words: pomegranate, Pomegranate bushes, Pomegranate bush opening machine, disc working body, movement of soil particles along the working surface of the disc working body.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида, жумладан, «...қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини модернизациялаш, диверсификация қилиш ва барқарор ўсишини кўллаб-қувватлаш учун хусусий инвестиция капитали оқимини кўпайтиришни назарда tutувчи соҳада давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш механизмларини жорий қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш» вазифалари белгилаб қўйилган. [2]

Илмий-тадқиқот методлари. Ўтказилган назарий тадқиқотлар бўйича анор туپларини тўлиқ очадиган машина дискли иш органининг диаметри, унинг бўйлама-тик ва кўндаланг-тик текисликларда горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаклари, дискли иш органи ишчи сиртининг конуслик бурчаги, текислагич қанотининг очилиш бурчаги, текислагичнинг узунлиги ва дискли иш органидан вентилятор соплогача бўлган бўйлама масофаларини аниқлаш учун аналитик ифодалар ва математик моделлар олинди. Анор шохларини шикастланиш даражаси машинанинг бир ўтишида синган анор шохлари бўйича аниқланди.

Натижалар. Туپроқ бўлаклари дискли иш органининг ишчи сиртида у туپроқ уюми ичидан чиққандан сўнг ҳаракатлана бошлайди.

Дискли иш органининг ишчи сиртида ҳаракатланаётган туپроқ бўлагига қуйидаги кучлар таъсир этади (1-расм):



1-расм. Туپроқ бўлагининг дискли иш органининг ишчи сирти бўйлаб ҳаракатини тадқиқ этишга доир схема

$G = mg$ (бунда m – туپроқ бўлагининг массаси, kg; g – эркин тушиш тезланиши, m/s^2) – оғирлик кучи, N;

$P_m = m\omega^2 X \cos \alpha_6$ (бунда ω – дискли иш органининг бурчак тезлиги, rad/s; X – иш органининг ишчи сирти (конус ясовчиси) бўйлаб ўтказилган координата ўқи бўйича босиб ўтган масофа, м) – марказдан қочма куч, N;

$F = fN = f m [g \cos(\alpha_u - \alpha_6) - \omega^2 X \sin \alpha_u]$ (бунда $f = \tan \varphi$ – туپроқнинг дискли иш органининг ишчи сиртига ишқаланиш коэффициентини) – ишқаланиш кучи, N;

$F_k = 2m\omega \dot{X}$ (бунда \dot{X} – туپроқ бўлагининг дискли иш органининг ишчи сирти бўйлаб нисбий тезлиги, m/s) – Кориолис кучи, N.

Бу ерда Кориолис кучи вектори \overline{F}_k расмда келтирилган схема текислигига перпендикуляр йўналган ва шунинг учун чизмада кўринмайди.

G , P_m , N , F ва F_k кучларни X ўқига проекциялаб, туپроқ бўлагининг дискли иш органи ишчи сиртининг ясовчиси бўйлаб ҳаракатининг дифференциал тенгламасига эга бўламиз:

$$m\ddot{X} = mg \sin(\alpha_u - \alpha_\sigma) + m\omega^2 X \cos \alpha_u -$$

$$- fm [g \cos(\alpha_u - \alpha_\sigma) + \omega^2 X \sin \alpha_u]$$

ёки

$$\ddot{X} = g \sin(\alpha_u - \alpha_\sigma) + \omega^2 X [\cos \alpha_u + f \sin \alpha_u] - fg \cos(\alpha_u - \alpha_\sigma).$$

Бу тенгламани қуйидаги кўринишга келтирамиз

$$\ddot{X} - \omega^2 X [\cos \alpha_u + f \sin \alpha_u] = g [\sin(\alpha_u - \alpha_\sigma) - f \cos(\alpha_u - \alpha_\sigma)].$$

Қуйидаги белгилашларни киритамиз

$$\omega^2 (\cos \alpha_u + f \sin \alpha_u) = C^2$$

$$g [\sin(\alpha_u - \alpha_\sigma) - f \cos(\alpha_u - \alpha_\sigma)] = E.$$

Бу белгилашларни ҳисобга олганда (3.8) тенглама қуйидаги кўринишга келади:

$$\ddot{X} - C^2 X = E.$$

Бу тенгламанинг ечими умумий ҳолда қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$X = C_1 e^{-Ct} + C_2 e^{Ct} - \frac{E}{C^2},$$

бунда C_1 ва C_2 – интеграллаш доимийлари;

t – вақт, s.

Интеграллаш доимийлари C_1 ва C_2 ларни $t = 0$ да $X = X_0$ ва $\dot{X} = 0$ бошланғич шартлар бўйича аниқлаймиз:

$$X(0) = C_1 + C_2 - \frac{E}{C^2} = X_0;$$

$$\dot{X} = -C_1 C e^{-Ct} + C_2 C e^{Ct};$$

$$\dot{X}(0) = -C_1 C + C_2 C = 0.$$

Буларни биргаликда ечиб, қуйидаги натижаларга эга бўламиз

$$C_1 = C_2 = \frac{X_0 C^2 + E}{2C^2}.$$

C_1 ва C_2 нинг ушбу қийматларини (3.10) га қўямиз

$$X = (e^{-Ct} + e^{Ct}) \frac{X_0 C^2 + E}{2C^2}.$$

C^2 ва E бўйича юқоридаги белгилашларни ҳисобга олганда тенглама қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$X = \left[e^{-\omega \sqrt{\cos \alpha_u + f \sin \alpha_u} t} + e^{\omega \sqrt{\cos \alpha_u + f \sin \alpha_u} t} \right] \times$$

$$\times \left\{ \left\{ X_0 \omega^2 (\cos \alpha_u + f \sin \alpha_u) + g [\sin(\alpha_u - \alpha_\sigma) - f \cos(\alpha_u - \alpha_\sigma)] \right\} \right\};$$

$$: \left\{ \omega^2 [\cos \alpha_u + f \sin \alpha_u] \right\}.$$

C_1 ва C_2 нинг (3.14) ифода бўйича қийматларини (3.12) га қўямиз ва қуйидаги

натижани оламиз

$$\dot{X} = (e^{Ct} - e^{-Ct}) \frac{X_0 C^2 + E}{2C}.$$

C ва E нинг юқорида келтирилган белгилашлардаги қийматларини ҳисобга олганда ифода куйидаги кўринишни олади

$$\dot{X} = \left[e^{\omega \sqrt{\cos \alpha_u + f \sin \alpha_u} t} - e^{-\omega \sqrt{\cos \alpha_u + f \sin \alpha_u} t} \right] \times$$

$$\times \left\{ X_0 \omega^2 (\cos \alpha_u + f \sin \alpha_u) + g [\sin(\alpha_u - \alpha_\sigma) - f \cos(\alpha_u - \alpha_\sigma)] \right\}:$$

$$: \left[2\omega \sqrt{\cos \alpha_u + f \sin \alpha_u} \right] \cdot$$

$$\omega = \frac{2V}{D} \quad (\text{бунда } V - \text{агрегатнинг ҳаракат тезлиги}) \text{ қабул қилиб, ва ифодаларни}$$

қуйидаги кўринишга келтирамыз

$$X = \left[e^{-\frac{2V}{D} \sqrt{\cos \alpha_u + f \sin \alpha_u} t} + e^{\frac{2V}{D} \sqrt{\cos \alpha_u + f \sin \alpha_u} t} \right] \times$$

$$\times \left\{ X_0 \left(\frac{2V}{D} \right)^2 [\cos \alpha_u + f \sin \alpha_u] + g [\sin(\alpha_u - \alpha_\sigma) - f \cos(\alpha_u - \alpha_\sigma)] \right\}:$$

$$: \left(\frac{2V}{D} \right)^2 [\cos \alpha_u + f \sin \alpha_u] \left\{ \right.$$

$$X = \left[e^{-\frac{2V}{D} \sqrt{\cos \alpha_u + f \sin \alpha_u} t} + e^{\frac{2V}{D} \sqrt{\cos \alpha_u + f \sin \alpha_u} t} \right] \times$$

$$\times \left\{ X_0 \left(\frac{2V}{D} \right)^2 [\cos \alpha_u + f \sin \alpha_u] + g [\sin(\alpha_u - \alpha_\sigma) - f \cos(\alpha_u - \alpha_\sigma)] \right\}:$$

$$: \left(\frac{2V}{D} \right)^2 [\cos \alpha_u + f \sin \alpha_u] \left\{ \right.$$

ва

$$\dot{X} = \left[e^{\frac{2V}{D}\sqrt{\cos\alpha_u + f \sin\alpha_u} t} - e^{-\frac{2V}{D}\sqrt{\cos\alpha_u + f \sin\alpha_u} t} \right] \times$$

$$\times \left\{ X_0 \left(\frac{2V}{D} \right)^2 [\cos\alpha_u + f \sin\alpha_u] + g [\sin(\alpha_u - \alpha_0) - f \cos(\alpha_u - \alpha_0)] \right\} :$$

$$\left[: 4 \frac{V}{D} \sqrt{\cos\alpha_u + f \sin\alpha_u} \right] .$$

Ифодалардан кўриниб турибдики, тупроқ бўлақларининг дискли иш органининг ишчи сиртидаги кўчиш масофаси ва тезлиги уларнинг бошланғич жойлашган масофасига (X_0), дискнинг диаметри (D) га, унинг бўйлама-тик текисликдаги ўрнатилиш (α_0) ва ишчи сиртининг конуслик (α_u) бурчакларига, агрегатнинг иш тезлиги (V) га ҳамда тупроқнинг ишқаланиш коэффициентига боғлиқ.

Ифодалар бўйича тупроқ бўлақларининг дискли иш органининг ишчи сиртидаги кўчиш масофаси X ва кўчиш тезлиги \dot{X} нинг X_0 , D , α_0 , α_u , V ва f га боғлиқ равишда ўзгариш графиклари қурилган. Улардан кўриниб турибдики, X_0 , V ва α_u нинг ортиши тупроқ бўлақларининг дискли иш органи ишчи сиртидаги кўчиш масофа X ва тезлиги \dot{X} ни ортишига, α_0 , D ҳамда f нинг ортиши эса уларнинг камайишига олиб келади.

1. **Хулоса.** Машина дискли иш органининг диаметри камида 61 см, унинг бўйлама-тик ва кўндаганг-тик текисликларда горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаклари 10° - 15° оралиғида, дискли иш органи ишчи сиртининг конуслик бурчаги 20° , текислагич канотининг очилиш бурчаги 55° - 60° оралиғида бўлиши керак.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 20 январидagi 25-сон «Сирдарё вилояти хуудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида» ги Қарори.

2. Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 4 октябридаги 791-сон «Фарғона вилоятида анор етиштиришни кўпайтириш ва соҳани ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори.

3. “Анор туллари кўмадиган ва очадиган машиналар ишлаб чиқишнинг илмий-техник ечимлари” инновация лойиҳаси бўйича оралик ҳисобот. – Гулбахор, 2020. – 183 б.

4. Кленин Н.И., Сақун В.А. Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. – Москва: Колос, 1980. – 617 б.

5. Выгодский М.Я. Справочник по высшей математике. – Москва: Наука, 1972. – 872 с.

6. Сергиенко В.А. Технологические основы механизации обработки почвы в междурядьях хлопчатника. – Ташкент: Фан, 1978. – 112 с.

7. Меликулов, Н., & Кучкоров, С. К. (2022). Одновременное действие изгиба и сжатия в пластинах, подкрепленных по контуру упругими тонкостенными стержнями. *Механика и технология*, 3(8), 64-69.

8. Holmirzaev, J. Z., Kuchkorov, S. K., & Eksanova, S. SH.(2020). Udarno-Vrashatel'naya Dinamicheskaya Model' Rabocheho Organa Ochistitelya Xlopka. *Kontseptsii I Modeli Ustoychivogo Innovatsionnogo Razvitiya*, 137.

9. Кўчқоров, С. К., Эксанова, С. Ш., Туйчиева М. В. (2022). ТЕКИСЛАГИЧГА БЕРИЛАДИГАН ТИК БОСИМ КУЧИНИ ВА УНИНГ ИШ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШ. БАРКАРОРЛИК ВА ЕТАКЧИ ТАДҚИКОТЛАР ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ , 488-494.

УДК 631.333:024:64

ЭКСПЕРИМЕНТЛАРНИ МАТЕМАТИК РЕЖАЛАШТИРИШ УСУЛИ БИЛАН АНОР ТУПЛАРИНИ ТЎЛИҚ ОЧАДИГАН МАШИНАНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ.

Ортиқов Н.Б.

НамМҚИ, Phd, +99893-673-91-19, nozimortiqov98@gmail.com

Аннотация. Анор тупларини тўлиқ очадиган қурилманинг назарий ва бир омилли экспериментларда ўрганилган параметрларининг талаб даражасидаги иш сифатини кам энергия сарфлаган ҳолда таъминлайдиган мақбул қийматларини кўп омилли экспериментларни математик режалаштириш усулидан фойдаланиб аниқланди.

Аннотация. Методом математического планирования определены оптимальные параметры устройства, полного раскрытия мягкой гранаты, проведены теоретические и однофакторные эксперименты, обеспечивающие качество работы на необходимых уровнях при низких энергозатратах. многофакторные эксперименты.

Annotation. The optimal values of the parameters of the device that completely opens pomegranate bushes, studied in theoretical and one-factor experiments, which ensure the required quality of work with low energy consumption, were determined using the method of mathematical planning of multi-factor experiments.

Калит сўзлар: анор, анор туплари, анор тупларини тўлиқ очадиган машина, экспериментларда ўрганилган параметрлар, анор тупларини очилиш кам энергия сарфлаган ҳолда таъминлайдиган мақбул қийматлар, экспериментларни математик режалаштириш.

Ключевые слова: гранат, гроздь граната, машина, оптимальные значение, энергозатраты, математическое планирование

Key words: pomegranate, pomegranate bunches, machine, optimal value, energy consumption, mathematical planning.

Кириш. Мамлакатимизда мевали ўсимликларини етиштиришда уларни кўмадиган ва очадиган машиналарнинг самарасини оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, кузда кўмилган ва баҳорда ярим очилган анор тупларини тўлиқ очадиган машинани ишлаб чиқиш ҳамда унинг технологик сифат кўрсаткичларини таъминлаш мақсадли изланишлар қаторига киради. Шу жиҳатдан анор тупларини кам шикастлаган ҳолда агротехник талаблар даражасида тўлиқ очадиган машинанинг параметрларини асослаш муҳим илмий-техник аҳамиятга эга.

Илмий-тадқиқот методлари. Тадқиқотларни ўтказиш учун анор тупларини тўлиқ очадиган қурилма диски иш органининг бўйлама-тик ва кўндаланг-тик текисликларда горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаклари, қурилма текислагичининг очилиш бурчаги ҳамда агрегатнинг ҳаракат тезлиги унинг сифат ва энергетик иш кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар сифатида танлаб олинди.

Натижалар. Юқорида келтирилган назарий тадқиқотлар ва бир омилли

тажрибаларга асосланиб белгиланган омиллар сатҳи ва ўзгариш оралиқларининг қийматлари белгиланди (1-жадвал).

Баҳолаш мезонларига омилларнинг таъсирини иккинчи даражали полином тўлиқ ёритиб беради, деб тахмин қилиниб, экспериментлар Хартли-4 режаси бўйича ўтказилди.

1-жадвал

Омиллар, уларнинг шартли белгиланиши, вариацияланиш оралиғи ва сатҳлари

Омиллар ва уларнинг белгиланиши	Омилларнинг			Омилларнинг сатҳи		
	Ўлчов бирлиги	Шартли белгиланиши	Вариацияланиш оралиғи	- 1	0	+1
1. Дискли иш органининг бўйлама-тик текисликда горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги, α_b	°	X_1	5	5	10	15
2. Дискли иш органининг кўндаланг-тик текисликда горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги, α_k	°	X_2	5	5	10	15
3. Қурилма текислагичининг очилиш бурчаги, 2γ	°	X_3	10	60	70	80
4. Иш тезлиги, V	km/h	X_4	1,0	3,0	4,0	5,0

Кўп омилли экспериментларни ўтказиш режаси ва уларнинг натижалари келтирилган.

Тажрибалардан олинган маълумотларга “PLANEXP” дастури бўйича ишлов берилди. Бунда дисперсиянинг бир хиллигини баҳолашда Кохрен мезонидан, регрессия коэффицентлари қийматини баҳолашда Стьюдент мезонидан, регрессион моделларнинг адекватлигини баҳолашда Фишер мезонидан фойдаланилди.

Тажриба натижаларига кўрсатилган тартибда ишлов берилиб, баҳолаш мезонларини адекват ифодаловчи қуйидаги регрессия тенгламалари олинди:

- анор тупларининг очилиш даражаси бўйича (%)

$$U_1=96,307+1,987X_1+1,697X_2-0,593X_3-1,300X_4-1,047X_1^2+0,629X_1X_2-0,396X_1X_3-1,046X_1X_4-1,763X_2X_2-2,180X_4^2;$$

- қурилманинг тортишга қаршилиги бўйича (kN)


$$U_2=9,165+1,947X_1+0,452X_2+0,458X_3+1,862X_4+0,115X_1^2+0,139X_1X_2+0,140X_1X_3-0,139X_1X_4-0,753X_2^2-0,291X_2X_3+0,290X_2X_4+0,114X_3^2+0,291X_3X_4+0,794X_4^2.$$

Ушбу олинган регрессия тенгламалари ва улар асосида қурилган график боғланишлар (1 ва 2-расмлар) таҳлилидан кўриниб турибдики, барча омиллар баҳолаш мезонларига сезиларли таъсир кўрсатган. Улардан қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:


- диски иш органининг бўйлама-тик текисликда горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчагининг ортиши анор тупларининг очилиш даражаси ва қурилманинг тортишга қаршилиги ортишига олиб келган;


- диски иш органининг кўндаланг-тик текисликда горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчагининг ортиши билан анор тупларининг очилиш даражаси ва қурилманинг тортишга қаршилиги аввал ортган, кейин эса ўзгармасдан қолган;

- қурилма текислагичи очилиш бурчагининг ортиши билан анор тупларининг очилиш даражаси камайган, қурилманинг тортишга қаршилиги эса ортган;



1, 2 ва 3 мос равишда агрегат тезлиги (X_4) -1, 0 ва +1 бўлганда
1-расм. Анор тупларини очилиш даражаси (Y_1) га X_1 (а), X_2 (б), X_3 (в) омилларнинг таъсирини ифодоловчи графиклар





б)

1, 2 ва 3 мос равишда агрегат тезлиги (X_4) -1, 0 ва +1 бўлганда
**2-расм. Қурилманинг тортишга қаршилиги (Y_2) га X_1 (а), X_2 (б), X_3 (в)
 омилларнинг таъсирини ифодаловчи графиклар**

- агрегат ҳаракат тезлигини ортиши билан анор тупларининг очилиш даражаси аввал ортиб кейин камайишига, қурилманинг тортишга қаршилигини эса ортишига олиб келган.

Параметрларнинг талаб даражасидаги иш сифатини кам энергия сарфлаган ҳолда таъминлайдиган қийматларини аниқлашда регрессия тенгламалари ПК «Pentium IV» компютерида Excel дастурини «ечимни қидириш» (поиск решения) амали бўйича 3-5 km/h тезликлар учун биргаликда ечилди. Регрессия тенгламаларини биргаликда ечишда U_1 мезон, яъни анор тупларини очилиш даражаси 95 % дан кам бўлмаслиги, U_2 мезон, яъни қурилманинг тортишга қаршилиги минимал қийматга эга бўлиши шартлари қабул қилинди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Анор тупларини тўлиқ очадиган қурилманинг мақбул қийматлари

$V(X_4)$		X_1		X_2		X_3	
кодлан-ган	хақи-қий	кодлан-ган	хақи-қий	кодлан-ган	хақи-қий	кодлан-ган	хақи-қий
1	5	Масала ечимга эга эмас					
0	4	-0,279	8°36'	0,899	14°30'	-0,986	60°08'
-1	3	0,375	11°53'	0,165	10°49'	-0,726	62°42'

Демак, анор тупларини тўлиқ очадиган қурилма 3-5 km/h иш тезликларда кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасидаги иш сифатини таъминлаши учун диски иш органининг бўйлама-тик текисликда горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги 8°36'-11°53' оралиғида, диски иш органининг кўндаланг-тик текисликда горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги 10°48'-14°30' оралиғида ҳамда текислагичнинг очилиш бурчаги 60°08'-62°42' оралиғида бўлиши лозим. Омилларнинг ушбу қийматларида анор тупларининг очилиш даражаси 96,12-97,07 фоизни, қурилманинг тортишга қаршилиги 8,14-8,73 кН ташкил этди.

АДАБИЁТЛАР

1. Тўхтақўзиев А., Имомқулов Қ.Б., Ортиқов Н.Б. Кўмилган анор тупларини тўлиқ очадиган қурилма текислагичининг очилиш бурчагини тадқиқ этиш // Механика ва технология илмий журнали. – Наманган, 2021. – №1(2). – Б. 33-37.

2. Имомкулов К.Б., Ортиков Н.Б. Машина для открывки кустов граната // Agroilm. – Тошкент, 2021. – №1(71). – Б. 82.
3. Tuxtakuziev A., Imomkulov K.B., Ortikov N.B. Study of the angle of opening of the leveling device for complete opening of buried pome granate bushes // International Virtual Conference on Innovative Thoughts, Research Ideas and Inventions in Sciences ITRIIS. January, 20 th, 2021. – pp. 462-465.
4. Ортиков Н.Б. Анор тупларини тўлиқ очадиган машина // Ресурстежамкор ва фермербоп кишлок хўжалик машиналарини яратиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. Республика илмий-амалий конференцияси. – Гулбаҳор, 2020. – Б. 222-225.
5. Аугамбаев М., Иванов А.З., Терехов Ю.И. Основы планирования научно-исследовательского эксперимента.–Тошкент: Ўқитувчи, 1993.–336 б.
6. Спири́н Н.А., Лавров В.В. Методы планирования и обработки результатов инженерного эксперимента. – Екатеринбург: ГОУ ВПО Уральский государственный технический университет – УПИ, 2004. – 258 с.
7. Кўчқоров, С. К., Эксанова, С. Ш., Туйчиева М. В. (2022). ТЕКИСЛАГИЧГА БЕРИЛАДИГАН ТИК БОСИМ КУЧИНИ ВА УНИНГ ИШ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШ. БАРКАРОРЛИК ВА ЕТАКЧИ ТАДКИКОТЛАР ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ , 488-494.
8. Меликулов, Н., & Кучкоров, С. К. (2022). Одновременное действие изгиба и сжатия в пластинах, подкрепленных по контуру упругими тонкостенными стержнями. *Механика и технология*, 3(8), 64-69.
9. Xolmirzaev, J. Z., Kuchkorov, S. K., & Eksanova, S. SH.(2020). Udarno-Vratchatel'naaya Dinamicheskaya Model' Rabochego Organa Ochistitelya Xlopka. *Kontseptsii I Modeli Ustoychivogo Innovatsionnogo Razvitiya*, 137.

УДК. 631.362.36

ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ЭЛЕКТР САРАЛАГИЧДА САРАЛАНГАН ЭКИН УРУҒЛАРНИНГ ФИЗИК-МЕХАНИК ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ

Ваҳобова Сожида Комилжоновна
НамМҚИ, доценти, +99894-656-65-74 sojidavsk310783@gmail.com

Аннотация. Мақолада такомиллаштирилган электр саралагич қурилмасида сараланган кишлок хўжалик экинлари уруғининг физик-механик хоссаларини ўрганиш ва дастлабки уруғ билан қиёсий баҳолаш натижалари келтирилган.

Экин уруғларини электр майдонда саралаганда массаси ва геометрик ўлчамлари бўйича бир-бирига яқин, лаборатория ва дала шароитидаги унувчанлиги ҳамда потенциал ҳосилдорлиги юқори бўлган уруғлар олиниши мумкинлигини таққослов натижаларида асосланган.

Аннотация. В статье представлены полученные результаты физико-механических свойств и сравнительная оценка с оригинальными семенами отборных сельскохозяйственных культурных семян в новой установленной электрической сортировочной машине.

И доказано, что при сортировке семян в электрическом поле можно выявить

близкие друг к другу по массе и геометрическими размерами семена, с высокой потенциальной продуктивностью в лабораторных и полевых условиях.

Abstract. In the article present the results of the study of the physical and mechanical properties of the seed of agricultural crops sorted by the improved electric sorting device and the results of a comparative assessment with the original seed.

Based on the results of the comparison, it is possible to obtain seeds that are close to each other in terms of mass and geometric dimensions, with high fertility and potential yield in laboratory and field conditions when sorting the seeds in on electric field.

Калит сўз: сферикли коэффициенти, ўртачв квадратик оғиш, техник фракция, уруғлик фракция, вариация коэффициенти

Ключевые слова: коэффициент сферичности, среднее квадратическое отклонение, техническая фракция, семенная фракция, коэффициент вариации

Key words: coefficient of sphericity, mean squared deviation, technical fraction, seed fraction, coefficient of variation.

Маълумки, қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштиришда, бошқа агротехник тадбирлар билан бир қаторда, экиш учун тайёрланадиган уруғларнинг сифат кўрсаткичлари ҳам жуда муҳим рол ўйнайди. Чунки, уруғларни дала шароитидаги унувчанлиги, униб чиққан ниҳолларни кейинги ўсиб-ривожланиши, ҳосилни пишиб етилиши ҳамда пировард натижада, ҳосилдорлик кўп жиҳатдан экишга тайёрланган уруғларнинг сифат кўрсаткичларига тўғридан-тўғри узвий боғлиқ.

Юқорида таъкидланганларни ҳисобга олиб, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтда кейинги йилларда Давлат илмий-техника дастурлари доирасида олиб борилган илмий-тадқиқот ҳамда лойиҳа-конструкторлик ишлари, лаборатория ва дала тажрибаларида олинган натижалари асосида қишлоқ хўжалик экинлари уруғини саралаб, сифат кўрсаткичларини ошириш учун такомиллаштирилган энергия ва ресурстежамкор электр саралагич қурилмасининг тажриба нусхаси ишлаб чиқилиб, конструктив ўлчамлари ҳамда иш режимлари асосланади.


1-расмда такомиллаштирилган энергия ва ресурстежамкор электр саралагич қурилмасининг тажриба нусхасини умумий кўриниши тасвирланган.

Такомиллаштирилган электр саралагич қурилмасининг тажриба нусхаси юклаш бункери 1, таъминлагич 2, йўналтирадиган мослама 3, иш органи 4, уруғлик фракция учун қабул қилиш бункери 5, техник фракция учун қабул қилиш бункери 6, асос 7, ғилдирак 8, редуктор 9, электродвигател 10, бошқариш пулти 11, ажратиб оладиган чўтка 12 ва сирпаниш тахтаси 13 лардан ташкил топган.

Конструктив ўлчамлари ҳамда иш режимлари асосланган такомиллаштирилган электр саралагич қурилмасининг тажриба нусхасида қишлоқ хўжалиқлик экинлари уруғини саралаш бўйича экспериментал тадқиқотлар ўтказилди. Сараланган қишлоқ хўжалиқ экинлари уруғининг сифат кўрсаткичларини қиёсий баҳолаш учун дастлабки ва уруғлик фракцияга ажралган уруғларнинг физик-механик хоссалари ўрганилди. Олинган натижаларга ҳозирги замон компьютерларида мавжуд бўлган дастурлар асосида математик статистика усулидан фойдаланиб, қайта ишлов берилди.

Қуйида дастлабки ва такомиллаштирилган электр саралагич қурилмасининг тажриба нусхасида саралаганда, уруғлик фракцияга ажралган қишлоқ хўжалиқ экинлари уруғининг баъзи физик-механик хоссаларини ўрганиш натижалари келтирилади

Дастлабки ва сараланган 1000 дона уруғ массаси ВЛТК-500 электрон тарози ёрдамида тўрт қайтариликда ўлчанди.



а)

б)

а) олд томондан кўриниши;

б) ён томондан кўриниши

1–юклаш бункери; 2–таъминлагич; 3–йўналтирувчи мослама; 4–иш органи;
5–уруғлик фракция учун қабул қилиш бункери; 6–техник фракция учун қабул қилиш
бункери; 7–асос; 8–ғилдирак; 9–редуктор; 10–электродвигател;
11 – бошқариш пулти; 12–ажратиб оладиган чўтка; 13–сирпаниш тахтаси

1-Расм. Такмиллаштирилган электр саралагич қурилмасининг тажриба нусхасини умумий кўриниши:

1-жадвалда дастлабки ва такмиллаштирилган электр саралагич қурилмасининг тажриба нусхасида саралаганда, уруғлик фракцияга ажралган 1000 дона арпа, буғдой, шоли уруғлари ҳамда тукли чигитларнинг массасини ўрганиш натижалари келтирилди.

1-жадвал

1000 дона уруғлар массасини ўрганиш натижалари

Т/р	Уруғлар ва фракциялар номи	1000 дона уруғ массаси, г	Ўртача квадратик оғиш σ , г	Вариация коэффиценти V , %
1	Арпа уруғи:			
	- дастлабки	40,33	0,94	2,33
	- уруғлик фракция	44,08	0,28	0,62
2	Буғдой уруғи:			
	- дастлабки	36,03	0,73	2,03
	- уруғлик фракция	38,78	0,43	1,1
3	Шоли уруғи:			
	- дастлабки	27,78	0,81	2,92
	- уруғлик фракция	30,43	0,36	1,18
4	Тукли чигит:			
	- дастлабки	114,93	0,67	0,58
	- уруғлик фракция	117,08	0,28	0,24

1-жадвалда келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, дастлабки 1000 дона арпа уруғининг массаси, ўртача квадратик оғиш $\sigma=0,94$ грамм ва вариация коэффиценти $V=2,33$ фоизга тенг бўлганда, $m=40,33$ граммни таш-кил этган бўлса, такмиллаштирилган электр саралагич қурилмасининг тажриба нусхасида саралаганда, уруғлик фракцияга ажралган 1000 дона арпа уруғининг массаси, $\sigma=0,28$ грамм ва $V=0,62$ фоизга тенг

бўлганда, $m=44,08$ граммни ташкил этиб, дастлабки 1000 дона арпа уруғининг массасига нисбатан 3,75 граммга ортди.

Дастлабки 1000 дона буғдой уруғининг массаси, ўртача квадратик оғиш $\sigma=0,73$ грамм ва вариация коэффиценти $V=2,03$ фоизга тенг бўлганда, $m=36,03$ граммни ташкил этган бўлса, такомиллаштирилган электр саралагич қурилмасининг тажриба нусхасида саралаганда, уруғлик фракцияга ажралган 1000 дона буғдой уруғининг массаси $\sigma=0,43$ грамм ва $V=1,1$ фоизга тенг бўлганда, $m=38,78$ граммни ташкил этиб, дастлабки 1000 дона буғдой уруғининг массасига нисбатан 2,75 граммга ортди.

Дастлабки 1000 дона шоли уруғининг массаси, ўртача квадратик оғиш $\sigma=0,81$ грамм ва вариация коэффиценти $V=2,92$ фоизга тенг бўлганда $m=27,78$ граммни ташкил этган бўлса, такомиллаштирилган электр саралагич қурилмасининг тажриба нусхасида саралаганда, уруғлик фракцияга ажралган 1000 дона шоли уруғининг массаси $\sigma=0,3$ грамм ва $V=1,18$ фоизга тенг бўлганда $m=0,43$ граммни ташкил этиб, дастлабки 1000 дона шоли уруғининг массасига нисбатан 2,65 граммга ортди.

Дастлабки 1000 дона тукли чигитнинг массаси ўртача квадратик оғиш $\sigma=0,73$ грамм ва вариация коэффиценти $V=2,03$ фоизга тенг бўлганда $m=114,93$ граммни ташкил этган бўлса, такомиллаштирилган электр саралагич қурилмасининг тажриба нусхасида саралагандан кейин, уруғлик фракцияга ажралган 1000 дона тукли чигитнинг массаси $\sigma=0,28$ грамм ва $V=0,24$ фоизга тенг бўлганда $m=117,08$ граммни ташкил этиб, дастлабки 1000 дона тукли чигитнинг массасига нисбатан 2,15 граммга ортди.

Жадвалда келтирилган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, қишлоқ хўжалик экинлари уруғини такомиллаштирилган электр саралагич қурилмасининг тажриба нусхасида саралаганда, 1000 дона уруғ массаси ортиши билан бирга, массаси бўйича бири-бирига яқин бўлган уруғликлар ҳам олинади. Бу дастлабки ва уруғлик фракцияга ажралган вариантлардаги 1000 дона қишлоқ хўжалик экинлари уруғининг массасини вариация коэффицентларининг қийматидан ҳам яққол кўришиб турибди. Чунки, уруғлик фракцияга ажралган вариантлардаги уруғлар массасини вариация коэффицентларининг қийматини дастлабки вариантлардаги уруғлар массасини вариация коэффицентларининг қийматига нисбатан 2,0 мартадан 3,76 мартага камайганини кўриш мумкин.

Уруғларнинг геометрик ўлчамларини ўрганиш натижаси қуйидагича амалга оширилади. Дастлабки ва уруғлик фракцияга ажралган уруғларнинг геометрик ўлчамлари электрон штангенциркул ёрдамида ўлчанади.

2-жадвалда дастлабки ва такомиллаштирилган электр саралагич қурилмасининг тажриба нусхасида саралаган кейин уруғлик фракцияга ажралган арпа, буғдой, шоли уруғлари ҳамда тукли чигитларнинг геометрик ўлчамларини ўрганиш натижалари келтирилган.

2-жадвал

Сараланган уруғларнинг геометрик ўлчамларини ўрганиш натижалари

Т/р	Уруғлар ва фракциялар номи	Геометрик ўлчамлари a, b, c , мм	Ўртача квадратик оғиш σ , мм	Вариация коэффиценти V , %
1	Арпа уруғи: - дастлабки уруғ	10,59	1,48	13,96
		3,19	0,41	12,92
		2,22	0,38	17,36
	-уруғлик фракция	11,06	1,38	12,45
		3,42	0,39	11,25

		2,48	0,34	13,59
2	Буғдой уруғи:			
	- дастлабки уруғ	6,49	0,55	8,56
		3,12	0,34	10,92
		2,80	0,33	11,76
	- уруғлик фракция	6,56	0,42	6,44
		3,19	0,26	8,11
		2,90	0,25	8,64
3	Шоли уруғи:			
	- дастлабки уруғ	8,59	0,61	7,09
		3,68	0,25	6,92
		2,09	0,31	14,64
	- уруғлик фракция	8,76	0,58	6,59
		3,69	0,22	5,88
		2,24	0,11	4,72
4	Тукли чигит:			
	- дастлабки уруғ	9,54	0,67	7,04
		5,27	0,37	7,07
		4,43	0,39	8,72
	- уруғлик фракция	9,72	0,55	5,84
		5,37	0,35	6,60
		4,58	0,37	8,13

Жадвалда келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалик экинлари уруғини такомиллаштирилган электр саралагич қурилмасининг тажриба нусхасида саралаганда, уруғлик фракцияга ажралган 1000 дона уруғ массаси ортиши билан бирга геометрик ўлчамларини ҳам ўзгариши кузатилди. Жумладан, арпа уруғининг геометрик ўлчамлари, яъни узунлиги, эни ва қалинлиги дастлабки вариантда $a=10,59$ мм, $b=3,19$ мм ва $c=2,22$ мм ни ташкил этган бўлса, такомиллаштирилган электр саралагич қурилмасининг тажриба нусхасида саралаганда, уруғлик фракцияга ажралган вариантда $a=11,06$ мм, $b=3,42$ мм ва $c=2,48$ мм ни ташкил этиб, дастлабки вариантга нисбатан узунлиги 0,47 мм, эни 0,23 мм ва қалинлиги 0,26 мм га катталашди.

Буғдой уруғининг ўлчамлари, яъни узунлиги, эни ва қалинлиги дастлабки вариантда $a=6,49$ мм, $b=3,12$ мм ва $c=2,80$ ммни ташкил этган бўлса, такомиллаштирилган электр саралагич қурилмасининг тажриба нусхасида саралаганда, уруғлик фракцияга ажралган вариантда $a=6,56$ мм, $b=3,19$ мм ва $c=2,90$ ммни ташкил этиб, дастлабки вариантга нисбатан узунлиги 0,07 мм, эни $b=0,07$ ва қалинлиги $c=0,10$ мм га катталашди.

Шоли уруғининг геометрик ўлчамлари, яъни узунлиги, эни ва қалинлиги дастлабки вариантда $a=8,59$ мм, $b=3,68$ мм ва $c=2,09$ мм ни ташкил этган бўлса, такомиллаштирилган электр саралагич қурилмасининг тажриба нусхасида саралагандан кейин уруғлик фракцияга ажралган вариантда $a=8,76$ мм, $b=3,69$ мм ва $c=2,24$ мм ни ташкил этиб, назоратга нисбатан узунлиги 0,17 мм, эни 0,01 мм ва қалинлиги 0,15 мм га катталашди.

Тукли чигитларнинг геометрик ўлчамлари, яъни узунлиги, эни ва қалинлиги дастлабки вариантда $a=9,54$ мм, $b=5,27$ мм ва $c=4,43$ мм ни ташкил этган бўлса, такомиллаштирилган электр саралагич қурилмасининг тажриба нусхасида саралаганда, уруғлик фракцияга ажралган вариантда $a=9,72$ мм, $b=5,37$ мм ва $c=4,58$ мм ни ташкил этиб, назоратга нисбатан узунлиги 0,18 мм, эни 0,10 мм ва қалинлиги 0,15 мм га катталашди.

Жадвалда келтирилган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалик экинлари уруғини такомиллаштирилган электр саралагич қурилмасининг тажриба нусхасида саралаганда геометрик ўлчамлари катталашини билан бирга, ушбу кўрсаткичлари бўйича ҳам бир-бирига яқин бўлган уруғлар олинади. Чунки, уруғлик фракцияга ажралган вариантлардаги уруғларнинг геометрик ўлчамларини вариация коэффицентларининг қийматини дастлабки вариантлардаги уруғларнинг геометрик ўлчамларини вариация коэффицентларининг қийматига нисбатан 1,05 мартадан 3,1 мартагача камайиши кўриниб туради.

Уруғларнинг сфериклик коэффицентини ўрганиш натижаси қуйидагича амалга оширилади.

Дастлабки ва такомиллаштирилган электр саралагич қурилмасининг тажриба нусхасида саралагандан кейин уруғлик фракцияга ажралган арпа, буғдой, шоли уруғи ҳамда тукли чигитларнинг сфериклик коэффицентини қуйидаги нисбат бўйича ҳисобланди

$$k=b/a,$$

бунда k – уруғнинг сфериклик коэффицентини;

a, b – уруғнинг узунлиги ва эни, мм.

3-жадвалда дастлабки ҳамда такомиллаштирилган электр саралагич қурилмасида саралаганда, уруғлик фракцияга ажралган қишлоқ хўжалик экинлари уруғининг сфериклик коэффицентларини ўрганиш натижалари келтирилди.

3-жадвал

Сараланган уруғларнинг сфериклик коэффицентларини ўрганиш натижалари

Т/р	Уруғлар ва фракциялар номи	Сфериклик коэффицентини	Ўртача квадратик оғиш, σ	Вариация коэффицентини $V, \%$
1	Арпа уруғи:			
	- дастлабки	0,30	0,04	13,56
	- уруғлик фракция	0,31	0,04	12,07
2	Буғдой уруғи:			
	- дастлабки	0,48	0,04	9,23
	- уруғлик фракция	0,49	0,04	8,22
3	Шоли уруғи:			
	- дастлабки	0,43	0,03	7,13
	- уруғлик фракция	0,43	0,03	7,04
4	Тукли чигит:			
	- дастлабки	0,55	0,05	8,38
	- уруғлик фракция	0,56	0,04	6,32

3-жадвалда келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, қишлоқ хў-жалик экинларининг уруғини такомиллаштирилган электр саралагич қурил-масининг тажриба нусхасида саралаганда, уруғлик фракцияга ажралган вари-антда сфериклик коэффицентларини дастлабки уруғларга нисбатан сезиларли даражада ўзгариш кузатилмади.

Бундан қишлоқ хўжалик экинлари уруғи такомиллаштирилган электр саралагич қурилмасида барча геометрик ўлчамлари, яъни узунлиги, эни ва қалинлиги бўйича сараланади деган хулосага келиш мумкин.

Жадвалларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалик экинларининг уруғини такомиллаштирилган электр саралагич қурилмасининг тажриба нусхасида саралаш массаси жиҳатдан йирик, геометрик ўлчамлари катталашган уруғликлар олиш

билан бирга, массаси ва геометрик ўлчамлари бўйича бир-бирига яқин бўлган ҳамда барча геометрик ўлчамлари бўйича сараланган уруғликлар олиш имконини ҳам беради. Бу ўз-ўзидан қишлоқ хўжалик экинлари уруғини аниқ уялаб экишда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки қишлоқ хўжалик экинларининг уруғини такомиллаштирилган электр саралагич қурилмасининг тажриба нусхасида саралаш массаси жиҳатдан йирик, геометрик ўлчамлари катталашган уруғликлар олиш билан бирга, массаси ва геометрик ўлчамлари бўйича бир-бирига яқин бўлган ҳамда барча геометрик ўлчамлари бўйича сараланган уруғликлар олиш имконини ҳам беради. Бу ўз-ўзидан қишлоқ хўжалик экинлари уруғини аниқ уялаб экишда жуда муҳим аҳамиятга эга ҳамда массаси ва геометрик ўлчамлари бир-бирига яқин бўлган уруғликлар уларни аниқ уялаб экиш учун замин яратади ва уруғлик сарфини 1,5-2,0 мартага камайтириб, етиштирилган маҳсулот таннархиин кескин пасайтиради.

АДАБИЁТЛАР

1. Росабоев А.Т. Электр саралагич қурилмасини такомиллаштириш натижаси//Энергия ва ресурстежаш муаммолари. – Тошкент, 2015. – № 3. –Б. 205-209.
2. Rosaboev A., Vaxobova S. Ways to Improve electrical sorting devices //In-ternational journal of Advanced Research in Science Engineering and Technology. – India, 2019. – Vol 6. – P. 9331-9336.
3. Патент РУз № IAP 05145. Диэлектрическое устройство для сортирования семян сельскохозяйственных культур/А.Т.Росабоев, Ш.Г.Айдаров, О.К.Йулдошев, С.У.Алланиязов//Р.А. – 2016. – №1. – С.48.
4. Ваҳобова С.К. Такомиллаштирилган электр қурилмада арпа уруғини саралаш натижаси // Таълим сифатини оширишда инновацион таълим технологияларининг ўрни: муаммо ва ечимлар: Республика миқёсида илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Наманган, 2019. –Б.176-179.
5. Ваҳобова С.К. Такомиллаштирилган электр саралагич қурилмасида бугдой уруғини саралаш натижаси // Сув ва ер ресурсларидан оқиллона фойдаланиш самарадорлигини ошириш: Республика илмий-назарий анжумани материаллари. –Бухоро, 2019. –Б.62-64.
6. Росабоев А.Т., Ваҳобова С.К. Результаты усовершенствования электрического сортирующего устройства //“Замонавий тадқиқотлар, инновациялар, техника ва технологияларнинг долзарб муаммолари ва ривожланиш тенденциялари” мавзусидаги илмий-техник анжуман материаллари. – Жиззах, 2019. – С. 201-207.
7. Кўчқоров, С. К., Эксанова, С. Ш., Туйчиева М. В. (2022). ТЕКИСЛАГИЧГА БЕРИЛАДИГАН ТИК БОСИМ КУЧИНИ ВА УНИНГ ИШ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШ. БАРКАРОРЛИК ВА ЕТАКЧИ ТАДКИКОТЛАР ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ , 488-494.
8. Меликулов, Н., & Кучкоров, С. К. (2022). Одновременное действие изгиба и сжатия в пластинах, подкрепленных по контуру упругими тонкостенными стержнями. *Механика и технология*, 3(8), 64-69.
9. Xolmirzaev, J. Z., Kuchkorov, S. K., & Eksanova, S. SH.(2020). Udarno-Vrascatel'naaya Dinamicheskaya Model' Rabochego Organa Ochistitelya Xlopka. *Kontseptsii I Modeli Ustoychivogo Innovatsionnogo Razvitiya*, 137.
10. Боқижонович, И. Қ., Каримжонович, Қ. С., Абдуназаров, Э. Э., & Ортиқов, Н. Б. Ў. (2022). Анор тупларини кўмадиган машина уюмлагичининг конструкцияси. *Механика и технология*, 3(8), 98-102.

UDK: 625.08

YO‘LOVCHI TASHUVCHI AVTOTRANSPORT KORXONALARINING SAMARADORLIGINI BELGILOVCHI OMILLAR TAHLILI

Mannonov Jahongir Adashboyevich
NamMQI, dotsenti, PhD, jmannonov@mail.ru

Annotatsiya. Ushbu maqolada yo‘lovchi tashuvchi avtotransport korxonalarining ish samaradorligini oshirishda harakat tarkibining texnik parametrlarini saqlash va optimallashtirishni hamda avtomobillardan samarali foydalanish texnologiyasini takomillashtirishni va bu ishlarni tashkil etishda avtotransport korxonalarining TXK va T, shuningdek nozimlik bo‘limlarini ish faoliyatini sifatli tashkil etishni, umumiy korxonaning ishlab chiqarish texnika bazasini modernizatsiya qilish va takomillashtirish bo‘yicha aniq maqsadlar va takliflar keltirilgan.

Аннотация. В данной статье рассматриваются сохранение и оптимизация технических параметров структуры движения и совершенствование технологии эффективного использования автомобилей в целях повышения эффективности работы предприятий пассажирского транспорта, а также качественная организация работы TXK и T, как а также отделов управления автотранспортных предприятий в организации этих работ, производства общепредприятия, представлены конкретные цели и предложения по модернизации и совершенствованию технической базы.

Abstract. In this article, it is important to maintain and optimize the technical parameters of the rolling stock, to improve the technology for the effective use of vehicles in increasing the efficiency of passenger transport enterprises, as well as in organizing this work of the repair and maintenance services, as well as Specific goals and proposals for the high-quality organization of activities, modernization and improving the production and technical base of passenger transport enterprises in general.

Kalit so‘zlar: avtotransport, nozimlik, kompetensiya, malaka, yo‘lovchi tashish, yuk tashish, texnik parametr, texnika bazasi, harakat tarkibi, texnik xizmat ko‘rsatish va ta‘mirlash, avtotransport korxonasi.

Ключевые слова: автотранспорт, техническое обслуживание, компетентность, квалификация, пассажирский транспорт, грузовой транспорт, технический параметр, техническая база, структура движения, техническое обслуживание и ремонт, автотранспортное предприятие.

Keywords: motor transport, dispatcher, competence, qualification, passenger transportation, cargo, technical parameters, technical base, rolling stock, maintenance and repair, motor transport company.

Kirish. Avtomobil transportining tashish jarayonida asosiy subyekt sifatida avtotransport tarmoq korxonalari ishtirok etadi. Respublikamizda avtotransport tarmoq korxonalarini rivojlantirish, ko‘rsatilayotgan xizmat sifatini jahon andozalari darajasiga olib chiqish va ish samaradorligini oshirish bo‘yicha keng ko‘lamli ishlar olib borilmoqda.

Xususan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 6-mart, PQ-4230-sonli “Yuk va yo‘lovchi tashish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” gi qaroriga binoan transport xizmati ko‘rsatishni tashkil etish tizimini yanada takomillashtirish, mulkchilikning barcha shakllaridagi tashuvchilar uchun raqobat muhitini hamda qulay shart-sharoitlarni yaratish va Respublikaning transport-tranzit salohiyatini oshirish borasida ko‘plab maqsad va vazifalar belgilangan [1].

Qaror asosida “Yo‘lovchi va yuk tashishni yanada rivojlantirish” bo‘yicha “Yo‘l xaritasi” tasdiqlandi va shu asosida sohani rivojlantirish bo‘yicha samarali ishlar olib borilmoqda.

Respublikamizda iqtisodiy o‘sish sur‘atiga erishgan sharoitda shaharlar aholisini transport bilan ta‘minlash muammosi ayniqsa muhim ahamiyat kasb etadi. Sanoat markazlarida yo‘lovchilar transportining tegishli rivojlanishsiz tovar va xizmatlar ishlab chiqarishni ko‘paytirish mumkin emas. Bundan tashqari, iqtisodiy rivojlanishning barqarorlashuvi mehnatga yaroqli aholi farovonligining oshishiga olib keladi, bu esa o‘z navbatida yo‘lovchilarning transport sifatiga bo‘lgan talablarini belgilaydi.

Shu o‘rinda 2021-yilda Respublikamiz miqyosida turli transportda yuk va yo‘lovchi tashish aylanmasi bo‘yicha statistika qo‘mitasi taqdim etgan ma‘lumotlarini tahlil qiladigan bo‘lsak, umumiy tashilgan yo‘lovchilar soni 5951,5 mln yo‘lovchini tashkil etib, shundan, 5852,8 yo‘lovchi yoki 98%i, tashilgan yuklarning umumiy hajmi 1243,0 tonnani tashkil etib, shundan, 1102,2 mln tonnasi yoki 88%i aynan avtomobil transporti hissasiga to‘g‘ri kelishi avtomobil transporti mamlakatimiz iqtisodiyotining naqadar muhim o‘rinni egallashini belgilab beradi.

Transport xizmatlarining eng katta ulushi avtomobil transportida yuk va yo‘lovchilarni tashish bo‘yicha xizmatlarga to‘g‘ri keladi.



1-rasm. 2021-yil yanvar-mart oylarida avtomobil transporti xizmatlari

2022-yil yanvar-mart oylarida avtomobil transportida yo‘lovchi tashish xizmatlarining ulushi 67,7 % ga yetdi (1-rasm) [3].

Transportning ushbu turi boshqa transport turlari bilan taqqoslanganda uning moslashuvchanligi va ko‘rsatilayotgan xizmatlarning nisbatan arzonligi sababli yuqori talabga ega hisoblanadi.

Yo‘lovchi tashish bilan shug‘illanuvchi avtotransport korxonalari (ATK) o‘z xizmatlarining samarali, sifatli va qulay tashkil etishi juda muhim hisoblanadi. Bu asosan, ATKning asosiy bo‘limlari faoliyatining puxta va ishonchli tashkil etilishi bilan ta‘minlanadi.

Adabiyotlar tahlili bo‘yicha yo‘lovchi tashish avtotransport korxonalarining ish samaradorligini oshirish va ish jarayonlarini optimallashtirish borasida respublikamiz va xorijiy adabiyotlarda ko‘plab tadqiqotlar, izlanishlar olib borilgan va bir nechta adabiyotlar yaratilgan.

Xususan, M.Z.Musajonov, M.A.Abduvaliyev, Q.M.Siddiqnazarov, M.A.Ikramov va boshqalar tomonidan, avtokorxonalarda yuk va yo‘lovchilarni o‘z vaqtida tashish uchun mavjud avtomobillarning texnik tayyorligini yuqori darajada, eng kam mablag‘ sarflagan va ekologik talablarni bajargan holda ta‘minlab turish zarurligi, buning uchun ularga muntazam texnik xizmat ko‘rsatish va ta‘mirlash ishlari (TXK va T) ni olib borish, ularni saqlash joylari, zaxira qism va avtoekspluatatsiyaga oid materiallar bilan ta‘minlash va boshqa xizmatlar majmuini amalga oshirish lozimligi ta‘kidlangan.

Natijalar. Yo‘lovchi tashuvchi avtotransport korxonalari mijozlarga sifatli va qulay

xizmatni tashkil etish uchun avvalo samarali o'zining ish faoliyatini takomillashtirishi, moddiy texnika bazasini tubdan qayta jihozlashi, harakatlanuvchi tarkibni ko'paytirishi, uning tarkibini yangilashi va texnik holatini doimiy yaxshilab borishini talab etadi.

Barcha yuk va yo'lovchi tashuvchi ATKlarning ish samaradorligini oshirishda ikkita asosiy strategik yo'nalishni ta'kidlab o'tish lozim:

- harakat tarkibining texnik parametrlari samaradorligini oshirish va optimallashtirish;
- ATKlarda harakatlanuvchi tarkibdan samarali foydalanish texnologiyasini takomillashtirish.

Harakat tarkibining texnik parametrlarini oshirish va optimallashtirishda, ularga texnik xizmat ko'rsatish va ta'mirlash, texnik nazorat va diagnostikalash shu bilan birga bu ishlarni amalga oshiruvchining kasbiy kompetensiyaga egaligi juda muhim hisoblanadi.

Har qanday ATKning ishlab chiqarish-texnika bazasida harakatlanuvchi tarkibga texnik xizmat ko'rsatish va ta'mirlash (TXK va T), saqlash uchun mo'ljallangan bo'limlardan iborat bo'ladi. Ularning vazifasi avtomobillarning doimiy holatda texnik sozligini ta'minlash, texnik parametrlarini saqlash va ekspluatatsiya davomida nosozligini bartaraf etishdan iborat bo'lib turli diagnostikalash-sozlash texnologik jihozlari hamda ishchi postlardan iboratdir. Bu talab bo'yicha belgilanib, barcha yuk va yo'lovchi tashuvchi ATKlar shunday jihozlanadi.

ATKlarning TXK va T bo'limlarida harakatlanuvchi tarkibning texnik parametrlarini samaradorligini oshirish va optimallashtirishda quydagilar ta'minlanishi zarur:

- avtomobillarga texnik xizmat ko'rsatish ishlarini nazorat qilish va boshqarish bo'yicha kasbiy kompetensiya ega malakali mutaxassisni jalb qilish va xodimlarning malakasini doimiy oshirishni tashkil etish;

- avtomobillarning ekspluatatsiya davomida texnik nosozliklar va ularning oldini olish, bartaraf etish bo'yicha kompleks chora-tadbirlarni amalga oshirish;

- TXK va T bo'limidagi ustaxona va postlarni zamonaviy diagnostikalash-sozlash jihozlari bilan ta'minlash;

- avtomobillarga TXK ishlarini turlari bo'yicha tizimli va kompleks tarzda amalga oshirish;

- avtomobillarni saqlash joylarida, ularning texnik parametrlarini yo'qotmasligini ta'minlaydigan sharoitni yaratish.

ATKlarda harakatlanuvchi tarkibdan samarali foydalanish texnologiyasini takomillashtirishda nozimlik bo'limining o'рни juda muhim hisoblanadi.

Harakatlanuvchi tarkibdagi avtomobillar yo'nalishga chiqish vaqti, yo'nalishdagi harakat intervallarini to'g'ri tashkil etish, texnik tayyorgarlik koeffitsientini oshirish, yo'nalishda avtomobil harakatini boshqarish, harakatdagi avtomobilni joriy ta'mirlashni samarali tashkil etilganligi va shu kabi ishlarning samarali tashkil etilganligi - nozimlik bo'limi nozimlarini kasbiy kompetensiyasi hamda malakasi bilan belgilanadi.

Muhokama. Avtotransport vositalarining samaradorligini oshirish uchun ularning texnik holatini yaxshilashga ko'proq e'tibor qaratish lozimligi ta'kidlanmoqda. Bu muhim masala hisoblanadi, ini hal qilishda asosiy vazifa avtotransport korxonalarining texnik xizmatiga alohida ahamiyat berishdir. Bunda asosiy vazifa sifatida – harakat tarkibining ekspluatatsiya davrida nosozlikka uchramasligi va nosozliklarning oldini olish, ularni bartaraf etish bo'yicha kompleks chora-tadbirlarni amalga oshirish kerakdir.

ATKlarda barcha bo'limlar faoliyatining samaradorligi shu bo'limda ishlovchi xodimlarning kasbiy mahoratiga bog'liqdir, albatta ishchi xodimlarning, texnik muhandislarning kompetentli va malakali bo'lishi ish samaradorligini oshirishda eng asosiy jihat hisoblanadi.

Xulosa qilib aytganda, yo'lovchi tashuvchi ATKlarning ish samaradorligini oshirishda

harakat tarkibining texnik parametrlarini saqlash va optimallashtirish, avtomobillardan samarali foydalanish texnologiyasini takomillashtirish juda muhim hisoblanadi. Bu ishlarni tashkil etishda ATKning TXK va T shuningdek nozimlik bo‘limlarini ish faoliyatini sifatli tashkil etish, umumiy korxonaning ishlab chiqarish texnika bazasini modernizatsiya qilish va takomillashtirish kerak bo‘ladi. ATKlarning ish faoliyatini amalga oshiruvchi texnik-muhandis va ishchi xizmatchilarning kasbiy mahorati va malakasi barcha ishlarning samaradorligini oshirib, diagnostikalash xizmatlarini sifatli bajarish muhim omil hisoblanadi.

ADABIYOTLAR

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 6-mart, PQ-4230-sonli “Yuk va yo‘lovchi tashish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” gi qarori.
2. M. Z. Musajonov. Avtotransport tarmog‘i korxonalarini loyihalash/ - 2-nashri.- T.: A.Navoiy nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2011. -320 b.
3. O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi (https://www.stat.uz/images/uploads/reliz2021/xizmatlar_mart_uz.pdf).
4. Кўчқоров, С. К., Эксанова, С. Ш., Туйчиева М. В. (2022). ТЕКИСЛАГИЧГА БЕРИЛАДИГАН ТИК БОСИМ КУЧИНИ ВА УНИНГ ИШ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШ. БАРКАРОРЛИК ВА ЕТАКЧИ ТАДКИКОТЛАР ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ , 488-494.
5. Меликулов, Н., & Кучқоров, С. К. (2022). Одновременное действие изгиба и сжатия в пластинах, подкрепленных по контуру упругими тонкостенными стержнями. *Механика и технология*, 3(8), 64-69.
6. Xolmirzaev, J. Z., Kuchkorov, S. K., & Eksanova, S. SH.(2020). Udarno-Vratchatel'naya Dinamicheskaya Model' Rabocheho Organa Ochistitelya Xlopka. *Kontseptsii I Modeli Ustoychivogo Innovatsionnogo Razvitiya*, 137.
7. Боқижонович, И. Қ., Каримжонович, Қ. С., Абдуназаров, Э. Э., & Ортиқов, Н. Б. Ў. (2022). Анор тупларини кўмадиган машина уюмлагичининг конструкцияси. *Механика и технология*, 3(8), 98-102.

UDK 343.851

YO‘LLARDA AVTOTRANSPORT HODISALARINI KESKIN ORTISHINI SABABLARI VA OLDINI OLISH CHORALARI TAHLILI

Ergashov Bahodir Abdumuxtor o‘g‘li
NamMQI, doktorant, ebahodir611@gmail.com

Annotatsiya. Maqolada O‘zbekistonda yo‘l harakatini tashkil etish bilan bog‘liq muammolar yoritildi. Yo‘l harakati xavfsizligiga ta’sir etuvchi asosiy omillar tahlil qilindi. Avtotransport hodisalarini oldini olish bo‘yicha xulosa va tavsiyalar keltirildi.

Аннотация. В статье освещены проблемы, связанные с организацией дорожного движения в Узбекистане. Проанализированы основные факторы влияющие на дорожно-транспортные происшествия. Даны рекомендации по предотвращению дорожно-транспортные происшествия.

Abstract. The article highlights the problems associated with the organization of traffic in Uzbekistan. An analysis of the main factors affecting road traffic accidents. Recommendations

for preventing road traffic accidents are given.

Kalit soʻzlar: harakati xavfsizligi, avtotransport vositalari, xavf darajasi, xavf omillari, texnik xizmat, yoʻl infratuzilmasi.

Ключевые слова: безопасность дорожного движения, автотранспортные средства, уровень риска, факторы риска, техническая служба, дорожная инфраструктура.

Key words: traffic safety, motor vehicles, risk level, risk factors, technical service, road infrastructure.

Haydovchi yoʻl harakati havfsizligi qoidalariga amal qilgan holatda ham avtohalokatlar sodir boʻlishi mumkin havflarning ortib borayotganligi egasining avtomobilni ishlatish paytida yetkazilgan zarar uchun javobgarligi yoʻl harakati xavfsizligini taʼminlash bilan bogʻliq muammolarni tartibga solishning maxsus tartibini belgilab beradi.

Yoʻl harakati xavfsizligi sohasidagi ishlarning holatiga taʼsir qiluvchi asosiy omillar majmuidagilardir:

yoʻl harakati xavfsizligi sohasidagi huquqiy munosabatlarni tartibga soluvchi huquqiy bazaning sifati va uning muayyan vaqt oraliqlarida amaliy samaradorlik;

yoʻl harakatida toʻliq va malakali ishtirok etish uchun haydovchilarni tayyorlik darajasi;

yoʻl harakati qatnashchilarining huquqiy ong darajasi, ularning yoʻl harakati madaniyati;

yoʻl tarmogʻining holati;

yoʻl harakati xavfsizligi boʻlinmalarini yoʻl harakati xavfsizligini taʼminlash boʻyicha oʻz oldiga qoʻyilgan vazifalarni samarali hal etish imkonini beruvchi yuqoridagi moddiy-texnik baza bilan jihozlanganligi va boshqalardir.

Harakat xavfsizligini taʼminlash deganda transport kompleksi sohasida noqonuniy aralashuvlar sodir etish tahdidlariga mos keladigan davlat tomonidan belgilangan huquqiy, iqtisodiy, tashkiliy va boshqa chora-tadbirlar tizimini amalga oshirish tushuniladi. Bu esa oʻz navbatida noqonuniy harakatlar (harakatsizlik), shu jumladan, transport kompleksining xavfsiz ishlashiga tahdid soluvchi, inson hayoti va sogʻligʻiga zarar yetkazish, moddiy zarar yetkazish yoki bunday oqibatlar xavfini keltirib chiqaradigan qonunbuzarlik harakati tushuniladi.

Transport xavfsizligining torroq jihati, yaʼni yoʻl harakati xavfsizligi "Yoʻl harakati xavfsizligi toʻgʻrisida"gi qonuni bilan tartibga solinadi, bu esa Oʻzbekiston Respublikasi hududida yoʻl harakati xavfsizligini taʼminlashning huquqiy asoslarini belgilaydi.

Yoʻl harakati xavfsizligi - bu jarayonning holati (odamlar va yuklarni yoʻllar ichida transport vositalari bilan yoki transport vositalarisiz tashish jarayonida yuzaga keladigan ijtimoiy munosabatlar majmui), uning ishtirokchilarini yoʻl-transport hodisalari va ularning oqibatlaridan himoya qilish darajasini aks ettiradi.

Yoʻl harakati xavfsizligini taʼminlashga u yoki bu darajada taʼsir qiluvchi omillar quyidagi:

avtomobillarni import qilish va ishlab chiqarishning oʻsish surʼati (yaʼni, motorizatsiya darajasi);

yoʻl tarmogʻining rivojlanish darajasi (Oʻzbekiston avtomobil-yoʻl kompleksining asosiy tarkibiy qismlaridan biri bu yoʻl tarmogʻi va uning holati boʻlib, uning rivojlanishida motorizatsiya darajasidan aniq orqada qolish mavjud);

yoʻl harakatida ishtirok etishni, shuningdek, yoʻl harakati xavfsizligi uchun masʼul boʻlgan davlat xizmatlarini tartibga soluvchi huquqiy normalarning ishlab chiqilganligi darajasi;

jamiyat aʼzolarining ijtimoiy ongi darajasi va ularning yoʻl harakati, unda ishtirok etish va xavfsizlik jihatlaridan xabardorligi, shuningdek, jamiyat aʼzolarining yoʻl harakatida ishtirok etishga jalb qilish darajasi.

Aholining harakatchanligining tobora ortib borishi, jamoat transportida tashish hajmining

kamayishi va shaxsiy transport vositalari sonining ko'payishi, transport vositalari sonining ko'payishi va transport vositalarining soni o'rtasidagi nomutanosiblikning kuchayishi kabi tendentsiyalar baxtsiz hodisalar bilan bog'liq vaziyatni yanada og'irlashtiradi. Yo'l-transport hodisalarining o'sishi holat avtomobillashtirishning kuchayishi bosqichida bozor iqtisodiyotiga ega bo'lgan barcha mamlakatlar uchun xos bo'lib, bu barqarorlashtirish imkoniyatining yo'qligini va doimiy ravishda qisqarishini anglatmaydi.

Bunday sharoitda qonunchilikni, ko'proq darajada ma'muriy qonunchilikni yanada takomillashtirish maqsadida yo'l harakati xavfsizligiga ta'sir etuvchi omillarni tahlil qilish o'rinli va zarurdir. Buning sababi shundaki, yo'l harakati xavfsizligi sohasidagi huquqbuzarliklarning mutlaq ko'p qismini ma'muriy huquqbuzarliklar tashkil etadi va aynan ma'muriy-huquqiy normalar bu munosabatlarning asosiy tartibga soluvchisi hisoblanadi.

Yo'l harakati xavfsizligiga ta'sir qiluvchi omillarga inson, transport vositasi, yo'l va tashqi muhitni ham kiritishimiz mumkin. Shunday qilib, yo'llarda murakkab dinamik tizim mavjud. Yagona avtomobil transporti tizimining bu elementlari bir-biri bilan ma'lum munosabatda bo'lib, bir butunlikni tashkil qiladi. Ular yo'l-transport hodisalariga olib keladigan xavf omillarini tashkil qiladi.

Ko'rinib turibdiki, aksariyat hollarda avtotransport vositalaridagi baxtsiz hodisalarga inson omili sabab bo'ladi. Baxtsiz hodisalarga yo'lning buzilganligi, noto'g'ri belgi qo'yilganligi, transport vositasining noto'g'ri ishlashi, svetoforning buzilishi va boshqalar sabab bo'lgan hodisalar soni juda kam uchraydi.

Bundan tashqari, haydovchilar tomonidan spirtli ichimliklar va giyohvand moddalarni iste'mol qilish kabi salbiy omillar; yosh haydovchilarning tajribasizligi; charchoq, stress, kasallik; intellektning past darajasi, yo'l harakati xavfsizligi masalasi tadqiqotchilari tomonidan ham, harakatni optimallashtirish uchun mas'ul tuzilmalar tomonidan ham yetarlicha e'tibor qaratilishi lozim.

Bizningcha, haydovchilarni ijtimoiy-psixologik tayyorlash masalalariga yyetarlicha e'tibor berilmayapti. Yo'l aholi tomonidan azaldan doimiy to'qnashuv joyi sifatida qabul qilingan va bu o'z navbatida jiddiy yo'l-transport hodisalariga olib keladi. Yo'l to'qnashuvi dinamik kommunikativ harakat bo'lib, u harakat ishtirokchilarining qarama-qarshi o'zaro bog'liq xatti-harakatlari bo'lib, ularning jismoniy to'qnashuvi xavfini keltirib chiqaradi.

Xavf darajasiga ko'ra ular uch turga bo'linadi: yengil, o'rtacha va og'ir.

Jamiyatimiz taraqqiyotining hozirgi bosqichida yo'l harakati qatnashchilarining huquqiy madaniyati qoniqarli dep bo'lmaydi. Yo'lda ziddiyatli xatti-harakatlar - bu boshqa yo'l harakati qatnashchilarining manfaatlarini va yo'l harakati xavfsizligi sohasidagi huquqiy normalar talablarini e'tiborsiz qoldirib, ustunlikka erishish istagini amalga oshirishdir. Yo'llarda nizolar ko'rinishini minimallashtirish yo'l harakati xavfsizligini ta'minlash sohasidagi muhim vazifalardan biridir.

Yo'l harakati xavfsizligi masalasiga bevosita ta'sir ko'rsatadigan muhim muammo - bu haydovchilarning ijtimoiy-psixologik tayyorgarligining yetarli emasligi, yo'l harakati qoidalariga rioya qilish bo'yicha huquqiy ta'lim tizimining yo'qligi. Bugungi kunda barcha yo'l harakati qatnashchilarining, xususan, haydovchilarning huquqiy madaniyatini oshirishga, ularni tegishli o'quv kurslari va ta'lim dasturlariga yanada integratsiyalashuviga yo'naltirilgan ixtisoslashtirilgan texnikalarni ishlab chiqish masalasi tobora dolzarb bo'lib bormoqda.

Bu masala maktab o'quvchilari - yo'l harakati qatnashchilari, piyodalar va kelajakda avtomobil haydovchilari tomonidan yo'l harakati qoidalarini o'rganish muammosi bilan chambarchas bog'liq. O'rta maktab o'quvchilari o'rtasida o'tkazgan sotsiologik so'rovimiz shuni ko'rsatdiki, o'g'il bolalarning deyarli 100 foizi va qizlarning 60 foizi o'zini kelajak haydovchisi

sifatida ko‘radi. Yo‘l harakati xavfsizligi masalalari va ijtimoiy-psixologik tayyorgarlik bilan bog‘liq o‘quv-axborot dasturlarini (mustaqil fan sifatida) majburiy element (komponent) sifatida kiritish uchun maktab ta‘lim standartlarini yanada takomillashtirish mutlaqo zarurdir. Shuningdek, haydovchilik va yo‘l harakati qoidalarini o‘rganayotgan shaxslar uchun mustaqil bilim va ko‘nikmalar bloki sifatida ijtimoiy-psixologik treninglarni joriy etish hamda yo‘l harakati to‘qnashuvlarini oldini olish bo‘yicha test topshiriqlarini imtihonga kiritilsa maqsadga muvofiq bo‘lardi.

Avtotransport vositasi bilan bog‘liq bo‘lgan va avariyaning potentsial xavfini va uning og‘irligini belgilovchi omillarga transport turini tanlash, transport vositalarining o‘lchamlari va og‘irligi, dvigatel kuchi va tezligi xususiyatlari, transport vositalarining texnik holati va jihozlari kiradi.

Ko‘rib chiqilayotgan omillarning har biri bo‘yicha takroriy tahlil va tadqiqotlar o‘tkazildi. Avtomobil bilan bog‘liq omillar haqida gapirganda, biz quyidagi masalaga e‘tibor qaratishni tavsiya etamiz.

Transportdagi baxtsiz hodisalarning sabablarini ko‘rib chiqsak, hozirgi amaliyot jamiyatda mavjud bo‘lgan stereotiplar bilan bog‘liq degan xulosaga kelish mumkin, chunki odatda noqulay vaziyatning rivojlanishi paytida yuzaga keladigan bir nechta favqulodda omillar mavjud bo‘lganda, haydovchining harakatlari odatda avariya sababi deb hisoblanadi. Shunday qilib, haydovchi deyarli har doim avariya uchun javobgar bo‘ladi va transport vositalarining to‘qnashuvi yoki ag‘darilishiga asosiy auybdor sanaladi. Sodir bo‘lgan boshqa holatlar yuqoridagilarga baholanmaydi. Aksariyati holatlarda avariya hodisasi uchun asl javobgar shaxslar javobgarlikka tortilmaydi.

Biroq, avtohalokatlarning katta qismi texnologiyaning ayanchli holati bilan bog‘liqdir. Bundan tashqari, bizning fikrimizcha, amaldagi transport qonunchiligi ham avtomobillarning holati, ham foydalanilayotgan ehtiyot qismlar sifati ustidan tegishli nazoratni to‘liq ta‘minlamaydi, shuningdek, eski avtomobillardan foydalanishda aniq cheklovlar yo‘q.

Qonunchiligimizga ko‘ra transport vositalariga texnik xizmat ko‘rsatish va ta‘mirlash bo‘yicha ishlarni bajaruvchi va xizmatlar ko‘rsatuvchi yuridik shaxslar va yakka tartibdagi tadbirkorlar ularning belgilangan normalar va qoidalarga muvofiq bajarilishini ta‘minlashlari shart; va texnik xizmat ko‘rsatish va ta‘mirlashdan o‘tgan transport vositalari yo‘l harakatida ishtirok etuvchi transport vositalarining texnik holati va jihozlanishini tartibga soluvchi talablarga javob berishi kerak, chunki ular yo‘l harakati xavfsizligini ta‘minlashga taalluqlidir, bu ko‘rsatilgan ishlarni bajaruvchi tomonidan berilgan tegishli hujjat bilan tasdiqlanadi.

Ushbu standart avtoulovlarga texnik xizmat ko‘rsatish va ta‘mirlashni amalga oshirishda avtoulovlarga xizmat ko‘rsatadigan tashkilotdan muvofiqlik sertifikatiga ega bo‘lishini talab qiladi, lekin foydalanilgan ehtiyot qismlar va butlovchi qismlarning haqiqiylikini va sifatini tasdiqlovchi sertifikatlarni talab qilinmaydi.

Shunday qilib, bugungi kunda avtomobillarni soxta, past sifatli qismlar va butlovchi qismlar bilan jihozlash nafaqat mumkin, balki hamma joyda ham sodir bo‘lib kelmoqda.

Eskirgan avtomashinalarning ishlashini taqirlashga kelsak, bu chora zarurligi turgan gap. Ko‘pincha yarim asrdan oshgan va xizmat muddati allaqachon tugagan avtomobillar bizning yo‘llarimizda harakat qilishda davom etmoqda. Bundan tashqari, avtomobilning haddan tashqari eskirishi, masalan, korroziya yoki metallning o‘z holatini yo‘qotishi qonunga ko‘ra, yo‘l harakati xavfsizligiga bevosita tahdid solmaydi. Biroq, bu hodisa sodir bo‘lgan yo‘lovchilar (haydovchilar) uchun ham, yo‘l-transport hodisasining boshqa ishtirokchilari uchun ham o‘ta xavfli ekanligi bor gap. Har xil turdagi avtomobillar (shu jumladan chet elda ishlab chiqarilgan) uchun foydalanish bo‘yicha yo‘riqnomaning mazmuniga ko‘ra, avtomobillarni kalendar davri

bo'yicha ham, yurgan masofasi bo'yicha ham ishlatishda hech qanday cheklovlar yo'q.

O'zbekiston avtomobil yo'llari majmuasining asosiy tarkibiy qismlaridan biri avtomobil yo'llari tarmog'i va uning holatidir. Avtotransport vositalarining yuqori o'sish sur'atlariga qaramay, yo'l tarmog'i uzunligining o'sishi juda sekin. Mutaxassislarning fikriga ko'ra, avtomobil vositalarining o'sish sur'ati yo'llar uzunligining o'sish sur'atlaridan bir necha barobar yuqori. Shu bilan birga, yo'llarning o'zi ko'pincha yomon ahvolda, yo'l infratuzilmasi juda eskirgan.

Bundan tashqari, yo'l qurilishi va materiallarining sifati katta muammodir. Shundan kelib chiqib, biz yo'l qurilishi sohasida davlat tomonidan tartibga solishni takomillashtirish choralarini taklif qilamiz. Yo'l qurilishi sifatini barcha bosqichlarda - loyiha hujjatlarini tayyorlashdan tortib obyektlarni ishga tushirishgacha kuzatib borishi kerak bo'lgan sinov markazlari tarmog'ini yaratish kerak. Barcha qurilish materiallari akkreditlangan laboratoriyalarda sinovdan o'tkazish lozim.

Yo'l-transport hodisalarining yuzaga kelishi ehtimolini oshiradigan tashqi muhit bilan bog'liq bo'lgan omillarga qorong'ulik, noqulay ob-havo sharoiti, yo'l qoplamasining xavfli holati, yo'lning transport vositalari bilan tirbandligi, yo'l ta'mirlash ishlari kiradi. Bu omillar yo'l omillari bilan o'zaro bog'liq bo'lib, ular yo'l-transport hodisalari sonini ko'paytiradi, inson ruhiyatiga yukni oshiradi va undan nostandart vaziyatlarda qaror qabul qilishni talab qiladi. Salbiy oqibatlarining oldini olish uchun yo'llarni ta'mirlash ishlarini olib borish haqida gapirganda, quyidagilar tavsifa etiladi:

- haydovchilar e'tiborini, ayniqsa, qorong'uda jalb qilish uchun signalizatsiya tizimlaridan foydalanish;

- yo'lda olib borilayotgan ta'mirlash ishlari haqida ommaviy axborot vositalari, internet va sun'iy yo'ldosh navigatsiya tizimlari (GPS va GLONASS) orqali xabardor qilish va imkoniyati cheklangan hududda tirbandlikni bartaraf etish uchun muqobil transport yo'nalishlari haqida xabar berish.

Bu choralar albatta avtotransport hodisalarini butkul bartaraf etmasligi mumkin, lekin birgina yo'lovchini hayotini saqlab qolsa ham bu ishlar besamar ketmaganligini bildiradi. Tizimli ravishda harakatlar davom ettirilmasa avtohalokatlar soni yildan yilga ortaverishi turgan gap.

ADABIYOTLAR

1. Eshmuradov, D., & Ergashov, B. (2023). General issues of implementation of intellectual transport systems in the cities of Uzbekistan. *Science and innovation*, 2(A4), 112.

2. Dilshod, E., Bahadir, E., & Saidullahon, A. (2023). The role of surveillance cameras at intersections in preventing car accidents. *Universum: технические науки*, (6-4 (111)), 45-47.

7. Кўчқоров, С. К., Эксанова, С. Ш., Туйчиева М. В. (2022). Текислагичга бериладиган тик босим кучини ва унинг иш кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш. Баркарорлик ва етакчи тадқиқотлар онлайн илмий журнали, 488-494.

8. Меликулов, Н., & Кучқоров, С. К. (2022). Одновременное действие изгиба и сжатия в пластинах, подкрепленных по контуру упругими тонкостенными стержнями. *Механика и технология*, 3(8), 64-69.

9. Xolmirzaev, J. Z., Kuchkorov, S. K., & Eksanova, S. SH.(2020). Udarno-Vrащательnaya Dinamicheskaya Modelь Rabochego Organa Ochistitelyа Xlopka. *Kontseptsii I Modeli Ustoychivogo Innovatsionnogo Razvitiya*, 137.

10. Боқижонович, И. Қ., Каримжонович, Қ. С., Абдуназаров, Э. Э., & Ортиқов, Н. Б. Ў. (2022). Анор тулпарини кўмадиган машина уюмлагичининг конструкцияси. *Механика и технология*, 3(8), 98-102.

UDK: 691.168

**OG'IR YUK TRANSPORT VOSITALARIDAN AVTOMOBIL YO'LLARIGA
TUSHAYOTGAN YUKLAMALARNI ANIQLASH HAMDA BU YUKLAMALLARGA
ASFALTBETON QOPLAMASINING MUSTAHKAMLIGINI OSHIRISH**

Jamolov Saidkamolxon Xusanxon o'g'li
Toshkent davlat transport universiteti, tayanch-doktorant, saidkamolhon95@mail.ru +998940504081

Xolmirzayev Mirzohid Fazliddin o'g'li
NamMQI, stajyor-o'qituvchi, kholmirzaev_96@mail.ru +998941702717

Annotatsiya: Maqolada, avtomobil yo'llariga ta'sir etuvchi tashqi omillarni hamda og'ir yuk transport vositalaridan tushadigan yuklamalarning asfaltbeton qoplamaga ta'siri o'rganildi. Hamda bu ta'sirlarga, asfaltbeton bardoshligini sirt faol moddalar va polimerlarni qo'llash orqali oshirish imkoniyatlarini ko'rib chiqdik. Bu jarayonda, asfaltbeton qoplamasining bardoshligini oshirish uchun qo'llanilgan qo'shimchalar laboratoriya sharoitida mustahkamlik ko'rsatkichlari bo'yicha tekshirilib, hozirgi kunda mamlakatimizda ko'p ishlatiladigan asfaltbeton qoplamalarining mustahkamlik ko'rsatkichlari bilan o'zaro taqqoslandi. Natijada tarkibi sirt faol moddalar va polimerlar bilan boyitilgan asfaltbetonning mustahkamlik ko'rsatkichlari oddiy turdagi asfaltbeton qoplamalarinikidan bir muncha yaxshilangani aniqlandi.

Annotation: In this article, the external factors affecting on automobile roads and the impact of loads from trucks on asphalt concrete pavement were studied. We also considered the possibilities of increasing the durability of asphalt concrete to these effects by using surfactants and polymers. In this process, the additives used to improve the durability of the asphalt concrete pavements were tested in laboratory conditions according to their strength indicators and compared with the strength indicators of the asphalt concrete pavements that are widely daily used in our country. As a result, it was found that the strength indicators of asphalt concrete enriched with surfactants and polymers are much better than those of ordinary asphalt pavements.

Аннотация: В статье изучены внешние факторы, влияющие на автомобильные дороги, а также воздействие нагрузок от большегрузных автомобилей на асфальтобетонные покрытия. Также рассмотрены возможности повышения устойчивости асфальтобетона к этим воздействиям за счет использования ПАВ и полимеров. При этом добавки, используемые для повышения долговечности асфальтобетонного покрытия, проверялись в лабораторных условиях по их прочностным показателям и сравнивались с прочностными показателями, широко применяемых сегодня в нашей стране асфальтобетонных покрытий. В результате установлено, что прочностные показатели асфальтобетона, обогащенного ПАВ и полимерами, несколько лучше, чем у обычных асфальтобетонных покрытий.


Kalit so'zlar: sirt faol moddalar, polimerlar, Marshal usuli, reologik xususiyatlar, bitum, asfaltbeton, kuchlanish.

Key words: surfactants, polymers, Marshall method, rheological properties, bitumen, asphalt concrete, stress.

Ключевые слова: ПАВ, полимеры, метод Маршалла, реологические свойства, битум, асфальтобетон, напряжение.


Kirish. So'ngi yillarda iqlim haroratining o'zgarishi va shaharlarda avtomobilizatsiya darajasining keskin oshishi avtomobil yo'llarining qoplamalariga ta'sir etuvchi tashqi

kuchlarning ortishiga olib kelmoqda. Bu esa o'z navbatida, avtomobil yo'llarining qoplamalaridagi turli buzilishlarni keltirib chiqarib yo'lning sifat ko'rsatkichlarini va xavfsiz harakatlanishga salbiy ta'sir etmoqda [1]. Ayniqsa, o'g'ir yuk transport vositalaridan tushadigan takroriy yuklamalar harorat oshganda ta'siri yana ham ortib ketadi. Natijada yo'lda ko'plab yoriq va deformatsiyalar hosil bo'ladi [2]. So'nggi vaqtlarda yo'l qoplamalarida olib borilgan tadqiqotlarga ko'ra yo'l qoplamasining buzilishining sababi takroriy ta'sir etuvchi harakatlar ekanligini tasdiqladi [3]. Asfaltbeton qoplamada "charchoq"ning paydo bo'lishi asosan g'ildirak o'qi, og'irligiga, transport vositasining tezligiga, yo'l qoplamasining elementlariga va atrof-muhit haroratiga bog'liq. Statik yukdan farqli o'laroq (asosan katta o'lchamdagi vertikal zo'riqishlar), asfaltbetonda dinamik yuklamalar natijasida ikki xil kuchlanish paydo bo'lishi aniqlandi: vertikal va gorizontaal. Quyidagi 1-rasmda to'lqinlar va izlar shaklida qoplamaning asosiy siqilishdagi buzilishlarini paydo bo'lish mexanizmi ko'rib chiqamiz. Bunda oddiy (vertikal) F_n va siljish (gorizontaal) F_t kuchlari avtomobil g'ildiragi tomonidagi qoplamaga ta'sir qilishi ko'rsatilgan. F_t kuch - avtomobil tormozlanganda yoki dvigateldan moment ta'sirida qo'zg'alayotganda g'ildiragining chetida paydo bo'ladi.



1-rasm. Avtomobil g'ildiragi tomonidan normal F_n va F_t siljish kuchlari ta'siri ostidagi yo'l sirtining deformatsion holati: a) ko'ndalang to'lqin hosil bo'lishi -tormozlash joylarida; b) bo'ylama iz hosil bo'lishi c) g'ildirak ostidagi qoplamaning bo'ylama siljishi.

Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, qoplamaning yuqori qismidagi zo'riqishlar harakatlanuvchi yuk (avtomobil g'ildiragi) kerakli nuqtadan vertikal ravishda ko'tarilishidan oldin ham paydo bo'la boshlaydi (2-rasm). Bunday holda, cho'zuvchi va siquvchi zo'riqishlar izchil paydo bo'ladi [4].



2-rasm. Avtomobil g'ildiragi ta'sirida hosil bo'luvchi zo'riqishlar

Bundan tashqari transport vositasi harakatlanganda qoplamaga tushadigan zo'riqishlar ta'sir vaqtidan ko'proq ta'sir etadi. Asfaltbetondagi zo'riqishlarning ta'sir qilish vaqti transport

yukining ta'sir qilish vaqtidan biroz yuqoriroq (taxminan 1,5–2 baravar) va quyidagilar: qoplama 0,4-0,45s, ostki qatlamlarida 0,2-0,3 sekundga teng. Buni aniqlashda qoplamaga 2 ta datchik o'rnatilib og'ir yuk transport harakati davomida kuzatildi (3-4-rasm).




a) yakka holda harakatdagi yuk transporti b) takroriy yuklamalar (tig'iz harakat vaqti) tushayotgan holat

3-rasm. Og'ir yuk transport vositalatidan tushuvchi takroriy yuklamalarni aniqlash uchun sezuvchi datchik o'rnatilib tadqiqot olib borilgan "Toshken katta xalqa avtomobil yo'li"

Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, transport vositalarining o'rtacha tezligi 70km/soat bo'lganda asfaltbeton qoplamalarga tushadigan yuklama davomiyligi 0,05-0,14 sekundni tashkil qiladi, bu 7-20 Hz yuklanish chastotasiga to'g'ri keladi. Jadal harakatlanuvchi og'ir yuk avtomobillaridan asfaltbeton qoplama ta'sir etadigan dinamik kuch xarakterini impuls-zarba sifatida qabul qilsak bo'ladi, bunda transport oqimining yuklanish chastotasi daqiqada 400 - 2000 tsiklgacha bo'lishi mumkin, bu 6,7 dan 33Hz gacha bo'lgan chastotalarga to'g'ri keladi. Bunda pulsning o'rtacha davomiyligi 0,05 - 0,15 s ga teng bo'ladi. Olingan natijalarni va asfaltbeton qoplama hosil bo'lgan deformatsiyalarni tahlil qilib taxminiy tezligi 70 km/soat bo'lgan yuk mashinasini boshqarishda qoplamaning yuklanish tezligi 10-40 [MPa/s] ga, ta'sir etuvchi impuls vaqti esa o'rtacha 0,1-0,2s ekanligi aniqlandi.

Bitum tarkibini boyitish orqali asfaltbeton mustahkamligini oshirish.

Takroriy ta'sirlar harorat ortganda qoplama yana ko'proq zarar yetkazishi mumkin. Natijada iqlim harorati yuqori bo'lgan kunlarda asfaltbeton qoplamalarda buzilish va deformatsiyalar ko'p uchraydi [5]. Bunday ta'sirni oldini olish uchun asfaltbeton tarkibini boyitish orqali uning reologik xususiyatlarining bardoshligini oshirish mumkin. Bunda hozirgi kunda keng qo'llaniladigan sirt faol moddalar sifatida ishlatilayotgan polimerlar, plastifikator va dazatorlar qo'llash orqali yaxshi samaradorlikka erishish mumkin [6-7].



4-rasm. Avtomobil yo'llariga o'rnatilgan datchiklar va ular orqali aniqlangan qoplamaga tushayotgan zo'riqishlar.

Shularni e'tborga olgan holda bitum va asfaltbeton tarkibiga qo'shimcha sirt faol materiallar qo'shib laboratoriya tadqiqot ishlarini amalga oshirdik. Bunda jarayonda jahon amaliyotida eng keng tarqalgan va istiqbolli loyihalardan biri bo'lgan termoplastiklar va elastomerlarning xususiyatlarini birlashtirgan plastifikatorlar bilan bitumlarni tarkibini boyitdik (5-rasm). Ushbu plastifikatorlar ishlatish orqali bitumlarni sifat ko'rsatkichlarini yaxshilash mumkin. Bitumning sifat ko'rsatkichlarini oshirish maqsadida bitumning umumiy massasining 2,5-6% qismiga teng nisbatda polimer qo'shish maqsadga muvofiq hisoblanadi [8-9].



5-rasm. a) bitum tarkibini boyitish uchun qo'llanilgan plastifikator, b) tarkibi polimer bilan boyitilgan bitum namunlarini boratoriyada sinash uchun qoliplarga quyish jarayoni. c) laboratoriya sinovi uchun qoliplarga quyib tayyorlangan bitum namunalari

Buning uchun tanlangan bitum namunasi taxminan 10 litr hajmdagi metall idishga joylashtiriladi va termometr bilan termal shkafga joylashtiriladi. Bitum namunasi 145-155°C haroratgacha qizdiriladi, shu bilan birga harorat 160°C dan oshmasligi kerak. Sababi haroratning haddan tashqari qizishi bitum va unga qo'shiladigan materiallarning xususiyatlarini o'zgartirish mumkin. Bitum yuqorida ko'rsatilgan haroratgacha qizdirilganda, u qizdiruvchi pechdan chiqariladi va laboratoriya mikseriga quyiladi. Aralashma 160-180°C haroratda barcha komponentlar to'liq birlashtirilgunga qadar 1-1,5 soat davomida aralashtirib turiladi. Tarkibi bir xil holga kelgach, u sinov qoliplariga quyiladi hamda GOST-33137-2014 bo'yicha sinov ishlari amalga oshiriladi (6-rasm). Hamda natijalar quyidagi 1-jadvalda solishtiriladi.



a) Duktilometrda sinash b) Yumshash harorati (xalqa va shar usuli bo'yicha)

6-rasm. Bitum namunasini sinash jarayoni.


1-jadval

BND 60/90 bitumini modifikatsiyalashdan oldingi va keying natijalari

№ k/k	Ko'rsatkichlar nomlari	O'lchov birligi	Amaldagi natijalar		
			GOST bo'yicha	Bitumning haqiqiy qiymati	Modifikatsiya qilingandagi qiymati
1		0,1 mm	61-90	66.3	43

	Ignani botish chuqurligi 25 °Cda 0 °C da		20 dan kam emas	27	21
2	Yumshash harorati (xalqa va shar bo'yicha)	°C	47 dan kam emas	48.4	54.9
3	Cho'ziluvchanligi, 25 °C da 0 °C da	sm	55 dan kam emas	72 3.7	59.4 3.9
4	Mortlik harorati	°C	-15	-12.4	-14.6
5	Chaqnash harorati	°C	230	230 dan yuqori	230 dan yuqori
6	Penetratsiya indeksi	-	(-1) dan 1 gacha	-1	-0.7


Bundan tashqari tanlab olingan plastifikatorni bitum namunasiga qo'shilgandagi miqdori bitumning mo'rtlik haroratiga qanday ta'sir qilishini tadqiq qilindi. Bunda Umumiy asfaltbeton qorishmasining massasiga nisbatan 0,5% dan 1 % gacha bo'lgan miqdorda plastifikator BND 60/90 bitumiga qo'shib natijalar olindi. Buni quyidagi 7-rasmda ko'rish mumkin.



7-rasm. BND 60/90 bitumini “modifikatsiyalashdan oldingi va keying holatdagi mo'rtlik haroratini o'zgarishi

Asfaltbeton tarkibini boyitish orqali uning mustahkamligini oshirish.

Asfaltbeton mustahkamligini oshirish uchun biz asfaltbeton qorishma tayyorlash jarayonida unga polimer va selyulozadan iborat sirt faol material qo'shdik. Bunda, asfaltbeton mustahkamligini qanday o'zgarishini aniqlash uchun laboratoriya sharoitida tadqiqotlar olib bordik. Bunda GOST-9128-2014 talablaridan kelib chiqib 2 xil namuna tayyorladik [10-12]. Birinchi namuna oddiy tipdagi asfaltbeton bo'lsa ikkinchisi asfaltbetonning umumiy massasining 0,5% qismiga teng nisbatda polimer va selyuloza qo'shilgan asfaltbetondir. Tanlab olingan tarkib bo'yicha laboratoriyada sinash uchun namunalar tayyorlanadi va uning reologik xususiyatlarining bardoshligi tekshiriladi. Bunda uning siljishga bo'lgan mustahkamligi quyidagicha sinab ko'riladi. Bu jarayonda 50 °C haroratdagi suv vannasidagi namuna, universal presning sinovchi shtampi ko'ndalang ko'rinishda amalga oshirilib Marshal sxemasi bo'yicha tadqiqot o'tkaziladi [11].



- A)
 B) Universal presda Marshal sxemasi bo'yicha siquvchi moslamasining sxemasi; 1-sharnir, 2-silindir yuza, 3-namuna uchun joy, 4-ostki plita.

8-rasm. Universal presda asfaltbeton namunasini siljishga mustahkamligini tekshirish jarayoni

Bu jarayonda namunaga 50 mm/min tezlikda 20 (50)KN kuchlanish berib tekshiriladi [7]. So'ng quyidagi hisob-kitob ishlari amalga oshiriladi.

$$A = \frac{Pl}{2} \quad (1)$$

A - siqilish bo'yicha Marshal birligi [Djoule]

P -berilgan kuchlanish

l -sinov namunaning siqilgandagi o'lchami [mm]

So'ng $tg\varphi$ asfaltbetonining ichki ishqalanish koeffitsienti formula bo'yicha hisoblanadi.

$$tg = \frac{3(A_m - A_c)}{3A_m - 2A_c} \quad (2)$$

A_m, A_c - Marshall sxemasi bo'yicha va bir o'qli siqilish bo'yicha sinovdan o'tkazilganda asfaltbeton namunalarini deformatsiyalashning o'rtacha ishi

Bular hisoblab bo'lingach siljishga mustahkamligini hisoblaymiz.

$$C_1 = \frac{1}{2}(3 - 2tg)R_c \quad (3)$$

R_c - namunani siqish chegarasi [15 MPa].

Yuqoridagi ishlarini amalga oshirib bo'lgash GOST-9128-2013, GOST-31015 bo'yicha solishtiramiz [10-11-12]. Hamda quyidagi natijaga kelamiz:

2-jadval

Asfaltbetonning fizik-mexanik xususiyatlari sinov natijalari bo'yicha taqqoslash

№	Ko'rsatkich nomi	O'lchov birligi	GOST-9128-2013 bo'yicha	Olinga natijalar	
				Qo'shimcha sirt faol materiallarsiz tayyorlangan asfaltbeton	Polimer va selyuloza qo'shilgan asfaltbeton
1	Suv shimuvchanligi	%	1,5 - 4,0	1,5	2,9
2	Mineral qismning g'ovakligi	%	14 - 19	17,2	16,7

3	Siqilishga mustahkamligi 50 °C, da	MPa	0,7	1,2	1,8
4	Siqilishga mustahkamligi 20 °C, da	MPa	2,5	2,4	6,0
5	Siqilishga mustahkamligi 0 °C, da	MPa	3,0-6,5	3,2	4,2
6	Suvga chidamlilik	-	0,75	0,79	0,83
7	O'rtacha zichlik	g/cm ³	-	2,35	2,35

Xulosa

So'nggi vaqtlarda avtomobilizatsiya darajasi ayniqsa og'ir yuk transport vositalari soni keskin oshib, ulardan asfaltbeton qoplamalarga tushadigan yuklamalar miqdori va ta'sir etish vaqti ortib, asfaltbeton qoplamalarda turli defarmatsion buzilishlar va yoriqlar paydo bo'lmoqda.

- Asfaltbeton qoplamada hosil bo'lgan deformatsiyalarni tahlil qilib taxminiy tezligi 70 km/soat bo'lgan yuk mashinasini boshqarishda qoplamaning yuklanish tezligi 10-40 [MPa/s] ga, ta'sir etuvchi impuls vaqti esa o'rtacha 0,1-0,2s ekanligi aniqlangani bunga yaqqol misol bo'la oladi.

- Shularni hisobga olgan holda, biz tadqiqot ishimiz doirasida bitum tarkibini boyitib uning sifat ko'rsatkichlarini ayniqsa yuqori haroratda cho'ziluvchanligini va sovuq bardoshligini oshirdik. Bu orqali issiq va sovuq iqlim ta'siriga chidami asfaltbeton yaratish imkoniga ega bo'ldik.

- Asfaltbeton tayyorlash jarayonida esa unga qo'shimcha sirt faol material (polimer va selluloza) qo'shish orqali uning siqilishga mustahkamligini oddiy asfaltbetonga qaraganda 3 barobar mustahkamroq modifikatsiyalangan asfaltbeton olishga erishdik.

Bularni amaliyotda qo'llash orqali issiq va sovuq iqlim ta'siriga chidamli hamda og'ir yuk transport vositalaridan tushadigan yuklamalarga chidamli mustahkam asfaltbetonli avtomobil yo'llarini qurishimiz hamda bu orqali uning xizmat qilish muddatini oshirishimiz mumkin bo'ladi.

ADABIYOTLAR

1. Ablakulov A., Jamolov S. IMPROVING THE QUALITY OF BITUMEN USED ON ROADS. LITERATURE REVIEW. Издательский центр "ИУСЭР" Экономика и социум, ISSN 2225-1545. №5(108) май 2023

2. Стрижевский А.М. Напряженно-деформированное состояние нежесткой дорожной одежды при воздействии кратковременных нагрузок. Труды ГипродорИ. – М., 2002. – С. 71 – 78.

3. Малофеев А.Г. Исследование динамического воздействия автомобиля на нежесткие дорожные одежды в процессе эксплуатации дорог дис.д.тех.наук– Омск, 2008. – 251 с

4. Ablakulov A., Jamolov S., Ablullaev X. "Improve asphalt concrete's physical and mechanical characteristics", Scientific article, « IInd International Scientific Scopus Conference "Modern Materials Science: Topical Issues, Achievements and Innovations" (ISCMSTIAI-2023) » March 15-16, 2023, Tashkent, Uzbekistan

5. Смирнов А. В. Теоретические и экспериментальные исследования работоспособности нежестких дорожных одежд: дис. д-ра тех. наук: 05.23.05 / А. В. Смирнов. – Омск, 2009. – 376 с

6. Shaw P. S. Stress-Strain Relationships for Granular Materials under Repeated

Loading. / P. S. Shaw. – PhD Thesis. Department of Civil Engineering. University of Nottingham, 2014. – p.120.

7. Giovanni Polacco, Sara Filippi, Filippo Merusi, “A review of the fundamentals of polymer-modified asphalts: Asphalt/polymer interactions and principles of compatibility”. Volume 224, October 2015, Pages 72-112.

8. Ablakulov A., Jamolov S. IMPROVING THE QUALITY OF THE ROAD CONSTRUCTION MATERIALS BY MODIFYING WITH ADDITIVES TO EXTERNAL INFLUENCES. “Mashinasozlik va muhandislik ta’limi muammolari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya, Andijon mashinasozlik instituti. 8-iyun, 2023-yil.

9. Ablakulov A., Jamolov S. USING THE NEW MATERIAL TO ENHANCING ASPHALT CONCRETE’S RHEOLOGIC CHARACTERISTICS. “Mashinasozlik va muhandislik ta’limi muammolari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya, Andijon mashinasozlik instituti. 8-iyun, 2023-yil.

10. ГОСТ-12801-98, Материали на основе органических вяжущих для дорожного и аэродромного строительства, методы испытаний

11. ГОСТ 31015-2002 (смеси асфалтобетонные и асфалтобетон тшебеночно-мастичные.)

12. ГОСТ 9128-2013 - смеси асфалтобетонные, полимерасфалтобетонные, асфалтобетон, полимерасфалтбето

13. Кўчқоров, С. К., Эксанова, С. Ш., Туйчиева М. В. (2022). ТЕКИСЛАГИЧГА БЕРИЛАДИГАН ТИК БОСИМ КУЧИНИ ВА УНИНГ ИШ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШ. БАРКАРОРЛИК ВА ЕТАКЧИ ТАДКИКОТЛАР ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ , 488-494.

14. Меликулов, Н., & Кучқоров, С. К. (2022). Одновременное действие изгиба и сжатия в пластинах, подкрепленных по контуру упругими тонкостенными стержнями. *Механика и технология*, 3(8), 64-69.

15. Xolmirzaev, J. Z., Kuchkorov, S. K., & Eksanova, S. SH.(2020). Udarno-Vrascatel’naaya Dinamicheskaya Model’ Rabochego Organa Ochistitelya Xlopka. *Kontseptsii I Modeli Ustoychivogo Innovatsionnogo Razvitiya*, 137.

16. Боқижонович, И. Қ., Каримжонович, Қ. С., Абдуназаров, Э. Э., & Ортиқов, Н. Б. Ў. (2022). Анор тупларини кўмадиган машина уюмлагичининг конструкцияси. *Механика и технология*, 3(8), 98-102.

UDK: 678

АВТОМОБИЛ YO‘LLARIDA TIRBANDLIKLARNI HOSIL BO‘LISH SABABLARI VA UNI BARTARAF ETISH CHORALARI

Muxtorov Muzaffar Zafarjon o‘g‘li
NamMQI, o‘qituvchisi, Muza5352@gmail.com, +998972503707

Mahmudov Sanjarbek Toxirjon o‘g‘li
NamMQI, stajyor-o‘qituvchi, msanjarbek1003@gmail.com, Tel.+998999774742

Annotatsiya: Ushbu maqolada hozirgi kunda mamlakatimizdagi mavjud transport vositalar, ular sonini ortishi, barcha davlat va xususiy tashkilotlar hududida, markaziy shoh ko‘cha hududida joylashgan bozorlar, savdo komplekslarining o‘z avtoturargohlari mavjud emasligi, buning natijasida esa ular atrofida transport vositalarni noqonuniy to‘xtab turishi,

yo‘lning chetki qatnov qismi (polasasi) band bo‘lib qolishi, respublikamiz tumanlaridan markazlarga qatnovchi yo‘lovchi tashuvchi transport vositalari uchun avtoshoh bekatlarning mavjud emasligi natijasida vujudga kelayotgan tirbandliklar va ularni bartaraf etish to‘g‘risida yoritib o‘tilgan.

Annotation: This article talks about the currently existing means of transport in our country, the increase in their number, markets located on the territory of all public and private organizations, on the territory of central streets, the lack of their own parking lots of shopping complexes, resulting in illegal parking of vehicles around them, traffic jams that arise as a result of skidding of the roadway, lack of parking for passenger vehicles traveling from the regions of the republic to the centers, and their elimination are highlighted.

Аннотация: В данной статье говорится о существующем в настоящее время транспортном средстве в нашей стране, увеличении их количества, рынки, расположенные на территории всех государственных и частных организаций, на территории центральных улиц, отсутствие собственных парковок торговых комплексов, в результате чего незаконная стоянка транспортных средств вокруг них, освещены пробки, возникающие в результате заноса проезжей части, отсутствия автостоянки для пассажирских транспортных средств, следующих из районов республики в центры, и их устранения

Kalit so‘zlar: tirbandlik, avtoturargoh, avtoshoh bekat, yo‘lning chetki tasmasi, chorraha, bekat, shoh ko‘cha, piyodalar o‘tish joyi, transport tizimi, yuklama, deformatsiya, ta‘mirlash, tig‘iz vaqt.

Key words: traffic, parking lot, bus stop, shoulder, intersection, station, branch street, pedestrian crossing, transport system, loading, deformation, repair, rush hour.

Ключевые слова: движение транспорта, автостоянка, остановка, обочина, перекрёсток, станция, ответвление, пешеходный переход, транспортная система, погрузка, деформация, ремонт, час пик.

Kirish. Hozirgi kunda yurtimiz barcha hududlarining qiyofasi yangilanib, chiroyi ortib bormoqda. Ko‘p qavatli imoratlar, keng va ravon ko‘chalarning arxitekturasi bir-birini to‘ldirib uyg‘unlikni hosil qilmoqda. Kechalari esa yo‘llarni va ko‘chalarni yorituvchi chiroqlar transport vositalari harakati uchun katta yordamchi, mayoq vazifasini bajaryapti. Shahar aholisiga xizmat ko‘rsatuvchi, yo‘lovchi tashuvchi transportlarning yangi rusumlari, ayniqsa elektrobus larni yurtimizga kirib kelishi insonlarning davlatdan minnatdorlik tuyg‘usini yuz-ko‘zlarida namoyon bo‘layotganligi anglatib turibdi. Prezidentimizni Samarqandga tashriflari chog‘ida quruvchi va hokimlarga bir gapni takidlaganliklari ya‘ni “yo‘lni kengaytirish bilan tirbandliklarni oldi olinmaydi, buning uchun yo‘lovchi tashuvchi transport tizimini to‘g‘ri yo‘lga qo‘yishimiz” kerak degan edilar. Asta sekinlik bilan bu tizim barcha viloyat va tumanlarimizda izga tushib kelmoqda.

“Avtomobil yo‘llari sohasida ochiqlik standartlarini joriy etish va sohada jamoatchilik nazoratini kuchaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Hukumat qarori (49-son, 02.02.2022 y.) qabul qilindi. Unga ko‘ra 2023-yildan boshlab va keyinchalik har yili keyingi yilda qurilishi, rekonstruksiya qilinishi, ta‘mirlanishi nazarda tutilgan barcha toifadagi yo‘l uchastkalarini xaritaga joylashtirish amaliyoti yo‘lga qo‘yiladi.

Qarorga ko‘ra, “Ochiq byudjet” axborot portali orqali tuman (shahar)lar byudjetlari parametrlarida hududiy ichki yo‘llarini ta‘mirlash uchun ajratilgan mablag‘lar jamoatchilik fikri asosida shakllangan ichki xo‘jalik yo‘llarni ta‘mirlashga yo‘naltiriladi. Bundan ko‘rinib turibdiki barchasini xalqimizning o‘zi amalga oshiradi.

Asosiy qism. Rivojlangan davlatlarda xususan Istanbul shahri ko‘chalariga e‘tibor bersak, faqat metrobus va tramvay qatnaydigan, alohida yo‘lak tashkil qilingan.



1-rasm. Tramvay ko'chalari




2-rasm. Tramvay yo'laklari

Tor ko'cha va yo'lda esa avtomobillar harakatlanayotganiga guvoh bo'lishimiz mumkin. Ko'pchilik kabi biz ham katta shaharlarda avtomobil yo'llari kengaytirilsa, tirbandlikning oldi olinadi, deb o'ylaymiz [1].


Yirik megapolis – Istanbulda esa vaziyat boshqacha. Yo'llar O'zbekistondagi yo'llar bilan taqqoslaganda ancha tor, qatorlar soni kam. Bu yerdagi asosiy urg'u yo'llarning qanchalik keng yoki torligida emas, balki transportlar harakati tizimini to'g'ri yo'lga qo'yilganligida. Ya'ni qancha yo'l keng bo'lsa transportlar soni otib boraveradi.

O'zbekistonda yo'l tasmalari kengligi kamida 3,5 metr deb belgilangan. Lekin zamonaviy me'yorlarga asosan, yo'l tasmalari kengligini 3 metr qilish bo'yicha tajribalar o'tkazaymiz. Masalan, Toshkent shahridagi Farg'ona yo'lida shu tajriba qo'llangan. Nima uchun yo'l tasmalari kengligi qisqartirildi? Sababi, eng katta transport vositasining kengligi 2.25 metrga to'g'ri keladi. Demak, 3 metr tasma ichida harakatlanish ularga muammo tug'dirmaydi. Agarda yo'llarni kengaytirish ishi amalga oshiriladigan bo'lsa, yo'l poyining eni 30-40 m qilib qurilsa yo'lni kesib o'tuvchi piyodalarni yo'lni kesib o'tishda ko'p vaqt sarflashlari mumkin [2]. Ya'ni svetaforlarni belgilangan vaqt oralig'ida transport vositalarini harakatini bir muddat to'xtatib turishi piyodalar yo'lni kesib o'tishi uchun ketadigan vaqt miqdorini oshirib yuboradi. Ko'plab boshqa rivojlangan davlatlar ko'cha va yo'llarining kengligi ham uncha katta emas. Transport harakati tizimi to'g'ri yo'lga qo'yilgani eng to'g'ri yechimlardan hisoblanadi.

Yana bir jihatga e'tiborimizni qaratamiz mamlakatimiz hududidagi korxonalar va tashkilotlarning o'z hovlisi ichida ishchilarning transport vositalarini qo'yish uchun avtoturargohlar mavjud emas. Masalan davlat tashkilotlari maktab, bog'cha, shifoxonalar, oliy o'quv yurtlari, banklar, mahalliy bozorlar, savdo komplekslari ichki hovlisida, kelgan transport vositalarini qabul qilib oluvchi avtoturargohlar deyarli mavjud emas, borlarining ham sig'imi yyetarlik darajada emas.[3] Buning natijasida biz sanab o'tgan barcha davlat va xususiy tashkilotlar atrofida o'tgan yo'llarda chetki qatnov qimiga transport vositalarini uzoq muddat qoldirish holatlari ortib bormoqda.



3-rasm. To'xtab turish qoidalarini buzish



4-rasm. To'xtab turish qoidalarini qo'pol buzish

Bu esa anashu hududlarda harakat qilayotgan transport vositalarini tirbandliklar hosil bo‘lishiga olib keladi [4].

Yana bir jihatga e‘tiborimizni qaratishim kerak, yurtimiz viloyatlari tumanlarimizdan kelayotgan yo‘lovchilarni qabul qiluvchi va chiqarib yuboruvchi avtoshoh bekatlar deyarli mavjud emas. Misol uchun olib qaraydigan bo‘lsak Namangan viloyatida 13 ta tuman mavjud. Asosan shahar tashqarisida joylashgan tumanlardan markazlarga keluvchi yo‘lovchi tashuvchi transport vositalari shahar ichiga kirganda yo‘lovchilarni tushirish va chiqarish holatlari asosan yo‘llar yoqasida amalga oshiriladi [5]. Ularni qabul qilib oluvchi shoh bekatlar mavjud emas. Buning natijasida yo‘l chetida yo‘lovchilarni transportga chiqarish va tushurishda harakatdagi boshqa transportlarga salbiy ta‘sir ko‘rsatadi. Transportlarni yig‘ilib qolish holatlari, transport hodisalarini ko‘payishi anashu kichik sabablarning tufayli.



5-rasm. Jamoat transportlari

2022-yil 1-yanvar holatiga O‘zbekistonda jismoniy shaxslarga tegishli bo‘lgan jami yengil avtomobillar soni 3 051 734 tani tashkil etgan. Namangan viloyatida yengil avtomobillar soni 196821 tani tashkil qiladi [6]. Avval aytganimizdek tirbandliklar hosil bo‘lishi transport vositalari sonini keskin ortib ketishida. Hozirda mavjud shaharlarimiz hududidagi ko‘cha va yo‘llar bu yuklamalarni sig‘dirish qobiliyatiga ega emas. Faqatgina jamoat transportlar sonini ko‘paytirish va yo‘lovchi tashuvchi transport tizimini to‘g‘ri yo‘lga qo‘yish [7].

Xulosa. Shahar ko‘cha va yo‘llarida jamoat transportlar sonini ko‘paytirish va uzluksiz harakatini ta‘minlash natijasida yo‘llarda shaxsiy transport vositasidan foydalanish qisman kamayadi. Buning natijasida yuzaga kelayotgan tirbandliklar kamayadi, shahar ekologiya va shovqin darajasi kamayishiga erishiladi. Avtoturargohlar sonini oshirish, maydonini kengaytirish, ko‘p qavatli avtoturargohlarni barpo etish ham tirbandliklarni yuzaga kelmasligida asosiy o‘rinni egallaydi.

ADABIYOTLAR

1. Mamajonov Murodjon, Makhmudov Sanjarbek, Axmedov Rahmonjon. Credo kompleks dasturida avtomobil yo‘llarini avtomatlashgan loyihalash. *uzacademia scientific-methodical journal republican number 3 on the subject Increasing the innovative activity of youth, improving the spirituality and achievements in sciencel collection of materials august 31, 2020 part 12 pages 39-41 //ISSN (E)–2181–1334.–2020.*

2. Mahmudov S. T. REDUCTION OF CROPS ARE INCREASED BY INCREASING THE CONSTRUCTION OF ROADS //Экономика и социум. – 2022. – №. 3-1 (94). – С. 68-73.

3. Mahmudov Sanjarbek Toxirjon o‘g‘li AVTOMOBIL YO‘LLARINI QURISHDA ATROF-MUHITNI MUHOFAZALASH //Механика va texnologiya. 2021-yil.

4. Tokhirjon o'g'li M. S. FORMATION AND REPAIR OF ROADS FORMATION OF ELECTRONIC BASE//YOUTH, SCIENCE, EDUCATION: TOPICAL ISSUES, ACHIEVEMENTS AND INNOVATIONS. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 120-125.
5. Qo'ysinaliyev N. Z. O. G., Muxiddinov S. Z. O. G. AVTOMOBIL YO'LLARIDA SEMENTBETON QOPLAMALARINING AFZALLIGI //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 10. – С. 356-362.
6. Hidoyatillayevich X.A. et al. Yo'l to'shamalarida paydo bo'ladigan deformatsiyalarni o'rganish va uni yechimlari //Механика и технология. – 2022. – Т. 4. – №. 9. – С. 198-204.
7. MS Toxirjon o'g'li, RD Ilxomjon o'g'li - AMERICAN JOURNAL OF SCIENCE AND LEARNING ..., 2023.
8. Toxirjon o'g'li M. S., Ilxomjon o'g'li R. D. Problems Arising in the Water Drainage System of Automobile Roads and the Use of Modern Methods for Their Elimination //AMERICAN JOURNAL OF SCIENCE AND LEARNING FOR DEVELOPMENT. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 50-52.
9. Toxirjon o'g'li M. S. AVTOMOBIL YO'LLARIDA ZAMONAVIY SUV QOCHIRISH TIZIMIDAN FOYDALANISH //IQRO. – 2023. – Т. 3. – №. 1. – С. 436-439.
10. Nosirjon S., Qo'ysinaliyev Nuriddin M. I., Sirojiddin M. Research of methods of repair of cement concrete pavels. – 2020.
11. Saydazimov N. et al. IMPROVING THE ELASTICITY OF CEMENT-CONCRETE ROADS //Теория и практика современной науки. – 2020. – №. 11 (65). – С. 6-10.
12. Кўчкоров, С. К., Эксанова, С. Ш., Туйчиева М. В. (2022). ТЕКИСЛАГИЧГА БЕРИЛАДИГАН ТИК БОСИМ КУЧЕНИ ВА УНИНГ ИШ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШ. БАРКАРОРЛИК ВА ЕТАКЧИ ТАДКИКОТЛАР ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ , 488-494.
13. Меликулов, Н., & Кучкоров, С. К. (2022). Одновременное действие изгиба и сжатия в пластинах, подкрепленных по контуру упругими тонкостенными стержнями. *Механика и технология*, 3(8), 64-69.
14. Holmirzaev, J. Z., Kuchkorov, S. K., & Eksanova, S. SH.(2020). Udarno-Vrascatel'naya Dinamicheskaya Model' Rabocheho Organa Ochistitelya Xlopka. *Kontseptsii I Modeli Ustoychivogo Innovatsionnogo Razvitiya*, 137.
15. Боқижонович, И. Қ., Каримжонович, Қ. С., Абдуназаров, Э. Э., & Ортиқов, Н. Б. Ў. (2022). Анор тупларини кўмадиган машина уюмлагичининг конструкцияси. *Механика и технология*, 3(8), 98-102.

УДК 661.862.522:006.354

АЛЮМОСИЛИКАТЛАРГА ТЕРМИК ИШЛОВ БЕРИШ ВА ХЛОРИД КИСЛОТАЛИ ПАРЧАЛАШ ЖАРАЁНИНИ ЎРГАНИШ

Шамшидинов Исраилжон Турғунович
НамМҚИ, т.ф.д, профессор, +998981501661, israiljon2010@mail.ru

Мамаджанов Зокир Нематжанович
НамМҚИ, PhD, доцент, +998913512155, Zokirjon.Mamadjanov.79@mail.ru

Аннотация. Мақолада Говасой гилларидан коагулянт-алюминий сульфат олиш технологияси ишлаб чиқиш мақсад қилинган. Концентрланган хлорид кислота билан алюмосиликат гилларини парчаланиш жараёни ўрганилган ва махсулот олишнинг технологик схемаси ишлаб чиқилган.

Аннотация. С целью разработки технологии получения коагулянта - сульфата алюминия из Гавасайской глины изучено разложение алюмосиликатной глины, предварительно увлажненной концентрированной соляной кислотой, и разработана технологическая схема получения продукта.

Abstract: In order to develop a technology for producing a coagulant - aluminum sulfate from Gavasai clay, the decomposition of aluminosilicate clay, pre-moistened with concentrated hydrochloric acid, was studied, and a technological scheme for obtaining the product was developed.

Калит сўзлар: алюмосиликатлар, каолин, бентонит, глинозем, глинозем, коагулянт, сульфат алюминия, темир (III), сув тайёрлаш, қоғоз ишлаб чиқариш, алюмосиликатларни хлорид кислотали қайта ишлаш.

Ключевые слова: алюмосиликаты, каолин, бентонит, глинозем, глинозем, коагулянт, сульфат алюминия, железо (III), водоподготовка, производство бумаги, солянокислотная переработка алюмосиликатов.

Keywords: aluminum silicates, kaolin, bentonite, alumina, alumina, coagulant, aluminum sulphate, iron (III), water treatment, paper manufacture, hydrochloric acid processing of aluminosilicates.

КИРИШ

Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда мономинерал гиллар гуруҳига кирувчи каолинит, монтмориллонит ва аллофанга бўлинган алюмосиликатлар кенг тарқалган. Алюмосиликатлар таркибидаги компонентлар тури ва миқдорига боғлиқ ҳолда турли хилдаги саноат ва халқ хўжалиги махсулотларини ишлаб чиқаришда хомашё сифатида ишлатилади[1,2,3].

Алюмосиликатларга кислотали, хусусан, сульфат кислотали ишлов бериш орқали улардан сув тозалаш, қоғоз ва бошқа корхоналарда коагулянт сифатида ишлатиладиган алюминий сульфат олинади [4,5,6].

Бундай жараён учун таркибида темир бирикмалари (айникса, Fe^{2+}) бирикмалари кам бўлган, асосий кимпонент алюминий оксидга бой бўлган алюмосиликатлар талаб этилади[7].

Таркибида темир бирикмалари кўп бўлган, шу билан бир қаторда бошқа ишлаб чиқариш тармоқларининг муҳим хомашёси ҳисобланган компонентлари (масалан, калий бирикмалари қишлоқ хўжалиги учун энг керакли минерал ўғит ҳисобланади) бўлган

алюминий оксид бўйича камбағал алюмосиликатларни қайта ишлаш ва уларни самарали маҳсулотларга айлантириш муҳим аҳамият касб этади [8].

АСОСИЙ ҚИСМ

Наманган вилояти худудиди таркиби ва хоссалари жиҳатдан хилма-хил бўлган алюмосиликатлар мавжудлиги, уларнинг хоссалари, захираси ва фойдаданиш имкониятлари батафсил ўрганилган ва ўрганиш давом этмоқда. Бундай хомашёларни қайта ишлаш орқали халқ хўжалиги учун самарали маҳсулотларга айлантириш устида ишлаш бугунги етишиб чиқаётган кимёгар ва кимёгар-технологларнинг олдида турган муҳим вазифалардан биридир [9,10,11,12,13].


Шу мақсадда илмий-тадқиқот ишни бажаришда Ғовасой алюмосиликат гилларини хлорид кислотали қайта ишлаш жараёнини ўргандик. Бунинг учун таркибида, оғирлик % ҳисобида: $Al_2O_3 = 19,56$; $SiO_2 = 61,35$; $Fe_2O_3 = 2,70$; $FeO = 1,87$; $K_2O = 4,21$; $MgO = 1,46$; $TiO_2 = 1,29$; $CaO = 0,02$ ва бошқалар бўлган гилдан фойдаландик. Гил яхшилаб майдаланди. Дастлаб унга термик ишлов бериш жараёни ўрганилди. Хомашёга термик ишлов бериш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ғовасой гилига термик ишлов бериш технологик кўрсаткичлари ва унинг кимёвий таркиби (бошланғич хомашё 100 грамм)

Куйдириш харорати, °C	Куйдириш вақти, минут	Массанинг камайиши		Куйдирилган гилнинг кимёвий таркиби, %							
		г	%	Al_2O_3	Fe_2O_3	FeO	SiO_2	K_2O	TiO_2	MgO	
400	60	2,18	2,18	20,00	2,76	1,91	62,71	4,30	1,31	1,39	
400	120	2,64	2,64	20,09	2,77	1,92	63,01	4,32	1,32	1,40	
500	60	3,36	3,36	20,24	2,79	1,94	63,48	4,36	1,34	1,41	
500	120	3,70	3,70	20,31	2,80	1,94	63,71	4,38	1,34	1,41	
600	60	4,16	4,16	20,41	2,82	1,95	64,01	4,38	1,34	1,41	
700	60	4,24	4,24	20,43	2,82	1,95	64,07	4,40	1,35	1,42	
800	60	4,24	4,24	20,43	2,82	1,95	64,07	4,40	1,35	1,42	

Гил куйдирилганда унинг таркибидаги каолинит юқори актив бўлган метакаолинитга айланади:



Ҳосил бўлган метакаолинитга кислотали ишлов берилганда осонлик билан парчаланиб тегишли тузларга айланади.

Гилга термик ишлов бериш натижасида ҳосил бўладиган учувчан фракция 4% гача боришини кузатиш мумкин. Одатдаги таркиби жиҳатдан алюминий оксидга бой алюмосиликатларга термик ишлов берилганда учувчан фракция 10-12% гача етиши кузатилган. Демак, Ғовасой гилининг таркибидаги SiO_2 нинг асосий қисми эркин ҳолатдаги кремнезем тарзида бўлади. Эркин ҳолатдаги кремнеземни гидробойитиш усули билан хомашё таркибидан ажратиб ташлаш ва хомашё асосий компонентларининг микдорини ошириш мумкин.

Термик ишлов берилган Ғовасой гилини хлорид кислотали парчаланиш жараёни ўрганилди. Бунинг учун 25% ли хлорид кислота ва 30,91% ли сульфат кислота эритмаларидан фойдаланилди. Жараённинг асосий технологик кўрсаткичи сифатида кислотанинг хомашёга стехиометрик меъёри ва кислота концентрациясининг парчаланиш жараёнида маҳсулот сифатида олинадиган коагулянт – алюминий сульфат таркибидаги Al_2O_3 ва чўктириш, филтрлаш ва ювиш натижасида олинадиган шлам таркибидаги Fe_2O_3

лар унумига боғлиқлиги олинди (2-жадвал).

Хлорид кислота эритмасида олдиндан куйдирилган гил суёқ фазанинг қаттиқ фазага нисбати (С:К) 2,9:1 бўлган шароитда 80°C хароратда 1 соат давомида парчаланеди.

НАТИЖА

Гилдаги компонентларнинг хлорид кислота эритмасида парчаланишидан тегишли металлларнинг хлоридлари ҳосил бўлади. Гилдаги компонентларга нисбатан бериладиган хлорид кислота стехиометрик меъёри 100% ни ташкил этганда эритмадаги хлорид кислота концентрациясининг (10% дан 25% гача) ортиши билан темир бирикмалари бўйича унум 42,2 дан 59,3% гача, алюминий бирикмалари бўйича унум эса 47,5 дан 83,0% гача ортиши кузатилади. 20% ли хлорид кислота эритмасида парчаланиш жараёнида кислотанинг стехиометрик меъёри 90% гача камайтирилганда алюминий бўйича унум 72,9% гача, темир бўйича унум эса 40,5% гача пасаяди. Худди шу шароитда кислотанинг стехиометрик меъёри 105% га оширилганда алюминий бўйича (83,9%) ва темир (57,8%) бўйича унумлар сезиларли даражада ошиши кузатилмайди. Тажриба натижалари алюмосиликат гилларининг хлорид кислотали парчаланиш жараёнида оптимал концентрация 20%, гилга нисбатан кислотанинг стехиометрик меъёри 100% бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Парчаланиш жараёнида ҳосил қилинган бўтқа филтрланади. Филтрлашдан ажратиб олинган шлам сув билан ювилади ва қурилади. Ундан қурилиш материаллари олишда ва бошқа мақсадларда фойдаланилиши мумкин.


Филтрлаш жараёнидан олинган филтрат таркибидаги хлоридларни сульфатли тузларга айлантириш мақсадида олдиндан сульфат кислота эритмаси билан ювиш орқали сульфат ионларига тўйинтирилган анионитдан ўтказилади. Бунинг натижасида ҳосил қилинган эритма таркибидаги ортиқча кислотани нейтраллаш ва темир бирикмаларини чўктириш мақсадида эритма бўр билан pH = 4,5÷5 гача нейтралланди. Нейтраллаш жараёнида темирнинг 90-95% қисми, алюминийнинг 4-6% қисми чўқади.

2-жадвал

Маҳаллий алюмосиликат гилларини хлорид кислота билан қайта ишлаш технологик параметрлари ва оралик эритмалар ҳамда маҳсулотларнинг кимёвий таркиби (Наманган вилояти, Чуст тумани, Ғовасой гиллари)

Кислота-нинг хомашёга нисбатан стехиометрик меъёри, %	НСI эритмасининг концентрацияси, %	С:К нисбати	Бўтқанинг сувда эрийдиган кимпонентлари таркиби, %						Унум, %	
			Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	FeO	K ₂ O	TiO ₂	MgO	Al ₂ O ₃ бўйича	Fe ₂ O ₃ бўйича
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
100	10	5,2:1	1,62	0,19	0,06	0,04	-	0,05	47,5	42,2
100	15	3,5:1	3,41	0,31	0,09	0,06	-	0,08	71,8	49,2
100	20	2,6:1	4,85	0,43	0,13	0,07	0,01	0,12	82,3	55,1
100	25	2,1:1	5,73	0,54	0,15	0,08	0,01	0,14	83,0	59,3
90	20	2,4:1	4,45	0,34	0,14	-	-	0,13	72,9	40,5
105	20	2,75:1	4,58	0,59	0,12	0,08	-	0,11	83,9	57,8

Нейтраллашга бериладиган бўр олдинда CO_2 билан тўйинтирилади. Бунинг натижасида бўрдаги CaCO_3 эритмага ўтади, темир, алюминий бирикмалари чўкади:



Эритма қисми нейтраллаш жараёнида ишлатилади, чўкма қисмини алюмосиликатларни кислотали парчалаш жараёнига берилиши мумкин.

Анионитдан ўтган эритмадаги темир бирикмаларининг шлам таркибига ўтказиш куйидагича содир бўлади:



Шламдаги темирни кислотали ишлов бериш орқали ажратиб олиниши ёки шламдан қора металлургияда флюсга қўшиб тўғридан-тўғри фойдаланилиши мумкин.

Нейтралланиш жараёнида эритма рН қийматининг 5 дан ортиши алюминий чўкишининг ортишига, бу эса маҳсулот унумини камайишига олиб келади. Аксинча рН қийматининг 4 дан камайиши эритмада кўп миқдордаги темир қолишига, бу эса маҳсулот таркибида темир миқдорининг ортишига олиб келади.


Говасой гилини хлорид кислотали қайта ишлашнинг принципиал схемаси ва жараённинг моддий баланси 1-расмда тасвирланган.

Алюмосиликат гилини кислотали қайта ишлаш амалга ошириладиган реакторга 2,23 т 25% ли хлорид кислота эритмаси, 1 т гилни 600°C хароратда куйдирилишидан ҳосил қилинган 0,96 т бошланғич хомашё ва реактордаги С:К ни 2,90:1 нисбатда ушлаб туриш учун юборилган 0,63 айланма эрималар ҳам келиб тушади. Реакторда парчаланиш жараёни 80°C хароратда 1 соат давом эттирилади. Бу пайтда реактордан чиқадиган 0,073 т сув буғи ва водород хлориддан иборат аралашма тозалаш қурилмасига юборилади ва зарарсизлантирилган ҳолда атмосферага чиқарилади. Реакторда ҳосил қилинган 3,747 т бўтқадан филтрлаш йўли билан 1,014 т чўкма ажратилади, уни 300 кг сув билан ювиш орқали таркибида 20% намлиги бўлган 0,936 т шлам чиқариб юборилади. Уни қурилади ва ундан қурилиш материали сифатида ёки бошқа мақсадларда фойдаланилиши мумкин. Филтрат эса йиғгичга узатилади (1-филтрат).

Бўтқани филтрлашдан ҳосил қилинган 2,733 т филтрат 30,91% ли 2,421 т сульфат кислота эритмаси ўтказиш орқали сульфат ионлари билан тўйинтирилган анионитдан ўтказилади. Натижада таркибида алюминий ва темир сульфатлари бўлган 2,924 т эритма олинади ва уни нейтраллагичга берилади. Бу эритмадаги ортикча кислотани нейтраллаш ва темирни чўктириш учун нейтраллагичга таркибида 95% CaCO_3 бўлган 0,302 т бўр ва карбонат ангидрид берилади. Нейтралланиш жараёнида 0,19 т CO_2 ва буғ ажралиб чиқади ҳамда 3,036 т суспензия ҳосил бўлади. Суспензиядан филтрлаш йўли билан 0,68 т шлам ва 2,356 т филтрат ажратилади.

Филтрат йиғгичга узатилади. Йиғгичга шунингдек 0,378 т 1-филтрат ва шламдаги алюминий сульфатни 0,204 т сув билан ювиш орқали ҳосил қилинган 0,252 т эритма ҳам келиб тушади. Йиғгичдаги 0,63 т эритма реакторга узатилади. Ювилган шлам таркибида 14% намлик ва 2,3% атрофида Fe_2O_3 бўлади. Шламни қайта ишлаш орқали темирни ажратиб олиниши мумкин.

Нейтралланган ва филтрдан ўтган 2,356 т филтрат буғлатгичга узатилади. Ундаги 1,28 т сувни буғлатилишидан 1,076 т суюқланма олинади ва у критсталлизаторга узатилади. Қайноқ суюқланмадан 0,032 т буғ ажралиб чиқади ва 1,044 т кристалл ҳолатдаги коагулянт олинади. Коагулянт таркибида 14,4% Al_2O_3 , 0,04% Fe_2O_3 , 0,02% FeO бўлади.



1-расм. Алумосиликат гилларини хлорид кислотали қайта ишлаш усули билан коагулянт ишлаб чиқаришнинг принципиал схемаси

ХУЛОСА

Шундай қилиб, ўтказилган тажрибалар натижаларига асосланган ҳолда таркибида Al_2O_3 миқдори нисбатан кам бўлган ҳамда кислотали ишловда қийин парчаланадиган алумосиликат гилларини хлорид кислотали қайта ишлаш жараёнининг оптимал шароитини қуйидагига белгилаш мумкин: алумосиликат гилини термик ишлов бериш харорати $600^{\circ}C$, хлорид кислота эритмаси концентрацияси 25% HCl, гил таркибидаги катионларга нисбатан бериладиган хлорид кислотаси стехиометрик меъёри 100%, парчаланаш харорати $80^{\circ}C$ ва парчаланаш вақти 1 соат. Натижада алумосиликат гили

таркибидаги алюминийнинг 82% ва темирнинг эса 55% микдорини эритмага ўтказилади. Ҳосил қилинган эритмани ионингли усул билан сульфатлаштириш, уни нейтраллаш ва темир бирикмаларини чўктириш йўли билан амалдаги фойдаланилаётган коагулянтлар ДАСТ (ГОСТ) ига мувофиқ келадиган алюминий сульфат тузи олиниши мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Mamadzhанov Z.N. Study of the processes of sulfuric acid processing of local aluminosilicates and obtaining coagulants based on them: Doctor of Philosophy dissertation in technical sciences. – Tashkent, 2018. – 120 p.
2. Dybina P.V. Technology of mineral salts. - М.: Goshimizdat, 1949. - S. 224.
3. Shamshidiov I.T., Mamadaliev A.T., Mamadjanov Z.N. Optimization of the process of decomposition of aluminosilicate of clays with sulfuric acid (Optimization of the decomposition of aluminosilicate clays with sulfuric acid)// «East West» Association for Advanced Studies and Higher Education GmbH. - Vienna (Austria): The First International Conference on Eurasian scientific development, 2014, 11th April. - P. 269-275.
4. Mamadzhанov Z.N., Shamshidinov I.T. Study of the process of aluminum leaching from kaolin clays of the Angren deposit // Universum: technical sciences: electron. scientific. Journal. 2018. - No. 3 (48). - S. 33-36.
5. Kenjayev M, Mirzakulov Kh, Mamadjanov Z. Study of the process of ammonization of nitrogen-acid solutions of the leaching of the kaolin clays of the Angren deposit // Chemistry And Chemical Engineering. 2019. – № 1. – С. 2-7.
6. Patent №. IAP 05574 (UZ). Method for obtaining feed precipitate // Shamshidiov I.T., Usmanov I.I., Mamadzhанov Z.N. // Publ. 07.31.2015. Bul. № 7.
7. Шамшидинов И.Т., Мамаджанов З.Н., Мамадалиев А.Т. Изучение коагулирующей способности сульфата алюминия полученного из ангрэнского каолина. // НАУКА XXI ВЕКА: ТЕОРИЯ, ПРАКТИКА, ПЕРСПЕКТИВЫ Сборник статей Международной научно-практической конференции. 2014. – С.48-55.
8. Мамадалиев А.Т., Мамаджанов З.Н. Минерал ўғитлар ва микроэлементли композицияларни сувдаги эритмаси билан қобикланган тукли чигитларни лаборатория-дала шароитида синаш натижалари //Экономика и социум. – 2022. – №. 2. – С. 93.
9. Соддиқов, Ф.Б., Бокижонова, М.И., Мамаджанов, З.Н., & Мирзакулов, Х.Ч. Исследование процесса конверсии растворов насыщенных растворов хлорида натрия из низкосортных сильвинита с углеаммонийными солями. // Universum. *Технические науки: электрон. научн. журн.* . - 2020. -№11. – С. 80.
10. Арисланов А.С. Шамшидинов, И.Т., Мамаджанов, З.Н., Рустамов, И.Т. Способ получения сульфата алюминия из местных бентонитов //International scientific review of the problems of natural sciences and medicine. – 2020. – С. 11-17.
11. I.T. Shamshidinov, Z.N. Mamajanov. Use of low-grade of phosphorites at picking calcium and microelement containing nitrogen-phosphorus fertilizers // - Europäische Fachhochschule, 2014 № 3. – С. 117-119.
12. Арисланов А.С. Шамшидинов, И.Т., Мамаджанов, З.Н. Способ получения сульфата алюминия из местных алюмосиликатов. // Инновационные исследования: теоретические основы и практическое применение. Сборник статей Международной научно-практической конференции. 2020. – С.12-14.
13. Шамшидинов И. Т., Тураев З. Мамажанов З.Н. Технология производства сульфата алюминия из вторичных каолинов в промышленных условиях //Europäische Fachhochschule. – 2015. – №. 6. – С. 87-90.

УДК 661.635.41:661.635.42:661.152.2

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИ АСОСИДАГИ ФОСФАТ
КИСЛОТАНИ ЭКСТРАКЦИЯ ЖАРАЁНИДА КАЛЬЦИЙ КАРБОНАТ БИЛАН
ТОЗАЛАШ ВА УНДАН ФОСФОРЛИ ОДДИЙ ЎҒИТ ОЛИШ**

Шамшидинов Исраилжон Тургунович
НамМҚИ, профессори, т.ф.д. israiljon2010@mail.ru, +99(898)1501661
Қодирова Гулноза Қодиржонова
НамМҚИ, доцент, PhD, guli5067@mail.ru, +99(897)2551706

Нишонов Аъзамжон Абдуллажонович
НамМҚИ, ўқитувчи, +99(893)911 0926, azamjon1014@gmail.com

Нажмиддинов Рихситилла Юнусали ўғли
НамМҚИ, докторанти, najmiddinov9191@gmail.com, +99(894)1505891

Аннотация. Ишда Марказий Қизилқум фосфоритларидан фосфат кислотани экстракциялаш жараёнида кальций карбонат билан фтор ва сульфат қўшимчаларидан тозалаш, тозаланган кислотани кальций карбонат билан нейтраллаш орқали таркибида кальций ва магний карбонатлари бўлган юкори сифатли фосфорли оддий ўғит олиш жараёнлари келтирилган.

Аннотация. В работе приведен процесс очистки фосфорной кислоты на основе фосфоритов Центральных Кызылкумов от примесей фтора и сульфатов в процессе экстракции карбонатом кальция и получения одинарного фосфорного удобрения путем нейтрализации очищенной кислоты карбонатом кальция.

Abstract. The work describes the processes of purification of phosphoric acid based on phosphorites of the Central Kyzylkum from impurities of fluorine and sulfates in the process of extraction with calcium carbonate and the production of single phosphorus fertilizer by neutralizing the purified acid with calcium carbonate.

Калит сўзлар: фосфат кислота, экстракцион фосфат кислота, ўғит, минерал ўғит, фосфорли ўғит, кальций карбонат, монокальцийфосфат, дикальцийфосфат, қўшалок суперфосфат.

Ключевые слова: фосфорная кислота, экстракционная фосфорная кислота, удобрения, минеральные удобрения, фосфорные удобрения, карбонат кальция, монокальцийфосфат, дикальцийфосфат, двойной суперфосфат.

Key words: phosphoric acid, extraction phosphoric acid, fertilizers, mineral fertilizers, phosphorus fertilizers, calcium carbonate, monocalcium phosphate, dicalcium phosphate, double superphosphate.

КИРИШ.

Фтор бирикмалари теварак атроф-муҳитга катта зарарли таъсир кўрсатади. Тадқиқотлар кўрсатадики, фтор нафақат ўсимликларгагина салбий таъсир кўрсатиб қолмасдан, балки инсонлар ва бошқа тирик организмларда турли хил жиддий касалликлар келтириб чиқаради [1, 2].

Кўпгина ўсимликлар катта миқдордаги фторни ўзлаштириб олиш хусусиятига эга. Масалан, 1 кг миқдоридаги чойда 57 дан 1370 мг гача, пахтада 4500 мг гача фтор ўзлаштирилади [2, 55 с.]. Бунда фтор пахта чигитида тўплангани ва унинг кўп қисми пахта мойи таркибига ўтади. Тадқиқотлар кўрсатадики, тупроққа, жумладан минерал ўғитлар

билан фтор тушганда ҳосилдаги фтор миқдори ҳам ортиб боради [3, С. 10-18]. Азот-фосфор-калийли ўғитлар иштирокида ўсимликларга ўзлашадиган фтор миқдори янада ортиб боради [4, С. 131-136].

АСОСИЙ ҚИСМ.

Тупроққа тушадиган фторнинг асосий манбаи фосфорли ўғитлар ҳисобланади. Масалан, апатит ва фосфоритлар таркибида, мос ҳолда, ўртача 3,0 ва 2,7% фтор бўлади. Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида ишлаб чиқариладиган экстракцион фосфат кислота (ЭФК) таркибида 1,2% атрофида фтор бўлади. Кислотадан ишқорий металллар ёрдамида кремнефторидлар тарзида чўктириш усули катта самара бермайди, чунки ЭФК таркибида кислотада эрийдиган кремний бирикмалари амалда жуда ҳам кам миқдорда бўлади [5, С. 34-40].

Табиий фосфатларни қайта ишлаш жараёнида, улар таркибидаги фтор газ, суюқ (ЭФК) ва қаттиқ (фосфогипс) фазалар орасида тақсимланади. Дигидратли схема бўйича фосфат кислота олишда хомашёдаги (apatит ва фосфорит) 80-85% фтор кислотага ҳамда уни кейинги қайта ишлашда эса ўғитлар таркибига ўтади.

Қишлоқ хўжалигидаги ўғитларга бўлган талабни тўла қондиришда фосфорли, айниқса комплекс ўғитлар ишлаб чиқаришнинг ўсиши тупроқ, ўсимликлар ва сув ҳавзаларининг фтор билан тўйиниш хавфи юзага келади [6, Р. 55]. Атмосфера ва очиқ сув ҳавзаларига тушадиган ҳамда тирик организмлар ва ўсимлик дунёсида тўпланадиган фтор бирикмаларининг салбий таъсири етарлича тўла ўрганилган [3, С. 10-18; 4, С. 131-136; 7, С.42-47].

ЭФКдан фторни кам эрийдиган ишқорий металлларнинг кремнефторид бирикмалари тарзида чўктириш учун натрий ва калий сульфатлари, хлоридлари, фосфатлари, карбонатлари ва гидроксидлари ишлатилади [8, С.191-206]. Бу усуллар юқоридаги тузларнинг ЭФК таркибидаги кремнефторид кислота билан ўзаро кимёвий таъсирлашишига асосланган. Фтордан тозалаш даражаси 90% гача етади. Мазкур усул бўйича Марказий Қизилқум фосфоритларидан олинган ЭФКда фтордан тозалаш даражаси 38-40% дан ортмайди.

Марказий Қизилқум фосфоритлари асосидаги ЭФКни ишқорий металллар тузлари билан тозалаш жараёни адабиётлар манбааларида етарлича келтирилган. ЭФКни даставвал сульфатлардан, сўнгра фтордан бирин-кетин тозалаш ҳам келтириб ўтилади [9, С.2-4]. Марказий Қизилқум фосфоритлари асосидаги ЭФКни натрий сульфати, дигидрофосфати, метасиликати билан фторсизлантириш жараёни муаллифлар томонидан атрофлича ўрганилган ва фторсизланиш даражасини 38-40% дан 80-85% гача ошириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган ҳамда ЭФКни фторсизлантириш технологияси яратилган [10; С. 16-19, 11; С. 8-11; 12; С.41-45].

Фторсизланган ЭФКни Марказий Қизилқумнинг бойитилмаган хомашёси [13, Б.32-39], кальций карбонати ва оксиди, ювиб бойитилган фосфоритлари [14; 156 с., 15-18] билан сульфатсизлантириш бўйича материаллар ҳам мавжуддир. ЭФКни фтор бирикмалари ва сульфатлардан тозалаш йўли билан озучали преципитат олиш усулига патент олинган [19]. Лекин Марказий Қизилқум фосфоритларидан ЭФК олишда экстракцион бўтқани бир пайтнинг ўзида фтор ва сульфатлардан тозалаш бўйича материаллар мавжуд эмас.

Ҳозирги пайтда дунёда фосфатли хомашёларга бўлган талаб йилига 190 млн т ёки 43 млн т P_2O_5 ни ташкил этади. Фосфатли хомашёларга бўлган талаб 2020 йилгача 1,3 млн т ва 2030 йилга қадар эса 2 млн т га ўсиши кутилмоқда. 2050 йилга келиб эса хомашёга талаб фосфатли хомашё бўйича 220 млн т ёки 70 млн т P_2O_5 га етади [20].

Қишлоқ хўжалигининг фосфорли ўғитларга бўлган талабининг ортиши ва фосфатли хомашёларни фосфорли ўғитларга қайта ишлаш натижасида улар захирасининг йилдан-йилга камайиб бориши фосфатли хомашёлар билан бир қаторда бошқа турдаги хомашёларни ҳам фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришга қамраб олиш ҳозирги пайтнинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Фосфорли ўғитлар олишда ҳосил бўладиган экстракцион фосфат кислотани (ЭФК) табиий карбонатли хомашёлар билан нейтраллаш натижасида олинадиган маҳсулот ҳажмини 4-5% га ошириш имкониятини беради.

Бундан ташқари, ишлаб чиқарилаётган фосфорли ўғитлар таркибида кўп миқдорда (4% гача) фтор бўлади. Бу эса ўғитларнинг экологик самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу муносабат билан олинаётган ЭФКни фтордан тозалаш бўйича бир қатор тадқиқотлар ўтказилган. ЭФКни фтордан тозалаш уч хил усул билан амалга оширилади [8, 19]: кислотани буғлатиш йўли билан фторсизлантириш; кислотадаги фтор бирикмаларини сувда эримайдиган бирикмаларга айлантириш ва бу бирикмаларни ЭФКдан ажратиб олиш; кислотадаги фтор бирикмаларини органик реагентлар ёрдамида ажратиб олиш. ЭФКни бу усуллар билан тозалаш қўшимча реагентлар ва ҳажмдор жиҳозларни ҳамда катта миқдордаги капитал ҳаражатларни талаб этади.

Шунинг учун ҳам ЭФКни бир пайтнинг ўзида фтор ва сульфатлардан тозалаш усулларини тадқиқ қилишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур тадқиқот ишининг мақсади экстракцион бўтқани (ЭБ) филтрлашдан олдин кальцийли хомашё – кальций карбонат ёрдамида тозалаш йўли билан экстракцион фосфат кислота таркибидаги фтор ва сульфатлар миқдорини камайтириш ҳамда унинг асосида таркибида кальций ва магний бўлган юқори сифатли фосфорли оддий ўғитлар олиш ҳисобланади.

Бунинг учун таркибида, оғ. % ҳисобида: $P_2O_5 = 26,85$; $CO_2 = 3,14$; $CaO = 52,64$; $MgO = 1,03$; $R_2O_3 = 1,16$; $SO_3 = 2,31$; $F = 3,09$; э.қ. = 1,89 бўлган ювиб куйдирилган фосфат концентрати ишлатилди.

Экстракцион бўтқадан фтор ва сульфатларни чўктириш кальций оксиддан кальций фторид ҳосил бўлиш меъёрига нисбатан 60-150% ва SO_3 ни кальций сульфат тарзида боғлаш меъёрига нисбатан 80-100% ҳисобида кальций карбонат (к.т.) билан амалга оширилди. Фосфат кислотани сульфат кислотали экстракциялаш жараёни дигидратли режимда ўтказилди, ҳосил қилинган экстракцион бўтқани филтрлашдан олдин ундаги фтор ва эркин сульфат кислота кальций карбонат (к.т.) билан чўктирилди.

Тажирибалар ЭИ-943 маркали пўлатдан тайёрланган, химояланган ва электр киздиргич қатламига эга бўлган икки секцияли экстрактордан иборат тўхтовсиз ишлайдиган лаборатория қурилмасида ўтказилди. Қурилмага кислота ва фосфорит уни меъёрлаштиргичлар орқали келиб тушади. Қурилманинг ишчи ҳажми 2,5 литр бўлиб, унумдорлиги фосфатли хомашё бўйича 150 г ни ташкил этади.

Фосфоритни парчалаш сульфат ва айланма фосфат кислота билан дигидратли режимда амалга оширилди. Ишни бошлашдан олдин экстракторнинг ҳар иккала секцияси ҳам олдиндан стандарт хомашёдан дигидратли режим шароитида олинган экстракцион бўтқа билан тўлдирилди. Аралаштириш тезлиги реакторнинг биринчи секциясида 120-140 айл./минутни, иккинчисида эса 80-100 айл./минутни, жараён давомийлиги 3 соатни ташкил этди. Суюқ ва қаттиқ фазалар нисбати 2,5, суюқ фазадаги сульфат ионларининг ортиқча миқдори SO_3 ҳисобида 3,3-3,5 г/100 мл ни ташкил этди. Бўтқани филтрлаш Бюхнер воронкасида филтрмато орқали 400 мм.сим.уст. вакуум шароитида амалга оширилди.

Экстракцион бўтқанинг реактор биринчи секциясида бўлиш вақти 3 соат,

иккинчисида эса 30 минутни ташкил этади, чунки реактор иккинчи секциясида экстракцион бўтқадаги фтор ва сульфат қўшимчалари кальций карбонат ёрдамида чўктирилади.

Хомашёлар, оралиқ ва тайёр маҳсулотлар кимёвий таҳлиллари маълум бўлган усуллар бўйича амалга оширилди [21-24].


Олинган натижалар 1- ва 2-жадвалларда келтирилган.

1-жадвал

Кальций карбонат (к.т.) меъёрининг ЭФК кимёвий таркибига, газ фазаси ва фосфогипсга фторнинг ўтиш даражасига таъсири

Кўрсаткичларнинг номланиши	Стехиометрияга нисбатан эркин фторни боғлаш учун кальций оксид ҳисобида кальций карбонат меъёри, %						
	-	60	80	100	120	140	150
Стехиометрияга нисбатан эркин H ₂ SO ₄ ни боғлаш учун кальций карбонат меъёри, %	-	80	100	100	100	100	100
ЭФКнинг кимёвий таркиби, оғирлик % ҳисобида							
P ₂ O ₅	17,23	17,28	17,25	17,19	17,10	16,98	16,90
CaO	0,32	0,39	0,54	0,88	1,40	2,21	2,73
MgO	0,66	0,72	0,71	0,68	0,68	0,67	0,67
SO ₃	1,21	0,47	0,28	0,26	0,25	0,25	0,24
R ₂ O ₃	0,71	0,70	0,68	0,67	0,67	0,65	0,65
F	1,18	0,62	0,46	0,29	0,24	0,23	0,22
муаллақ заррача	0,29	0,31	0,27	0,24	0,21	0,18	0,15
Фторнинг ўтиш даражаси, % ҳисобида							
Фосфогипсга	41,3	69,1	74,5	81,8	84,9	85,2	85,4
Газ фазасига	5,1	5,1	4,9	4,4	4,2	4,1	4,0
Ҳаммаси	46,4	74,2	79,4	86,2	89,1	89,3	89,4
ЭФКни фторсизланиш даражаси	-	47,6	61,1	75,4	79,5	80,2	81,0
ЭФКни сульфатсизланиш даражаси	-	61,3	76,9	78,5	79,2	79,2	79,3

1-жадвалдан кўринадики, кальций карбонат қўшмасдан ЭФК олинганда фосфоритдаги умумий фторнинг 5,1% газ фазасига, 41,3% фосфогипсга ўтади ва ЭФКда 53,6% фтор қолади. Экстракцион бўтқага кальций карбонат қўшилганда куйидаги реакциялар содир бўлиши мумкин:



2-жадвал

Фторсизланган ва сульфатсизлантирилган экстракцион фосфат кислота ишлаб чиқариш технологик кўрсаткичлари

Кўрсаткичларнинг номланиши	Стехиометрияга нисбатан фтор ва эркин H ₂ SO ₄ ни боғлаш учун кальций карбонатнинг умумий меъёри, %						
	-	140	180	200	220	240	250
K _{парч.} , %	99,1	99,0	98,9	98,9	98,9	98,8	98,8
K _{ажр.} , %	96,3	96,2	96,2	96,1	96,1	96,1	96,1

К _{ювил.} , %	99,0	99,1	99,1	99,2	99,2	99,2	99,2
К _{унум.} , %	95,3	95,3	95,3	95,3	95,3	95,3	95,3
Бўтқа зичлиги (ρ), г/см ³ , 25°С да	1,24	1,24	1,24	1,24	1,25	1,25	1,25
Бўтқа қовушқоқлиги (η), спз, 25°С да	3,10	3,42	3,52	3,61	3,68	3,72	3,73
Экстракцион бўтқа фильтр-ланиш тезлиги, кг/м ² ·с	815,4	812,6	811,7	810,6	809,5	808,3	807,6
Фосфогипс кристаллари ўлчами, мкм	100x24, 120x20, 220x20, кўпгина 560x80, 400x80, 360x28 ва қисман 100x16, 80x60, 60x20						

ЭФКдаги магний миқдори ўзгаришсиз қолади, унинг миқдори тозаланган кислоталарда 0,66-0,72% ни ташкил этади (1-жадвал). Кальций карбонат қўшилганда ва кальций фторид ҳосил бўлганда газ фазасига ажралиб чиқадиган фтор миқдори 5,1 дан 4,0% гача камаяди, бу унинг асосий миқдорини жараённинг бошидаёқ ажралиб чиқишини кўрсатади. Парчалаш жараёнига 100-150% меъёрда CaCO₃ киритилганда газ фазасига ва фосфогипсга фторнинг умумий ўтиш даражаси 86,2-89,4% ни ташкил этади. Бунда ЭФКдаги фтор миқдори 0,22-0,29% ни ташкил этади, бу эса кальций карбонат қўшилмагандагига нисбатан 4,1-5,3 марта камдир. Экстракцион бўтқани 100-150% стехиометрик меъёрдаги кальций карбонат ёрдамида фторсизлаш натижасида ҳосил қилинадиган экстракцион фосфат кислота маҳсулотининг фторсизланиш даражаси 75,4-81,0% ни ташкил қилади.

Фосфат кислотани экстракциялаш ва ҳосил қилинган экстракцион бўтқадаги фтор ва сульфатларни кальций карбонат билан чўктиришда CaCO₃ тарзидаги СаО меъёри 100-120% бўлганда фторнинг фосфогипсга ўтиш даражаси 81,8-84,9% ни, газ фазасига ўтиш даражаси 4,4-4,2% ни, маҳсулот ЭФКни фторсизланиш даражаси 75,4-79,5%, сульфатсизланиш даражаси эса 78,5-79,2% ни ташкил этади. Кислотадаги мавжуд фтор ва сульфатлар миқдори ҳисобига нисбатан 120% дан ортиқ меъёрдаги кальций карбонат қўшилганда фторсизланиш ва сульфатсизланиш жуда кам даражада, яъни мос ҳолда 80,2-81,0% ва 79,2-79,3% гача ўзгаради. ЭФК таркибида қоладиган фтор миқдори бошланғич фосфоритдаги фторнинг умумий миқдорига нисбатан 11,3-14,7% ни ташкил этади. Фосфоритдаги мавжуд фторга нисбатан кальций карбонат меъёри 60 дан 100% гача ўзгарганда фосфогипсга фторнинг қўшимча ўтиши 27,8-40,5% ни ташкил этиши кузатилади. Кальций карбонат меъёри 120-150% га оширилганда қаттиқ фазага фторнинг ўтишини атиги 3,1-3,6% га оширади. ЭБдаги фторни чўктиришдаги ортиқча кальций карбонат мавжуд ортиқча сульфат кислота ҳисобига кальций сульфат, фосфат кислота билан таъсирлашиши ҳисобига эса монокальцийфосфат ҳосил бўлишига сарфланади.

1-жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, SO₃ миқдори 1,21% дан 0,24-0,26% гача камаяди, кальция оксид миқдори эса 0,32% дан 2,73% гача ортади. Бунда парчаланиш, ажралиш, ювилиш ва унум коэффициентлари, фторни боғлашга 60 дан 150% гача, ортиқча сульфат кислотани нейтраллашга 80 дан 100% гача меъёрдаги кальций карбонат учун мувофиқ ҳолда 98,8-99,1%, 96,1-96,3%, 99,0-99,2% ва 95,3% ни ташкил этади (2-жадвал). Фосфогипснинг 100x24, 120x20, 220x20, кўпгина 560x80, 400x80, 360x28 ва қисман 100x16, 80x60, 60x20 ўлчамдаги кристаллари ҳосил бўлиши ҳисобига филтрланиш тезлиги нисбатан юқори бўлади ва қуруқ қолдиқ ҳисобида 807,6-812,6 кг/м²·с ни ташкил этади.

Ўтказилган тадқиқотлар Марказий Қизилқум фосфоритлари асосидаги ЭФКни экстракцион бўтқага кальций карбонат (к.т.) қўшиш йўли билан бир пайтнинг ўзида фторсизлантириш ва сульфатсизлантиришнинг принципиал жиҳатдан амалга ошириш мумкинлигини кўрсатди. Кальций карбонатнинг мақбул меъёри кальций фторид ҳосил бўлишига СаО ҳисобида 100-120%, кальций сульфат ҳосил бўлишига СаО ҳисобида 100% ни ташкил этади. Бунда сульфатлар миқдори 1,21% дан 0,25-0,26% гача, фтор 1,18% дан 0,24-0,29% гача камаяди, экстракциялашда фторнинг газ фазасига ўтиш даражаси 5,1% дан 4,2-4,4% гача камаяди, фосфогипсга ўтиш даражаси эса 41,3% дан 81,8-84,9% гача ортади. Маҳсулот сифатида олинадиган ЭФКни фторсизланиш даражаси 75,4-79,5% ни, сульфатсизланиш даражаси 78,5-79,2% ни ташкил этади.

Таркибида кальций ва магнийфосфатлари бўлган юқори сифатли фторсизланган фосфорли оддий ўғит олиш мақсадида экстракция жараёнида кальций карбонат ёрдамида фтор ва сульфатлардан тозаланган ЭФК маҳсулоти ва уни буғлатилишидан олинган концентрланган кислотани кальций карбонат (к.т.) билан нейтраллаш жараёни ўрганилди.

Фосфат кислотани экстракциялаш жараёнида фтор ва сульфат қўшимчаларидан тозаланган маҳсулот кислотаси ҳамда уни буғлатиш орқали олинган концентрланган кислотани кальций ва магний монофосфатлар ҳосил бўлишига мувофиқ келадиган стехиометрик меъёрдаги СаСО₃ билан рН = 2,8-3,5 гача нейтраллаш жараёни амалга оширилди. Олинган бўтқа 30-35% Н₂О бўлгунча буғлатилди (концентрланмаган ЭФК ишлатилганда) ва 100-105^oС ҳароратда қуритилди.

Нейтраллаш жараёнининг технологик кўрсаткичлари, олинган оралик ва тайёр маҳсулотларнинг кимёвий таркиблари 3- ва 4-жадвалларда келтирилган.

Фосфат кислотани экстракциялаш босқичида фтор ва сульфатлардан тозаланмаган ЭФКни кальций карбонат билан нейтраллаш натижасида олинган фосфат бўтқасида сульфатлар (SO₃) миқдори 1,15% ни, фтор миқдори 1,06% ни ташкил этиб, бошланғич фосфорит хомашёсига нисбатан фторсизланиш даражаси 43,70% ни ташкил этади.

3-жадвал

ЭФКни кальций карбонат (к.т.) хомашёси билан нейтраллаш технологик кўрсаткичлари ҳамда олинган оралик ва тайёр маҳсулотларнинг кимёвий таркиби

Т/р	Кўрсаткичлар	Кимёвий таркиби, %					
		Фосфат бўтқалари			Қуритилган кальций-магний фосфатли ўғитлар		
1.	СаО бўйича СаСО ₃ нинг стехиометрик меъёри, %:	-	100	120	-	100	120
	экстракция босқичида F	-	100	100	-	100	100
	бўйича экстракция босқичида SO ₃ бўйича нейтраллаш босқичида ЭФК учун	100	100	100	100	100	100
2.	P ₂ O ₅ умумий	16,35	17,18	17,24	48,56	52,94	53,41
3.	P ₂ O ₅ ўзлашадиган	16,26	16,94	17,20	48,29	52,73	53,26
4.	P ₂ O ₅ сувда эрийдиган	14,82	15,89	16,15	44,06	49,03	50,08
5.	СаО умумий	7,77	6,18	6,11	23,08	19,04	18,93
6.	MgO умумий	0,63	0,68	0,69	1,87	2,09	2,14

7.	R ₂ O ₃ умумий	0,67	0,67	0,68	1,99	2,06	2,11
8.	SO ₃ умумий	1,15	0,27	0,25	3,42	0,82	0,77
9.	F умумий	1,06	0,28	0,24	2,99	0,85	0,74
10.	H ₂ O	66,97	68,65	68,76	1,89	3,39	3,21
11.	(P ₂ O ₅ _{ўзл.} :P ₂ O ₅ _{умум.})x100, %	99,45	98,60	99,77	99,44	99,60	99,72
12.	(P ₂ O ₅ _{с.э.} :P ₂ O ₅ _{умум.})x100, %	90,64	92,49	93,68	90,73	92,61	93,77

4-жадвал

**Концентрланган ЭФКни карбонатли хомашё – к.т. СаСО₃ билан нейтраллаш
жараёнининг технологик кўрсаткичлари ҳамда олинган оралик ва тайёр
маҳсулотларнинг кимёвий таркиби**

Т/р	Кўрсаткичлар	Кимёвий таркиби, %	
		Фосфат бўтқаси	Қуритилган кальций-магний фосфатли ўғит
1.	P ₂ O ₅ умумий	32,94	53,90
2.	P ₂ O ₅ ўзлашадиган	32,88	53,81
3.	P ₂ O ₅ сувда эрийдиган	30,98	50,74
4.	СаО умумий	11,24	18,39
5.	MgO умумий	1,30	2,13
6.	R ₂ O ₃ умумий	1,29	2,11
7.	SO ₃ умумий	0,48	0,79
8.	F умумий	0,15	0,23
9.	H ₂ O	40,20	2,15
10.	(P ₂ O ₅ _{ўзл.} :P ₂ O ₅ _{умум.})x100, %	99,82	99,83
11.	(P ₂ O ₅ _{с.э.} :P ₂ O ₅ _{умум.})x100, %	94,05	94,14
12.	Фторсизланиш даражаси, %	96,06	96,34

Экстракцион бўтқани 100% ва 120% стехиометрик меъёрдаги кальций карбонат билан фтор ва сульфатлардан тозалаш йўли билан олинган ЭФКни монокальций ва мономагнийфосфатлари ҳосил бўлишига 100% стехиометрик меъёрдаги кальций карбонат хомашёси билан нейтралланганда ҳосил бўладиган бўтқа таркибидаги SO₃ миқдори мос ҳолда 0,25% ва 0,27% ни, F миқдори эса 0,28% ва 0,24% ни ташкил қилади (3-жадвал). Бўтқадаги (P₂O₅_{ўзл.}:P₂O₅_{умум.})x100 нисбати 98,60-99,77% ни, (P₂O₅_{с.э.}:P₂O₅_{умум.})x100 нисбати эса 92.49-93.68% ни ташкил этади.

Бўтқаларни таркибида 30-35% H₂O қолгунча буғлатилди, донадорланади ва 100-105^oC ҳароратда қуритилганда тозаланмаган ЭФКдан олинган маҳсулотга нисбатан сульфатлар миқдори 3,42% дан 0,77-0,82% гача, фтор миқдори эса 1,06% дан 0,74-0,85% гача камайиши ҳисобига фтор ва сульфатлардан тозаланган ЭФК асосида олинган маҳсулотлардаги P₂O₅_{умум.} миқдори 48,56% дан 52,94-53,41% гача, P₂O₅_{ўзл.} миқдори 48,23% дан 52,73-53,26% гача, P₂O₅_{с.э.} миқдори 44,06% дан 49,03-50,08% гача ортади. Бунинг натижасида маҳсулотнинг фторсизланиш даражаси 73,9-77,5% га етади. Олинган маҳсулотлардаги кальций миқдори 18,93-19,04%, магний миқдори эса 2,09-2,14% бўлиб, (P₂O₅_{ўзл.}:P₂O₅_{умум.})x100 нисбати 99,60-99,72% ни, (P₂O₅_{с.э.}:P₂O₅_{умум.})x100 нисбати эса 92.61-93.77% ни ташкил этади. Экстракция босқичида ишлатилган фосфатли хомашёга нисбатан олинган кальций ва магний фосфатли маҳсулотларнинг фторсизланиш даражаси 86,1-87,9% ни ташкил қилади.


Маҳсулотлар таркибидаги фтор миқдорини янада камайтириш, ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган эритма ва суспензияларни буғлатишдаги иссиқлик энергияси

ҳаражатларини камайтириш мақсадида карбонатли хомашёнинг мақбул меъёрида (фторни боғлаш учун – 120%, эркин H_2SO_4 ни боғлаш учун – 100%) фтор ва сульфат қўшимчаларидан тозаланган ва таркибида (оғ. %): $P_2O_5 = 17,10$; $CaO = 1,40$; $MgO = 0,68$; $SO_3 = 0,25$; $R_2O_3 = 0,67$; $F = 0,24$ бўлган кислотани буғлатиш йўли билан таркибида (оғ. %): $P_2O_5 = 35,25$; $CaO = 2,25$; $MgO = 1,39$; $SO_3 = 0,51$; $R_2O_3 = 1,38$; $F = 0,17$ бўлган концентрланган ЭФК ҳосил қилинди. Бунда экстракцион фосфат кислотанинг фторсизланиш даражаси 93,0% га етади.

Концентрланган ЭФКни монокальций ва мономагнийфосфатлари ҳосил бўлишига 100% стехиометрик меъёрдаги кальций карбонат хомашёси билан нейтралланганда ҳосил бўладиган бўтқа таркибидаги SO_3 миқдори мос ҳолда 0,48% ни, F миқдори эса 0,15% ни ташкил қилади (4-жадвал). Бўтқадаги $(P_2O_{5\text{ўзл.}}:P_2O_{5\text{умум.}}) \times 100$ нисбати 99,82% ни, $(P_2O_{5\text{с.э.}}:P_2O_{5\text{умум.}}) \times 100$ нисбати эса 94,05% ни ташкил этади.

Бўтқани донадорланади ва 100-105^oC ҳароратда қуритилганда маҳсулотдаги $P_2O_{5\text{умум.}}$ миқдори 53,90% гача, $P_2O_{5\text{ўзл.}}$ миқдори 53,81% гача, $P_2O_{5\text{с.э.}}$ миқдори 50,74% гача етади. Бунинг натижасида экстракция босқичида ишлатилган фосфатли хомашёга нисбатан олинган кальций ва магний фосфатли маҳсулотларнинг фторсизланиш даражаси 96,34% ни ташкил қилади. Олинган маҳсулотлардаги кальций миқдори 18,39%, магний миқдори эса 2,13% бўлиб, $(P_2O_{5\text{ўзл.}}:P_2O_{5\text{умум.}}) \times 100$ нисбати 99,83% ни, $(P_2O_{5\text{с.э.}}:P_2O_{5\text{умум.}}) \times 100$ нисбати эса 94,14% ни ташкил этади. Экстракцион фосфат кислотани карбонатли хомашё билан нейтраллашдан олдин 35% P_2O_5 гача буғлатиш, буғлатилган кислотани таркибида кальций ва магний фосфатлари бўлган фосфорли ўғитларга қайта ишлаш натижасида биринчидан, суспензияни буғлатиш ҳаражатларига нисбатан энергоресурсларни тежаш, иккинчидан маҳсулотдаги фтор миқдорини камайтиришга эришилади.

1-расмда Марказий Қизилқумнинг ювиб куйдирилган фосфатли концентратидан (ЮКФК) юқори сифатли фосфорли ўғит ишлаб чиқариш моддий оқим блок-схемаси кўрсатилган.



1-расм. Марказий Қизилқумнинг ювиб куйдирилган фосфатли концентратидан (ЮКФК) юқори сифатли фосфорли ўғит ишлаб чиқариш моддий оқим блок-схемаси.

ХУЛОСА.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар фосфат кислотани экстракциялаш жараёнида сульфат-фосфат кислотали бўтқага стехиометрик меъёрга нисбатан сульфатлар учун 100% ва фтор учун 120% таркибида кальций бўлган реагент (кальций карбонат) қўшиш йўли билан Марказий Қизилкум фосфоритлари асосидаги экстракцион фосфат кислотани бир пайтнинг ўзида фторсизлаш ва сульфатсизлаш мумкинлигини кўрсатди. Фтор ва сульфатлардан тозаланган ЭФК монокальций ва мономагнийфосфатлари ҳосил бўлишига 100% стехиометрик меъёрга кальций карбонат (к.т.) хомашёси билан нейтраллаш орқали таркиби қўшалок суперфосфатга ўхшаш юқори сифатли концентранган фосфорли оддий ўғитлар олиш мумкин бўлади. Экстракцион фосфат кислотани карбонатли хомашё билан нейтраллашдан олдин 35% P_2O_5 гача буғлатиш ва буғлатилган кислотани таркибида кальций ва магний фосфатлари бўлган фосфорли ўғитларга қайта ишлаш натижасида биринчидан, суспензияни буғлатиш ҳаражатларига нисбатан энергоресурсларни тежаш, иккинчидан маҳсулотдаги фтор микдорини камайтиришга эришилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Национальный доклад о состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан (1988-2007). – Ташкент, 2008. – 298 с.
2. Степень и экономические последствия фторидного загрязнения. Обзорная информация. – Обнинск, 1983. – Вып.1. – 55 с.
3. Васяев Г.В., Шевченко Т.П. О содержании фтора в урожае // Записки Ленинградского с-х. ин-та. – Л.: Изд-во ЛСХИ, 1974. – Т. 218. – С.10-18.
4. Халитов А.Х., Розин В.И. О необходимости исключения фтора из состава минеральных удобрений / В кн. Интенсификация сельскохозяйственного производства и проблемы защиты окружающей среды. – М.: Наука, 1980. – 296 с.
5. Хужамкулов С.З., Меликулова Г.Э., Мирмусаева К.С., Мирсаидов М.Х., Мирзакулов Х.Ч. Исследование процессов получения кремнефторида натрия из экстракционной фосфорной кислоты на основе фосфоритов Центральных Кызылкумов // Химическая технология. Контроль и управление. – Ташкент: ТГТУ, 2016. – № 1(67). – С. 34-40.
6. World Fertilizer trends and Outlook to 2018. Food and Agriculture Organization of the Unated Nations. Rome, FAO, 2015, 55 p.
7. Зайцев В.А., Родин В.И. Влияние фтора на организм животных // Журн. ВХО им. Д.И.Менделеева, 1979. – Т. 24. – № 1. – С.42-47.
8. Кочетков С.П., Смирнов Н.Н., Ильин А.И. Концентрирование и очистка экстракционной фосфорной кислоты / ГОУВПО Иван. гос. хим.-технол. ун-т. – Иваново, 2007. – 308 с.
9. Усербаева Д., Тоиров З.К., Эркаев А.У., Каипбергенов А.Т. Обессульфачивание и очистка от примесей экстракционной фосфорной кислоты из фосфоритов Центральных Кызылкумов // Химия и химическая технология. – Ташкент: ТХТИ, 2010. – № 2. – С.2-4.
10. Хужамкулов С.З., Асамов Д.Д., Бардин С.В., Мирзакулов Х.Ч. Обесфторивание экстракционной фосфорной кислоты солями натрия // Кимё ва кимё технологияси. 2008. № 2. С. 16-19
11. Shamshidinov I. T., Mirzakulov Kh.Ch., Mamurov B. A. Processing of magnesium-containing phosphorites for extraction phosphoric acid // Universum: Technical Sciences: electronic scientific journal, 2017. № 2(35). – Pp. 84-88.

12. Shamshidinov I. T., Mamurov B. A., Usmanov I. I., Kodirova G. K. Investigation of the process of neutralization of extractive phosphoric acid with chalk // *Universum: Technical Sciences: electronic scientific journal*, 2019. – № 2(57). – Pp. 21-26

13. Арифджанова К.С., Хужамкулов С.З., Нормуродов Б.А., Шамаев Б.Э., Мирзакулов Х.Ч. Обессульфачивание экстракционной фосфорной кислоты из фосфоритов Центральных Кызылкумов небогащенным фосфатным сырьем. Журнал «Кимёвий технология. Назорат ва бошқарув». ТГТУ, 2016. №3. С. 32-39

14. Мирмусаева К.С. Разработка технологии производства ортофосфатов натрия на основе экстракционной фосфорной кислоты Центральных Кызылкумов. Дисс. ... канд. техн. наук. – Ташкент. 2011. – 157 с.

15. Қодирова Г.К., Шамшидинов И.Т., Тураев З., Нажмиддинов Р.Ю. Исследование процесса получения высококачественных фосфатов аммония из экстрактной фосфатной кислоты на основе фосфоритов Центрального Кызылкума // *Universum: Технические науки: электрон. научн. журн.* 2020. – № 12(81). – С. 71-75.

16. Шамшидинов И.Т. Переработка фосфоритов Каратау и Центральных Кызылкумов на экстракционную фосфорную кислоту и концентрированные фосфорсодержащие удобрения. – М.: Издательство Lambert Academic Publishing, 2021. – 225 с.

17. Gulnoza Kodirova, Voxodir Sultonov, Rikxsitilla Najmiddinov, Bakhodir Mamurov. Investigation of the Process of Purification of Wet-Process Phosphoric Acid and Production of Concentrated Phosphoric Fertilizers Based on it // *Chemical Science International Journal*. 30(1): 1-10, 2021; Article no.CSIJ.66045

18. Гафуров К., Арисланов А.С. Сернокислотная переработка фосфоритов Каратау и сложных удобрений на их основе. – М.: Издательство Lambert Academic Publishing, 2020. – 140 с.

19. Патент № IAP 05054 UZ. МКИ С05 В3/00, С05 В11/00. Способ получения кормового преципитата. / Х.Ч.Мирзакулов, И.И.Усманов, Б.Б.Садыков, Н.В.Волынская, Г.Э.Меликулова, Ш.И.Умаров, Опубл. 31.07.2015. Бюл. № 7.

20. Ангелов А.И. Мировое производство и потребление фосфатного сырья / А.И. Ангелов, Б.В. Левин, П.В. Классен // *Горный журнал*. – Москва, 2003. – № 4-5. – С. 6-11.

21. Винник М.М., Ербанова Л.Н. и др. Методы анализа фосфатного сырья, фосфорных и комплексных удобрений, кормовых фосфатов. – М.: Химия, 1975. – 218 с.

22. ГОСТ 24596.4-81. Фосфаты кормовые: Методы определения кальция. – М.: ИПК Издательство стандартов, 2004. – 3 с.

23. ГОСТ 20851.2.75. Удобрения минеральные: Методы определения содержания фосфора. – М.: Издательство стандартов, 1983. – 22 с.

УДК 621.311

ПРИВОДНОЙ МЕХАНИЗМ ФОТОЭЛЕКТРИЧЕСКОЙ СТАНЦИИ С АВТОМАТИЧЕСКИМ УПРАВЛЕНИЕМ.

Муродов Музаффар Хабибуллаевич
НаМИСИ, к.т.н. доцент, m_murodov@mail.ru. Tel: +99-893-4014545

Аннотация. Повышение эффективности фотоэлектрических установок зависит от оптимального использования поверхности, откуда исходит солнечное излучение.

Перпендикулярность поверхности углу падения излучения является одним из основных требований. С учетом этого КПД увеличивается на 25-30% в результате подготовки приводного механизма фотоэлектрического модуля.

Annotatsiya. Fotoelektrik stansiyalar samaradorligini oshirish quyosh radiatsiyasi kelib tushuvchi yuzadan optimal foydalanishga katta bog'liq. Yuzaning nurlanish tushish burchagiga perpendikularligi asosiy talablardan biridir. Shuni hisobga olgan holda, fotoelektrik modulni harakatlantiruvchi mexanizm tayyorlash natijasida samaradorlik 25-30% ga ortadi.

Annotation. Increasing the efficiency of photovoltaic installations depends on the optimal use of the surface from which solar radiation originates. Surface perpendicularity to the angle of incidence of radiation is one of the main requirements. Taking this into account, the efficiency increases by 25-30% as a result of preparing the drive mechanism of the photovoltaic module.

Ключевые слова: Эффективность, солнечная энергия, фотопреобразователь, солнечное излучение, трэкер, фотоэлектрическая станция

Kalit so'zlar: Samaradorlik, quyosh energiyasi, foto o'zgartirgich, quyosh radiatsiyasi, treker, fotoelektrik stantsiya.

Keywords: Efficiency, solar energy, photoconverter, solar radiation, tracker, photovoltaic station

Известно, что основной чертой последнего десятилетия в развитии мировой энергетики стало внедрение энергосберегающих технологий и рост количества установок малой мощности на основе использования возобновляемых источников энергии. Причиной тому, в основном, являются исчерпание в обозримом будущем запасов углеводородного и ядерного топлив и экологические проблемы, возникающие в связи с их добычей, переработкой и использованием.

В связи с изложенным выше является актуальным дальнейший поиск технических решений по повышению эффективности прямого преобразования солнечной энергии в электрическую с использованием различных видов фотоэлектрических преобразователей электрическим приводом.

Солнце движется по небу с востока на запад. Положение Солнца на небосклоне определяется 2-мя координатами – склонением и азимутом. Склонение – это угол между линией, соединяющей наблюдателя и Солнце, и горизонтальной поверхностью. Азимут – это угол между направлением на Солнце и направлением на юг (Рис. 1).




Рис.1 Угол между линией, соединяющей наблюдателя и Солнце, и горизонтальной поверхностью

Разрывная прочность и относительного удлинения покровной пленки определяли на машине ZM-20 и ЦМ-10 при большом диапазоне температур и скорости нагревания определяли на машинах МРС-500, прочность полимерных покрытий на удар определяли на приборе У-2, а прочность на изгиб на установке ШГ-1 (шкалой гибкости). При этом микро твёрдости полимерных покрытий определяли на приборе ПМТ-3 [6].

Поверхностных структур полимерных покрытий определяли с применением микроскопа МБИ-6, а надмолекулярную структуру определяли на микроскопе МИН-8. Вибро-звукопоглощающие свойство покрытий определяли методом вынужденных колебании в зоне резонанса и на специальной установке, разработанной ГУП “Фан ва тарккиёт” на основе этого метода [8, 10-13].

Триботехнические свойства (коэффициент трения и изнашивания) полимерных покрытий определяли на общеизвестной модернизированной машине МИ-1М, а также на изготовленном специальном стенде [9].

Заключение: Таким образом, осуществлен выбор полимеров и органоминеральных наполнителей для разработки антифрикционно-износостойких композиционных полимерных покрытий на поверхности металлических деталей машин и механизмов и описаны методики определение их физико-механических и антифрикционных свойств, что даёт возможность для проведения исследования эксплуатационных свойств и разработки эффективных композиционных полимерных материалов и покрытий на их основе триботехнического назначения, работающих в условиях трения рабочих органов машин и механизмов.

ЛИТЕРАТУРА

1. Негматов С.С. и др. Исследование влияния содержания различных наполнителей на износостойкость и другие физико-механические свойства композиционных эпоксидных полимерных материалов. Kompozitsion materiallar.
2. Егоренков Н.И. Исследование некоторых вопросов адгезии полиэтилене в металлах. Кандидатская диссертация, Рига, 1970 г.
3. Рутто Р.А. Исследование антифрикционных покрытий из полиамидов. Кандидатская диссертация, Саратов, 1968 г.
4. Лобанов Ю.Е., Воюцкий С.С. Механика полимеров, № 2, 1968 г.
5. Wake W.C., Trans and Proceed, JRJ5, 5,1957.
6. Вильниц С.А., Вапла Ю.М., Ильина В.А. Пластические массы, №6, 35, 1971 г.
7. Материалы 3 Республиканской конференции по применению полимерных материалов в машиностроении, Минск, 1971, с. 25.
8. Справочник по пластическим массам, под ред. Гарбора М.И., Катаев В.М., Акутина М.С., т,2, Изд. «Химия», 1969 г.
9. Полвонов, А. С., Насриддинов, А. Ш., & Имомназаров, С. К. (2021). Свойства

звукопоглощающих материалов на полиуретановой основе.

10. Бойбобоев, Н. Г., Хамракулов, А. К., & Хамзаев, А. А. Анализ нового направления совершенствования конструкции элеваторов корнеклубнеуборочных комбайнов. *Science Time*, (2016). (2 (26)), 63-69.

11. Байбобоев, Н. Г., Хамзаев, А. А., & Абдуллаев, К. Совершенствование технологии и средств машинной уборки топинамбура с помощью применения картофелекопателей. *Научное знание современности*, (2017). (6), 43-47.

12. Байбобоев, Н. Г., Бышов, Н. В., Борычев, С. Н., Мухамедов, Ж. М., Рахмонов, Х. Т., Акбаров, Ш. Б., ... & Рембалович, Г. К. Навесная сепарирующая машина. (2019).

13. Байбобоев, А. Н., Кодиров, С. Т., Акбаров, Ш. Б., Гоипов, У. Г., & Хамзаев, А. А. Расчёт технологического процесса сепарации почвы с рыхлительным барабаном. In *Комплексный подход к научно-техническому обеспечению сельского хозяйства* (2019). (pp. 60-64).

УДК 658.567.1

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЧИҚИНДИЛАРИДАН БИОГАЗ ОЛИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Ваҳобова Сожида Комилжоновна
НамМҚИ, доценти, +99894-656-65-74 sojidavsk310783@gmail.com

Аннотация. Мақола қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан фойдаланиб, ноанъанавий энергия хом-ашё манбаларидан бири бўлган биогаз олиш технологиясига қаратилган. Мақолада биогаз олишда асосан, биомассалардан фойдаланиш мумкинлиги, биомассаларнинг кимёвий таркиби, атроф-муҳитда ҳосил бўлиш шароитлари, ҳамда биогазларни олишда янги технологиялар биореакторларни ишлаб чиқиш, уларни ишлатиш тартиблари ва атроф-муҳитни экологик шароитларини яхшилаш масалаларини хал этиш мумкинлиги тўғрисида фикр юритилган.

Аннотация. В статье основное внимание уделяется использованию биомассы при получении биогаза, возможность его получения, химический состав биомассы, его образования в окружающей среде, а также новые технологии получения биогаза и разработка биореакторов, процедур их использования и вопросы о возможности улучшения экологического состояния окружающей среды.

Abstract. The article focuses on the technology of obtaining biogas, one of the non-conventional sources of energy raw materials, using agricultural waste. In the article, mainly, the possibility of using biomass in the production of biogas, the chemical composition of biomass, the conditions of its formation in the environment, as well as the development of new technologies for the production of biogas in bioreactors the procedures for their use and the possibility of solving the problems of improving the ecological conditions of the environment considered.

Калит сўз: биомасса, биогаз, биореактор, субстрат, иссиқлик изоляцияси, ингибитор, десульфуризация, биоўғит.

Ключевые слова: биомасса, биогаз, биореактор, субстрат, тепло изоляция, ингибитор, десульфурация, биоудобрение.

Key words: biomass, biogas, bioreactor, substrate, thermal insulation, inhibitor, desulfurization, bio fertilizer.

Қишлоқ хўжалиги жойларида, шаҳарларда ҳамда ривожланаётган мамлакатларда биомассанинг қўлланилиши иқтисодий ўсишнинг афзалликларидан бири бўлиб ҳисобланади. Фермерлар даромадини ортириши ва бозорларнинг диверсификацияси, аграр ишлаб чиқаришнинг камайиши ва қўшимча пул муомаласи, халқаро бозордаги рақобатбардошликнинг ортириши, қишлоқ жойларида иқтисоднинг умумий жонланиши, теварак атрофга салбий таъсирнинг ортириши – буларнинг бари биомассадан энергия манбаи сифатида фойдаланишнинг муҳим сабабларидан бири бўлиб ҳисобланади. Фермерларнинг янги молиявий ҳаракатлари ва қишлоқ аҳолиси, қишлоқларнинг умумий моддий ҳолатини яхшилаши ва бундан кейин ҳам маҳаллий тежамкорликнинг жонланишига олиб келиши мумкин. Хуллас, бу шаҳарларда миграция даражасининг пасайишини билдиради, бу эса ер юзидаги кўплаб регионлар учун жуда муҳимдир.

Биогаз олиш метан ажралиб чиқувчи ачитиш жараёни билан боғлиқ. Бу жараён уч босқичдан иборат бўлиб, органик моддаларни микроорганизмларнинг иккита асосий-кислотали ва метанли гуруҳлари бўйича ажратишни ўз ичига олади.

Ажратиш жараёнлари таркибида азот, фосфор, калий бўлган органик бирикмаларни минераллаштириш билан бирга кечадди ва бунинг натижасида ўсимликлар ўзига осон сингдира оладиган азот, фосфор ва калийнинг минерал формалари ҳосил бўлади.

Биогаз ишлаб чиқариш жараёни уч босқичга бўлинади:

1. Гидролиз;
2. Оксидланиш;
3. Метан ҳосил бўлиши.

Ушбу мураккаб ўзгариш жараёнида кўплаб микроорганизмлар ҳам иштирок этади ва уларнинг орасида энг асосийлари метан ҳосил қилувчи бактериялар ҳисобланади.

Қайд этилганидек, биогаз ва ўғитлар ҳосил бўлишининг ушбу жараёни махсус биореакторлар - метантанкларда амалга оширилади.

Биореакторларда органик хомашёнинг биологик парчаланиши қуйидаги уч хил ҳарорат режими ва муддатда амалга оширилиши мумкин:

1. 30-40 ва ундан кўп кун мобайнида 5-25 °С ҳароратда психрофил режим;
2. 12-20 кун мобайнида 25-37 °С ҳароратда мезофил режим;
3. 5-12 кун мобайнида 49-60 °С ҳароратда термофил режим. Психрофил режимда биомассанинг ачиши жуда секин рўй беради. Қарийб икки ойда, демак газ ҳосил бўлиши кам ва олинмаган ўғит сифати ҳам жуда паст бўлади.

Кўпгина қишлоқ биогаз қурилмалари мезофил ҳарорат режимида ишлайди. Термофил ҳарорат режими асосан йирик биогаз қурилмаларида хомашёни марказлаштирилган ҳолда қайта ишлаш учун қўлланилади.

Биореакторга субстрат солиб туриш услуби узлуксиз ёки даврий бўлиши мумкин. Даврий услубда маълум миқдорда сув билан аралаштирилган янги гўнга бироз ачитки қўшилади ва у биореакторга солинади. Субстрат бир ёки икки кун ичида унинг ҳароратини ошириш учун очиқ ҳавода қолдирилади. Кейинги икки ёки уч кун ичида у анаэроб шароитда ачитилади ва биогаз ишлаб чиқариш бошланади. 10-14 кундан сўнг унумдорлик энг юқори даражага етади. Кейин газ ҳосил бўлиши камая бошлайди ва бироз вақтдан сўнг у тахминан максимал ишлаб чиқариш даражасининг ярмига етади.

Даврий жараённинг бошқа услуби ачитиш ва сақлаш тизимларини бирлаштиришдан иборат. Бу ҳолатда битта резервуар ҳам биореактор ҳам тўплагич вазифасини ўтайди. Резервуар хомашё ачишининг тезлигига қараб, аста-секин гўнг билан тўлдирилади. Бу тизимнинг афзаллиги унинг арзонлигидадир. Таъкидлаш керакки, гўнгни бу тарзда қайта ишлаш чоғида маълум миқдорда иссиқлик йўқотилиши ва беқарор газ

ҳосил бўлиши мумкин.

Фермер хўжаликлари қўллайдиган энг кенг тарқалган биогаз қурилмаси - узлуксиз биогаз тўплайдиган биогаз қурилмаларидир. Гўнг тўплаб бўлингач, бир йўла биореакторга жойланади. Тупрокни озиклантириш зарурати туғилганида ишлатилган гўнг биореактордан бўшатиб олинади. Бунда зарурат бўлмаганда эса, ишлатиб бўлинган субстрат реактордан йиғма танкка солинади ва қолдиқ биогазни ушлаб қолиш учун резина мембрана билан қопланади.

Қурилманинг яна бир оммалашган тури - узлуксиз ишлайдиган реактордир. Бундай қурилмада биореакторга ҳар куни маълум миқдорда чиқинди солиб турилади, шунча миқдордаги ачиган субстрат маҳсус ҳовузга бўшатилади. Биореактордаги субстрат миқдори доимийлигича қолади. Кўпчилик кичик қурилмаларга бир кунлик хомашё кунига 1-2 марта солиб турилади. Узлуксиз режимда ишлайдиган катта биореакторлар ҳар соатда гўнг билан тўлдирилади.

Метантанкда биогаз ҳосил бўлишига таъсир кўрсатувчи кўплаб омиллар мавжуд ва улар ўртасидаги боғлиқлик ниҳоятда мураккаб хусусиятга эгадир. Метантанкда олинadиган биогазнинг фойдали миқдори бактерия томонидан ҳосил қилинган газ ҳамда жараён маромида кечиши учун фойдаланиладиган газ миқдоридан фарқ қилади. Ҳосил бўладиган биогаз миқдори муайян даражада метантанкка солинадиган хомашё миқдори, таркибидаги қаттиқ моддалар, уларнинг биологик парчаланиши, ачитиш учун ишлатиладиган ҳарорат, шунингдек, ингибиторлар мавжудлигига боғлиқдир.

Жараён маромида кечиши учун зарур бўлган энергия эса метантанкнинг ҳарорати, дастлабки хомашё ва атроф-муҳит ҳароратига боғлиқ. Биореакторнинг устки даражаси, иссиқлик изоляцияси учун фойдаланиладиган иссиқликни алмаштириб берувчи қурилма самарадорлиги, хомашёни аралаштирадиган ва етказиб берадиган механизмнинг энергия истеъмоли эса бошқа омиллар сирасига киради.

Биореакторда субстратни аралаштириб туриш зарурияти қуйидагилар билан боғлиқ:


- янги субстратни ачиган биомассага қўшиш;
- биореакторнинг бутун ҳажми бўйича бир хил иссиқлик етказиб бериш;
- субстрат сиртида қатқалоқ ва тубида чўкиндилар ҳосил бўлишининг олдини олиш;
- субстрат ичидаги биогазни чиқариб юбориш.

Агар субстрат механик аралаштирилмаса, чўкиндилар, сиртда эса қобиклар ҳосил бўлади. Узлуксиз биогаз ишлаб чиқариш жараёнида қобик қуригандан сўнг уни йўқ қилиш жуда қийин бўлади, Иқтисодий фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, кичик биогаз қурилмаларида фақат битта қоригичдан фойдаланилади. Шу муносабат билан ушбу қориш мосламасини қобик ва чўкиндилар ҳосил бўлишининг олдини олиш мақсадида созлаш зарур.

Одатда бир дақиқада 15-50 оборот тезликка эга бўлган секин айланadиган миксерлардан фойдаланилади. Шунинг эътиборга олиш керакки, қоригичларнинг ҳамма тури ҳам тўғри келган субстратлар учун мўлжалланмаган. Хусусан, горизонтал парракли қоригич йирик қорамолнинг таркибида сомон кўп бўлган гўнги учун яхши мослаштирилган. Шунга қарамай, ушбу мослама суяқ субстратларни ҳам аралаштириш учун қулай. Парракли миксерлар бу борада энг кенг қўлланилаётган қоригич ҳисобланади. Улар субстрат таркиби, биореактор шакли ва катта-кичиклигидан қатъий назар қўллаш учун ихчам. Чўқтирма двигателларни совутиш зарурати ҳисобга олинган ҳолда, улар учун ачитиш ҳарорати 40 °C ошмаслиги лозим.

Одатда биогаз қурилмаларининг эҳтиёт қисмлари ва узеллари занглашининг олдини олиш мақсадида биогазни водород сульфиддан тозалаш (десульфуризациялаш) керак. Фермер хўжалиги шароитида кўпгина ҳолларда водород сульфидни йўқ қилишнинг биологик услуби қўлланилади. Бунинг учун эса биогазга микробиологик услубда оксидланган ҳаво қўшилади. Оксидланган ҳаво тўғридан-тўғри биореактор ёки газгольдерга етказиб берилади. Жараён учун зарур ҳаво миқдори водород сульфиди (H_2S) куюқлигига қараб, биогаз миқдорининг 2-6 %ни ташкил этади.

Анаэроб ачитиш қурилмалари ҳажми фермер хўжалиги миқёсига қараб, турли хил бўлиши мумкин. Улар турли қурилиш материалларидан тайёрланиши ва турли шакл ҳамда ҳажмга эга бўлади. Биореакторга қурилишига нисбатан катта миқдорда капитал маблағ сарфланади. Одатда фермер хўжаликлари учун мўлжалланган биогаз қурилмаси унчалик катта бўлмайди, чорва моллари гўнги эса ушбу биореакторлар учун зарур хомашё ҳисобланади. Фермер хўжаликларида биогаздан иссиқ сув олиш ва хоналарни иситиш, овқат тайёрлаш ва бошқа маиший мақсадларда фойдаланилади.



1- хомашё солинадиган ферментатор чуқурчаси; 2-қалпоқ; 3-чиқарувчи қувур; 4- биогаз узатадиган қувур (шланг); 5-сувни гидрозатвор канали

1– расм. Конуссимон қалпоқли қурилма схемаси

Турли манбалардан олинган органик чиқиндилар билан таъминладиган йирик биогаз қурилмалар марказлаштирилган биогаз заводлари, деб аталади. Бундай заводда ишлаб чиқиладиган биогаздан когенерация қурилмаларида иссиқлик ва электр энергиясини биргаликда ишлаб чиқариш учун фойдаланилади.


Одатда биогаз қурилмалар тўртта асосий элементдан иборат бўлади:

- ишлаб чиқариш модули анаэроб биореактор ва йиғма танк ҳамда гўнгни кеткизадиган тизимни ўз ичига олади;
- биогазни саклаш ва тозалаш тизими;
- биогазни фойдали мақсадда ишлатиш ва биоўғитлардан фойдаланиш ускунаси.

Биореактор горизонтал ёки вертикал шаклда қурилиши мумкин. Горизонтал конструкция қуйидаги афзалликпарга эга: унда самарали ва энергия тежайдиган қоригичлардан фойдаланиш мумкин, янги субстрат ачиган субстрат билан аралашмайди, у биореакторнинг бир қисмидан тескари томонга аста-секин ўтади. Шу тариқа катта миқдорда биогаз ишлаб чиқаришга эришилади. Техник ва иқтисодий нуқтаи назардан горизонтал биореакторларнинг энг катта ҳажми одатда 200-300 м³ дан ошмайди.

Биореакторлари ҳажми 300 м³дан ортиқ бўлган биогаз қурилмалар учун вертикал конструкциядан фойдаланилади. Улар думалоқ кўндаланг кесимга эга бетон конструкциялардан қурилади. Вертикал биореакторлар устки майдоннинг ҳажмга нисбатан яхши жойлашуви нуқтаи назаридан устуворликка эга. Шундай қилиб, қурилиш

материалларига бўлган эхтиёж камайди ва иссиқлик исрофи ҳам пасаяди. Вертикал конструкциянинг асосий ноқулайлиги-биогаз олишнинг узлуксиз услубидан фойдаланишнинг қийинлигидир.



1-тайёрлов резервуари; 2-хомашёни юклаш ва бўшатиш; 3-биореактор; 4-хомашёни аралаштириш учун қўлда бошқариладиган ва пневматик қурилма; 5-сув қайнатадиган қозон; 6-компрессор; 7-биоўғит резервуари; 8-газ фильтри; 9-конденсор; 10-газгольдер; 11-манометрлар; 12-сақловчи клапан; 13-сурилма қопқоқ.

2-расм Хомашё қўлда солинадиган, газгольдерли, хомашё қўл ёрдамида ва пневматик аралаштириладиган, реактордаги хомашёни иситадиган биогаз қурилмаси схемаси

Даврий ишлайдиган биогаз қурилмалари тўлиқ ишга туширилгач, зичлаб ёпилади. Қурилма бироз вақт ичида биогазни фаол ажратиб чиқара бошлайди, биомасса тўлиқ қайта ишлангандан сўнг қурилма бўшатилиб, ишлаш жараёни яна такрорланади. Биореактор ичида биомассанинг аралаштириши биогаз қурилмасининг ишлаш самарадорлигини анча оширади, чунки чўқинди ва сузиб юривчи қобиклар ҳосил бўлишига тўсқинлик қилади ҳамда реакторда биомасса меъёрида аралаштириши таъминлайди.

Унчалик катта бўлмаган қурилма учун бўшаган ёқилғи цистерналаридан фойдаланиш масаланинг энг содда ечимдир. 60 м³ ҳажмга эга стандарт ёқилғи цистернаси базасидаги биореактор схемада келтирилган. Ички деворлар металл ёки гипсдан тайёрланиши мумкин. Уларнинг асосий вазифаси гўнг оқимини зарур томонга йўналтириш ва унинг реактор ичидаги йўлини узайтириш ҳамда туташ идишлар тизимини ташкил этишдир. Схемада деворлар шартли равишда кўрсатилган: уларнинг сони ва жойлашуви гўнгнинг ўзига хос хусусиятларига, яъни оқувчанлигига, шунингдек, хомашё таркибидаги тўшама миқдorigа боғлиқ.

Биореактор ҳажми гўнг миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Гўнг миқдори эса ҳайвонлар сонига, уни чиритиш услубига ҳам боғлиқ. Негаки, тўшамасиз гўнгни ювишда оқованинг умумий миқдори бир неча бор ортади. Бу эса иситишга кўп энергия сарфланишига сабаб бўлади. Биореакторнинг бир кунлик ишлаб чиқариш унумдорлиги таркибидаги қуруқ модда 8-15% бўлган гўнг солинганда реактор ҳажмига нисбатан тахминан икки баравар кўп миқдорни ташкил этади. Масалан, 60 м³ ҳажмга эга биореактор бир кунда 100-150 м³ биогаз ишлаб чиқаради.

Биореакторни мезофил режимда ишга туширишда уни 90 фоиз миқдорда субстрат билан тўлдириш ва биореакторда 7-12 кун мобайнида сақлаш зарур. Шундан сўнг ундаги ачитилган маҳсулотни олиб, янги субстрат солиш мумкин.

Қандай конструкция танланишидан қатъий назар реактор қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

- сув ва газ ўтказмаслик: сув ўтказмаслик сувнинг сирқиб кетмаслиги ва сизот сувлар ифлосланишининг олдини олиш. Газ ўтказмаслик ишлаб чиқиладиган газнинг тўлиқ миқдорини сақлаш, шунингдек, реакторда биогазнинг ҳаво билан аралашиб кетишининг олдини олиш учун зарур;

- энг кам ер майдони қурилиш қийматини ва реактор деворлари орқали иссиқлик йўқотилишини камайтиради:

- иссиқликни сақлаш изоляцияси биогаз қурилмасининг куз-қиш даврида самарали ишлашида муҳим ўрин тутди;

- реактор конструкциянинг барқарорлиги барча оғирликни кўтариш учун зарур (газ босими, хомашё оғирлиги ва босими, қоплама оғирлиги) ва бу қурилманинг узок вақт ишлашининг кафолати ҳисобланади:

- конуссимон ёки ярим доира шаклидаги тубли ва юзали цилиндр реакторнинг энг яхши шакли ҳисобланади. Бетон ёки ғиштдан тайёрланган квадрат реакторлардан фойдаланиш тавсия этилмайди. Негаки хомашё босими туфайли реактор бурчакларида ёриқлар пайдо бўлади, шунингдек, қаттиқ заррачалар тўпланиб, ачитиш жараёнига ҳалақит беради. Хомашё юзасида қобиқ қатлам пайдо бўлишининг олдини олиш ва унинг тўлиқ ачишини таъминлаш учун реактор ички деворлар ёрдамида бир қанча секцияларга бўлиниши мумкин.

Реакторлар қуйидаги материаллардан тайёрланиши мумкин:

- пўлат идишлар герметиклиги билан устун туради ва катта босимни кўтара олади ҳамда тайёрланиши ҳам осон. Тайёр сиғимлардан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан фойдали. Етарли сиғимга эга металл цистерна мавжуд бўлса, ички ва ташқи деворларида кавак бор-йўқлиги, пайванд сифати ва бошқа камчиликлари текширилиши ва албатта бартараф этилиши лозим. Кейин уларнинг сирти тозаланиб, бўялиши керак;

Реактор сифатида фойдаланиладиган пластик идишлар юмшоқ ва қаттиқ бўлади. Юмшоқ сиғимларга шикаст етказиш осон ва йил бўйи ишлаши учун совуққа чидамли қилиш қийин. Қаттиқ пластик сиғимлар конструкцияси пишиқлиги билан ажралиб туради ва чиримайди. Шунинг учун органик чиқиндиларни психрофил қайта ишлаш учун улардан фойдаланиш тавсия этилади.

- Бетон сиғимлар ривожланган давлатларда анча оммалашган. Газ ўтказмасликнинг шартлилиги сифатли қуриш ва махсус қопламалардан фойдаланишни талаб этади, чунки реактор бурчакларида тез-тез ёрилишлар пайдо бўлиб туради. Бетон сиғимлар қурилиши учун кам пул сарфланиши ва фойдаланиш муддати чекланмагани уларнинг афзаллик томонларидандир;

- Ғишт териш кичик реакторларни қуришда кўп ишлатиладиган услуб ҳисобланади. Шу мақсадда яхши пишитилган ғиштар, бетон блоklar ёки сифатли тошлардан фойдаланиш мумкин.

Реакторларда ўрнатиладиган назорат-ўлчаш асбобларидан реактордаги хомашё сатҳини, унинг ичидаги харорат ва босимни назорат қилишда фойдаланилади.

Биоўғит ва уни қўллаш имкониятлари қуйидагича тавсифланади. Биогаз технологияларини қўллаш биогаздан ташқари экологик тоза ва юқори самарали органик ўғит (биоўғит) ишлаб чиқариш имконини ҳам беради. Биоўғит таркибидаги тупроқнинг сингдирувчанлиги ва нам тортишини оширадиган органик ва минерал моддалар унда биочиридилар кўпайишига хизмат қилади, тупроқ емирилишининг олдини олади ҳамда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширади.

Қишлоқ жойларда биогаз технологияларидан фойданишнинг халқаро тажрибаси бўйича кўплаб нашрлар биогаз, яъни метанга бой ёнувчи газ ушбу технологияларнинг асосий маҳсули ҳисобланиши, биоўғит эса бу жараённинг кўшимча маҳсулоти эканидан далолат беради. Шунингдек, унутмаслик керакки, бу иссиқлик ва электр энергияси кескин етишмаслиги сезилаётган туманларга тааллуқлидир.

Бироқ тупроғи емирилишга мойил аа тупроғида чиринди миқдори кам бўлган муайян бир қишлоқ ҳудудида биоўғитлар таркибидаги озуқа қиймати юқорилиги туфайли катта аҳамият касб этади. Шунингдек, органик чиқиндиларни анаэроб ачитиш орқали қайта ишлаш имконияти пайдо бўлади.



3-расм. Биогаз қурилмаларининг фермер хўжалиғи тизимидаги роли ва аҳамияти

Органик моддалар қишлоқ хўжалик экинлари етиштириладиган ерларда муҳим ўрин тутаяди. Ердаги органик моддаларнинг асосий қисми дастлаб барқарор макромолекулаларга (чириндига) биологик айлантирилиши лозим. Чиринди таркибига чиринди кислоталар (ерлар унумдорлиги учун жуда муҳим) киради, шунингдек, унинг таркибида микроорганизмлар таъсири остида ўсимликларни озиклантирадиган асосий озуқа элементлари ҳам бор.

Ўзбекистоннинг иссиқ иклимли шароитида қисқа муддатли самара катта аҳамиятга эга. Негаки қисқа вақт ичида ўтадиган жадал биологик таъсир остида гўннинг чорва моллари учун сомон ёки тўшама каби фракциялари ҳам парчаланаяди. Ушбу жараён учун одатда кўп вақт талаб этиляди, Мезофиль шароитида анаэроб ачитиш жараёнида органик модданинг 25-30 фоизи парчаланаяди ва шу тариқа азотнинг таркиби 1 % дан 1,5 % га ошади. Анаэроб ачитиш давомида янги минерал азот ҳосил бўлмайди, азотнинг 15-18 % аммонийга (NH_4) айланади, Анаэроб ачитилган органик чиқиндиларда (қуйқум, компост) азот асосан полимеризацияланган органик шаклда (чиринди) ёки оксидланган шаклда (нитрат ва нитрит) бўляди.

Кўплаб ер усти ва сув ўсимликлари учун аммоний тупроқдаги оксидли азотдан кўра қимматли азот манбаи экани ҳақида талай амалий далиллар мавжуд. Аммоний кам ишқорланади заррачалар, масалан, тупроқ ва чиринди алмашинуви учун кўпроқ яроқли бўляди.

Ўтказилган тажрибалар шунини кўрсатдики, гўнни биогаз қурилмаларида ачитиш натижасида олинган суюқ, биоўғит таркибида аммиакли азот 260% га кўпаяр экан. Фермер хўжаликларида компостлангандан сўнг олинган оддий гўн таркибидаги аммиак азоти 17,5 % камаяди. Бу суюқ эритма таркибидаги аммиак компост гўнида ҳосил бўлганига қараганда исталганча мавжуд бўлишидан далолатдир.

Анаэроб ачитиш натижасида гўн таркибидаги органик углероднинг 30-40% карбонат ангидрид ва метанга (ва бошқа газларга) парчаланаяди. Органик углероднинг қолган қисми эса сақланиб қоляди ва унинг таркибида ривожлантирадиган озуқа

моддалари бўлади,

Биоўғитлар суюқ эритмасининг органик фракцияси таркибида 30-40% ўзлаштирилмаган лигнин, целлюлоза ва липид материаллари (куруқ вазнда) бўлади. Бу моддалар ишлов берилган ерга сепилганда ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиши осон бўлади. Суюқ фракциянинг қолдиғи дастлаб, хомашё таркибида бўлган, аммо бактериологик парчаланмайдиган ёки модификацияланмайдиган моддалардан (минерал заррачалар, тузлар ва ҳоказо) иборат.

Суюқ биоўғитларнинг асосий афзалликлари:

- ачитиш жараёни туфайли биоўғитларни қисқа муддат ичида ишлаб чиқариш;

- азот йўқотилишининг камайиши;

- азот аммоний (NH_4) шаклида бўлгани туфайли уни ўсимликлар яхши ўзлаштириши;

- касаллик қўзғатувчи микроблар ва микроорганизмлар сонининг камайиши;

- биоўғит суюқ эритмаси биогаз қурилмасида тўлиқ қайта ишлангандан сўнг ёқимсиз ҳиди йўқолади ва бу чивин ёки бошқа ҳашоратлар пайдо бўлишининг олдини олади;

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, биогаз қурилмаларини қўллаш экологик аҳволни яхшилаш имконини беради. Бу қишлоқ хўжалик ерларидан янада самарали фойдаланиш ва органик чиқиндиларни қайта ишлаш (азот ишқорланишининг камайиши, атмосферага аммиак ва метан чиқишининг озайиши) билан боғлиқ. Ушбу билвосита фойда қўп ҳолларда бевосита экологик фойдадан ошади, яъни ёқилғининг органик турларини биогаз билан алмаштириш атмосферани ифлослантирадиган карбонат ангидрид газм ва бошқа иссиқхона газларининг атмосферага чиқишини камайтиради.

АДАБИЁТЛАР

1. Н.Х.Тўхтабоев, Мақола, “Андижон вилоятида саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари чиқиндиларидан биоэнергия ишлаб чиқариш муаммолари” 2009 йил.
2. <http://www.biomassa.ru>, «Топливо из биомассы»;
3. <http://www.biomass and energy.ru>, «Жидкие виды биотоплива»;
4. Chartier P. Le potentiel energetique de la biomasse, Futuribles 2000, (Paris), pp. 19-34, 1980.
5. Chartier P., Meriaux S., *Recherche*, 11, № 113, 766-776 (1980).
6. Demeyer A., Jacob F., Jay M. et al., La conversion bioenergetique du rayonnement solaire et les biotechnologies, Paris, Technique et documentation, pp. 352, 1981.
7. DaSilva E.J., *Ambio* (Stockholm), 9, № 1, 2-9 (1980)
8. Smill V., *China's Energy: Achievements, Problems, Prospects*. N.Y., Praeger, pp. 246.
9. Меликулов, Н., & Кучкоров, С. К. (2022). Одновременное действие изгиба и сжатия в пластинах, подкрепленных по контуру упругими тонкостенными стержнями. *Механика и технология*, 3(8), 64-69.
10. Xolmirzaev, J. Z., Kuchkorov, S. K., & Eksanova, S. SH.(2020). Udarno-Vrascatel'naya Dinamicheskaya Model' Rabochego Organa Ochistitelya Xlopka. *Kontseptsii I Modeli Ustoychivogo Innovatsionnogo Razvitiya*, 137.
11. Кўчкоров, С. К., Эксанова, С. Ш., Туйчиева М. В. (2022). ТЕКИСЛАГИЧГА БЕРИЛАДИГАН ТИК БОСИМ КУЧИНИ ВА УНИНГ ИШ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШ. БАРКАРОРЛИК ВА ЕТАКЧИ ТАДКИКОТЛАР ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ , 488-494.

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЧИҚИНДИЛАРИ ВА УЛАРДАН ОЛИНАДИГАН
ЭНЕРГИЯ**

Ваҳобова Сожида Комилжонова
НамМҚИ, доценти, +99894-656-65-74 sojidavsk310783@gmail.com

Аннотация. Мақола ноанъанавий энергия манбаси сифатида ишлатилиши кўзда тутилган биомассалардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилган. Биомассалар асосан аҳоли томонидан хўжалик ишларида ишлатилиб, яроқсиз ҳолатга келтирилган маҳсулот яъни чиқиндилардан оқилонга фойдаланиш мақсадида, янги технологиялар асосида энергия ишлаб чиқиш, ишлаш шароитларини ўрганиш, биогаз қурилмаларини ўйлаб топиш ва уни аҳоли эҳтиёж учун биогаз сифатида ишлатилиши мумкинлиги асосланган.

Аннотация. Статья направлена на идею о возможности использования биомассы, которую предполагается использовать в качестве нетрадиционного источника энергии. Биомасса-это продукт, который в основном используется населением в хозяйственной деятельности и доведен до непригодного состояния использования, т.е. для того чтобы разумно использовать отходы, а так же получение энергии на основе новых технологий и изучение его среды работы, изобретение биогазовых установок, и ещё что его можно использовать его в нуждах населения.

Abstract. The article focuses on possibility of using biomass which is intended to be used as a non –conventional energy source. It is based on the fact that biomass is mainly used by the population in economic activities and it is possible to use as biogas for the needs of the population, in order to develop energy based on new technologies, learn the operating conditions, invent biogas devices and use it as biogas for the purpose of rational use of waste.

Калит сўз: биомасса, биогаз, иссиқлик энергияси, канцероген моддалар, патоген микроорганизмлар, ацидогенез, метаногенез, дайджестер.

Ключевые слова: биомасса, биогаз, тепловая энергия, канцероген вещества, патогенные микроорганизмы, ацидогенез, метаногенез, дайджестер.

Key words: biomass, biogas, heat energy, carcinogenic substances, pathogenic microorganisms, acidogenesis, methanogenesis, digester.

Кейинги йилларда жаҳондаги кўп мамлакатларда энергия танқислиги туфайли юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш мақсадида энергиянинг альтернатив турларини излаб топиш ва умумий энергия истеъмолида янги энергия турларининг хиссасини тобора орттириш йўлида бир қатор илмий текшириш муассасалари, лабораториялар, саноат группалари изланиш олиб бормоқда.

Альтернатив энергия манбаси сифатида энг катта эътибор биомассага қаратилган. Биомасса асосий энергетик потенциали инсон томонидан истеъмол қилинади. Ҳозирги кунда жаҳондаги умумий энергия истеъмолининг 1/7 қисми биомасса ҳисобига амалга оширилиб, бу кунига 3 млн. тонна нефтга тўғри келади.

Энергия ва юқори самарали органик ўғитлар олиш учун биомасса ва биогаз технологияларидан фойдаланиш республика фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятининг энг истиқболли йўналишларидан ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги чиқиндилари ўзида биомассанинг улкан манбаини намоён этади. Ўсимлик ва хайвонлар чиқиндилари Ер юзидаги биомассадан иборат, муҳим ёқилғи тури олинадиган энергиянинг катта миқдорини ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги чиқиндилари

асосан етиштириладиган экинлар чиқиндиларини ўз ичига олади масалан, буғдой ва шоли сомони ҳамда қипиқлари, ғўзапоя ва целлюзага бой ёввойи ўсимликлар, похол, қорамол гўнги, яроқсиз ва ортиқча маҳсулот. 1985 йилда Хиндистонда 110 млн тонна гўнг ва экинлар қолдиқлари ёқилғи сифатида фойдаланилган. Худди шу йилларда Хитойда қишлоқ хўжалиги чиқиндилари миқдори ёғоч ёқилғиси миқдоридан 2.2 марта ортиб кетади. Ҳар йилда Ер юзи бўйлаб миллионлаб тонна похол ҳосил қилинади. Лекин минг афсус билан шуни айтиш мумкинки, ҳар йилда етиштирилган похолнинг ярмидан кўпи фойдаланилмай қолиб кетади. Кўп мамлакатларда бу олтинга тенг биомасса даланинг ўзида ёқиб юборилади ёки кўмиб ташланади. Худди шунинг учун ҳам кўпгина ривожланган мамлакатларда экологияни сақлаш ташкилоти томонидан далаларда биомассани ёқиш таъқиқлаб қўйилган. Бу тақиқловлар биомассага энергия манбаи назари билан қарашга сабаб бўлди.

Экин қолдиқларининг энергетик мақсадларда қўлланилиши қуйидаги саволни келтириб чиқаради: ҳосилга салбий таъсир этмайдиган қандай миқдордан фойдаланиш мумкин. Ривожланган мамлакатлар малакасига мувофиқ ҳолда 35% атрофидаги экин қолдиқларини келгусидаги ҳосилга таъсир қилмаган ҳолда йўқотиш мумкин экан. Биомассани ташкил этадиган саноат чиқиндилари ҳам энергия ишлаб чиқаришда фойдаланилиши мумкин. Масалан, спирт ишлаб чиқариш қолдиқларидан ёнувчи газ олиш мумкин. Бошқа турдаги фойдали чиқиндиларга озуқа ҳамда тўқимачилик саноати чиқиндилари киради. Юқоридаги фикрларга қайтадиган бўлсак қишлоқ хўжалик чиқиндиларидан сифатли энергия олиш мумкин. Худди шунинг учун ҳам олимлар томонидан чиқиндилардан энергия олишнинг ҳар хил усуллари ишлаб чиқилди, булардан бири ва энг самаралиси биогаз ҳисобланади.

Биомассани бижғитиш орқали биогаз олиш ботқоқларда ҳосил бўладиган газ таркибини ўрганиш жараёнида очилган бўлиб, ҳосил бўладиган газ таркибида 65% метан, 30% карбонат ангидрид, 1% водород сульфид ва оз миқдорда азот, кислород, водород, ис гази бўлади. Бу газ мовий ранг, ҳидсиз, тутунсиз аланга бериб ёнади ва ёғоч, куруқ тезак каби тутаб ёнувчи манбаларга нисбатан истеъмол учун қулай ҳисобланади. 1м³ биогазнинг ёниш иссиқлиги 25 МЖгача етади. 1 м³ биогаз 0.6 м³ табиий газ, 0.74 л нефт, 0.66 л дизел ёнилғисига эквивалент миқдорда энергия бера олади.

Иссиқлик қурилмасининг фойдали иш коэффицентига (ФИК) қараб, биогазнинг ушбу миқдоридан 2 кВт соат электр ва 2 кВт соат иссиқлик энергияси олиш мумкин.

Битта сигирнинг бир кунлик гўнгидан 1,5 - 3,0 м³ биогаз олиш мумкин. 1 м³ биогаз ичидаги энергия 0,7 м³ табиий газ энергиясига тенгдир. Биогаздан фойдаланиш мазут, кўмир, электр энергияси ва бошқа энергия манбаларини тежаш имконини беради. Биогаз қурилмаларини жорий этиш чорвачилик фермалари, паррандачилик фабрикалари, уларга туташ ҳудудларнинг экологик аҳволини яхшилайти, атроф-муҳитга зарарли таъсирнинг олдини олади.

Одатда фермер хўжаликларида йил давомида катта миқдорда гўнг, ўсимликлар қолдиқлари, турли чиқиндилар тўпланиб қолади. Улар чиригандан сўнг органик ўғит сифатида ишлатилади, Бироқ, уларни ферментлаш пайтида қанча миқдорда биогаз ва иссиқлик энергияси ажралишини ҳамма ҳам билавермайди. Ҳолбуки, бу энергия қишлоқ аҳолиси учун жуда қўл келиши мумкин.

1-жадвал

Биогазнинг кимёвий таркиби

Модда номи	Кимёвий формула	Таркибидаги моддалар, %
Метан	CH ₄	40-75

Карбонат ангидрид (ис газы)	CO ₂	25-55
Сув буғи	H ₂ O	0-10
Азот	N ₂	<5
Кислород	O ₂	<2
Водород	H ₂	<1
Водород сульфид	H ₂ S	<1
Аммиак	NH ₃	<1

Чорвачилик фермаларининг гўнги ва унинг суюк таркибий қисмлари оқова сувлар билан бирга атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатади, сизот сувларни ва ҳавони захарлайди, тупрокда зарарли микроорганизмлар кўпайиши учун қулай муҳит яратади. Чорва моллари гўнги таркибида учрайдиган касаллик туғдирувчи бактериялар ва паразит куртлар (гижжалар) тухумлари ва ёввойи ўтлар уруғлари ўз кучини сақлаб қолади.

Ушбу салбий ҳолатларни бартараф этиш учун озиклантирувчи моддалар қуюқлигини ошириш билан бирга ёқимсиз хидни, касаллик кўзгатувчи (патоген) микроорганизмларни йўқотиш, зарарли (канцероген) моддалар миқдорини камайтириш имконини берадиган гўнгни қайта ишлаш бўйича махсус технология мавжуд. Бу муаммони ҳал этишнинг истиқболли, экологик ҳавфсиз ва иқтисодий жиҳатдан фойдали йўналиши гўнг ва органик чиқиндиларни биогаз қурилмаларида анаэроб қайта ишлашдан иборат. Бунинг натижасида олинадиган биогаз таркибида метан кўп бўлгани (75 %гача) туфайли у ёнувчандир. Биогаз махсус иншоотлар - метантанкларда ишлаб чиқилади ва ундан чорвачилик бинолари, уй-жойлар, иссиқхоналарни иситиш, овқат тайёрлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, газ электр генераторлари ёрдамида электр энергиясини ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкин.

Қолган табиий моддалар табиий қайта ишлангандан сўнг юқори сифатли зарарсизлантирилган ўғитга айланади. Олинган ўғит таркибидаги озуқа моддалари оддий гўнгдагига нисбатан анча кўпаяди.

Биогаз ҳосил қилиш уч босқичда амалга оширилади: биомассани намлаш ва гидролиз қилиш, ацидогенез ва метаногенез.

Жараён 8-20 кун ҳавосиз шароитда амалга ошади. Энергоконверцияда киритилаётган биомассанинг ярми иштирок этади ва 1800 ккал/кг энергия олиш имконини беради. Биомассани метаногенездан қолган қисми қишлоқ хўжалиги учун ўғит сифатида ишлатилади.

Биогаз ишлаб чиқаришда учта гуруҳ бактериялар иштирок этади. Биринчи гуруҳ бактериялар мураккаб органик субстратларни мой, пропион ва сут кислоталарига; иккинчи гуруҳ бактериялар бу кислоталарни сирка кислотаси, водород ва карбонат ангидридга; учинчи гуруҳ бактериялар карбонат ангидридни қайтарилиши ва водородни ютилиши орқали метан ҳосил қилади. Биогаз олиш учун ён томонидан ферментатив материал киритиш учун тегишли бўлган сув ўтказмайдиган цилиндрик цистерналар (дайджестер) дан фойдаланилади.

Бижғитилаётган аралашмадан ажралаётган газни йиғиш учун дайджестер устида гумбаз шаклида пўлат цилиндрик контейнер ўрнатилади. Бу гумбаз ёпиқ система ҳосил қилиш ва жараёнга ҳаво кирмаслиги учун ҳам хизмат қилади. Гумбаз чўққисиди газни чиқариш учун трубка бўлади. Дайджестер ғишт, бетон ёки пўлатдан, пластмассадан қурилиши мумкин. Агар дайджестер пластмассадан қурилса нейлон қоп гумбаз вазифасини бажариши мумкин. Газ тўпланган сари қоп шишиб, трубка орқали компрессорга берилиши мумкин.



1-расм. Биогаз олишда фойдаланиладиган биореакторлар

Уй-хўжалик, ошхона чиқиндилари ва суюқ гўнгдан фойдаланилганда сув ва қаттиқ моддалар орасидаги нисбат 1:1 бўлиши лозим. Умуман олганда қаттиқ модданинг концентрацияси оғирлик бўйича 8-11% ни ташкил этиши керак.

Дайджестерга материал киритилгандан сўнг биринчи марта аралаштрилган бактериялар фаолияти ниҳоясига етгач, дайджестер ичидаги суюқликдан бошқа дайджестер учун фермент сифатида фойдаланилади, бу бактериалардан узоқ вақт фойдаланиш имконини бериб, уларни янги партиясини сотиб олиш заруриятини камайтиради, пировард натижада иқтисодий самарани орттиради. Дайджестер ичида рН нейтралга яқин бўлиши керак (рН 6.0-8.0). Жараён микроорганизмларнинг мезофиллиги ва термофиллигига қараб 30-40 ёки 50-60⁰ С да олиб борилади.

Биогаз қурилмаларида қайта ишлаш учун куйидаги арзон қишлоқ хўжалиги чиқиндилари хомашё сифатида ишлатиш мумкин:

- қорамол, қўй-эчки, парранда ва чўчка гўнги;
- сомон, пайраха, қипиқ, хас-чўп, дарахтларнинг тўкилган барглари;
- маиший чиқиндилар, инсон ҳаёти ва фаолияти натижасида ҳосил бўлган чиқиндилар, маиший органик чиқиндилар ва ҳоказолар.

Бугунги кунда биогаз технологияларида фойдаланиладиган хомашёнинг қарийб 470 тури мавжуд. Бу материаллар чорвачилик чиқиндилари (гўнг), қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш (қайта тикланадиган хомашё) ва саноат ҳамда уй-жой-коммунал хўжалик органик чиқиндиларидан (био-чиқиндилар) олинадиган моддалардан иборатдир.

Фермер хўжаликлари қўллайдиган энг кенг тарқалган биогаз қурилмаси - узлуксиз биогаз тўплайдиган биогаз қурилмаларидир. Гўнг тўплаб бўлингач, бир йўла биореакторга жойланади. Тупроқни озиклантириш зарурати туғилганида ишлатилган гўнг биореактордан бўшатиб олинади. Бундай зарурат бўлмаганда эса, ишлатиб бўлинган субстрат реактордан йиғма танкка солинади ва қолдиқ биогазни ушлаб қолиш учун резина мембрана билан қопланади.

Қурилманинг яна бир оммалашган тури - узлуксиз ишлайдиган реактордир. Бундай қурилмада биореакторга ҳар куни маълум миқдорда чиқинди солиб турилади, шунча миқдордаги ачиган субстрат махсус ҳовузга бўшатилади. Биореактордаги субстрат миқдори доимийлигича қолади. Кўпчилик кичик қурилмаларга бир кунлик хомашё кунига 1-2 марта солиб турилади. Узлуксиз режимда ишлайдиган катта биореакторлар ҳар соатда гўнг билан тўлдирилади.

Метантанкда биогаз ҳосил бўлишига таъсир кўрсатувчи кўплаб омиллар мавжуд ва улар ўртасидаги боғлиқлик ниҳоятда мураккаб хусусиятга эгадир. Метантанкда олинадиган биогазнинг фойдали миқдори бактерия томонидан ҳосил қилинган газ ҳамда

жараён маромида кечиши учун фойдаланиладиган газ миқдоридан фарқ қилади. Ҳосил бўладиган биогаз миқдори муайян даражада метантанкка солинадиган хомашё миқдори, таркибидаги қаттиқ моддалар, уларнинг биологик парчаланиши, ачитиш учун ишлатиладиган ҳарорат, шунингдек, ингибиторлар мавжудлигига боғлиқдир.

Жараён маромида кечиши учун зарур бўлган энергия эса метантанкнинг ҳарорати, дастлабки хомашё ва атроф-муҳит ҳароратига боғлиқ. Биореакторнинг устки даражаси, иссиқлик изоляцияси учун фойдаланиладиган иссиқликни алмаштириб берувчи қурилма самарадорлиги, хомашёни аралаштирадиган ва етказиб берадиган механизмнинг энергия истеъмоли эса бошқа омиллар сирасига киради.

Биореакторда субстратни аралаштириб туриш зарурияти қуйидагилар билан боғлиқ:

- янги субстратни ачиган биомассага қўшиш;
- биореакторнинг бутун ҳажми бўйича бир хил иссиқлик етказиб бериш;
- субстрат сиртида қатқалоқ ва тубида чўкиндилар ҳосил бўлишлигини олдини олиш;
- субстрат ичидаги биогазни чиқариб юбориш.

Агар субстрат механик аралаштирилмаса, чўкиндилар, сиртда эса қобиклар ҳосил бўлади. Узлуксиз биогаз ишлаб чиқариш жараёнида қобик қуригандан сўнг уни йўқ қилиш жуда қийин бўлади, Иқтисодий фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, кичик биогаз қурилмаларида фақат битта қоригичдан фойдаланилади. Шу муносабат билан ушбу қориш мосламасини қобик ва чўкиндилар ҳосил бўлишининг олдини олиш мақсадида сошлаш зарур.

Одатда бир дақиқада 15-50 оборот тезликка эга бўлган секин айланадиган миксерлардан фойдаланилади. Шунинг эътиборга олиш керакки, қоригичларнинг ҳамма тури ҳам тўғри келган субстратлар учун мўлжалланмаган. Хусусан, горизонтал парракли қоригич йирик қорамолнинг таркибида сомон қўп бўлган гўнги учун яхши мослаштирилган. Шунга қарамай, ушбу мослама суяқ субстратларни ҳам аралаштириш учун қулай. Парракли миксерлар бу борада энг кенг қўлланилаётган қоригич ҳисобланади. Улар субстрат таркиби, биореактор шакли ва катта-кичиклигидан қатъий назар қўллаш учун ихчам. Чўқтирма двигателларни совутиш зарурати ҳисобга олинган ҳолда, улар учун ачитиш ҳарорати 40 °C ошмаслиги лозим.

Одатда биогаз қурилмаси (БГҚ) эҳтиёт қисмлари ва узеллари занглашининг олдини олиш мақсадида биогазни водород сульфиддан тозалаш (десульфуризациялаш) керак. Фермер хўжалиги шароитида қўпгина ҳолларда водород сульфидни йўқ қилишнинг биологик услуби қўлланилади. Бунинг учун эса биогазга микробиологик услубда оксидланган ҳаво қўшилади. Оксидланган ҳаво тўғридан-тўғри биореактор ёки газгольдерга етказиб берилди. Жараён учун зарур ҳаво миқдори водород сульфиди (H_2S) қуёқлигига қараб, биогаз миқдорининг 2-6 фоизини ташкил этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юқорида таърифи келтирилган биомассалардан унумли фойдаланиш бошқа қолган табиий ресурслардан электр энергияси олиш имкониятларни тежаш йўли бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Н. Х. Тўхтабоев, Мақола, “Андижон вилоятида саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари чиқиндиларидан биоэнергия ишлаб чиқариш муаммолари” 2009 йил.
2. <http://www.biomassa.ru>, «Топливо из биомассы»;
3. <http://www.biomass and energy.ru>, «Жидкие виды биотоплива»;

4. Chartier P. Le potential energetique de la biomasse, Futuribles 2000, (Paris), pp. 19-34, 1980.
5. Chartier P., Meriaux S., Recherche, 11, № 113, 766-776 (1980).
6. Demeyer A., Jacob F., Jay M. et al., La conversion bioenergetique du rayonnement solaire et les biotechnologies, Paris, Technique et documentation, pp. 352, 1981.
7. DaSilva E.J., Ambio (Stockholm), 9, № 1, 2-9 (1980)
8. Smill V., China's Energy: Achievements, Problems, Prospects. N.Y., Praeger, pp. 246, 1976
9. В. Некрасов «Микробиологическая анаэробная конверсия биомассы», 2001, рукопись.
10. Кўчқоров, С. К., Эксанова, С. Ш., Туйчиева М. В. (2022). ТЕКИСЛАГИЧГА БЕРИЛАДИГАН ТИК БОСИМ КУЧИНИ ВА УНИНГ ИШ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШ. БАРКАРОРЛИК ВА ЕТАКЧИ ТАДКИКОТЛАР ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ , 488-494.
11. Меликулов, Н., & Кучқоров, С. К. (2022). Одновременное действие изгиба и сжатия в пластинах, подкрепленных по контуру упругими тонкостенными стержнями. *Механика и технология*, 3(8), 64-69.
12. Holmirzaev, J. Z., Kuchkorov, S. K., & Eksanova, S. SH.(2020). Udarno-Vrashatel'naya Dinamicheskaya Model' Rabocheho Organa Ochistitelya Xlopka. *Kontseptsii I Modeli Ustoychivogo Innovatsionnogo Razvitiya*, 137.
13. Бокижонович, И. Қ., Каримжонович, Қ. С., Абдуназаров, Э. Э., & Ортиқов, Н. Б.Ў.(2022). Анор тупларини кўмадиган машина уюмлагичининг конструкцияси. *Механика и технология*, 3(8), 98-102.

UDK 621.01:677.21

ПАХТА ТОЗАЛАШ МАШИНАЛАРИ ИШЧИ ЗОНАСИНИНГ ТОЗАЛАШ САМАРАДОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Кадилова Феруза Мухаммаджоновна
НамМҚИ, катта ўқитувчи, +99893944-72-74, qodirovaferuza593@gmail.com

Аннотация. Пахта тозалаш натижаларини мақоланинг графикларидан кўрадиган бўлсак, оқимда қозикчалар зарбасининг таъсири зичлик ва тезлик зарба жойларида кескин ўзгарувчи ҳолатда бўлади, қозикчалар орасидаги зичлик умумий олганда бир-бирга ўтишда ўзгармайди, лекин тезлик сезиларли даражада ўзгаради, бу эса усқунанинг юқори ишлаб чиқариш қувватида сезилади.

Аннотация. Если мы видим анализ результатов хлопкоочистки на графике в этой статье, то воздействие кучи в потоке находится в состоянии резкого изменения плотности и скорости в зонах воздействия, плотность между кучами, как правило, не изменяется. меняются при проезде друг к другу, но скорость меняется существенно, что сказывается в высокой производительности оборудования.

Abstract. If we can see the analysis of cotton ginning results in the graph in this article, the impact of piles in the flow is in a state of sharp change in density and speed at the impact areas, the density between the piles generally does not change when passing to each other, but the speed changes significantly, which means that in the high production capacity of the equipment is felt

Калит сўзлар: пахта, тозалагич, пахта хомашёси, пропорционаллик коэффициент, математик модел, кинематик ўлчам.

Ключевые слова: хлопок, очиститель, хлопок-сырец, коэффициент пропорциональности, математическая модель, кинематическая размерность.

Key words: cotton, cleaner, raw cotton, proportionality coefficient, mathematical model, kinematic dimension.

Дунё микёсида юқори намлик ва ифлосликка эга бўлган, айниқса машинада терилган пахтани дастлабки ишлаш техника ва технологиясини такомиллаштиришда кўпроқ, пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалаш жараёнлари назарий асосларини ишлаб чиқиш, ишчи қисмлар ва механизмлар ҳаракат параметрлари ҳамда иш режимларини асослаш, улар орқали пахтани титиш ва тозалашни таъминлайдиган геометрик ва кинематик ўлчамларнинг оптимал қийматларини аниқлаш бўйича кенг қамровли назарий ва комплекс тажрибавий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, пахтани тозалаш самарадорлигини ва маҳсулотнинг дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлашни таъминлаш, жумладан, пахта тозалашнинг маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатмайдиган оптимал режимларини танлаш имконини берувчи математик моделларни яратиш ва пахтани титиш ва ифлос аралашмалардан тозалашда кучли зарбавий таъсирларни камайтириш, пахта тозалашнинг юмшоқ режимли технологияларини ишлаб чиқиш, тозалагичларнинг ресурстежамкор ишчи органлари конструкцияларини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки пахта хомашёсига зарба ёки силкитиш кучи таъсир этса, ундаги ифлос заррачаларнинг хомашёга нисбатан ҳаракати содир бўлади, бу ўз навбатида унинг хомашё таркибидан ажралиб кетиш интенсивлигини оширади. Хомашёнинг тўрли юза бўйлаб ҳаракати давомида унинг таркибидаги заррача билан тўрли юза орасида контакт кучи ҳосил бўлиб, унинг таъсири остида заррачалар фазовий ҳаракатга келади, бунинг натижасида уларнинг бир қисми юзанинг очиқ жойларидан ташқарига чиқиб кетади.

Шундай механизмни тавсифлаш учун А.Г.Севостьянов томонидан модель таклиф этилган [1]. Бу моделга кўра, тўрли юзадаги хомашё микдорининг камайиши унинг массасига ва масса эгаллаган ҳажмнинг ўзгаришига тўғри пропорционал бўлади. Шу модель асосида тозалаш зонасида ҳаракатланаётган пахта хомашёси оқими таркибидаги ифлосликларни ажратиш жараёнини ўрганиб чиқамиз. Бу жараённи моделлаштиришдан олдин пахта хомашёси оқимининг тўрли сирт устидаги ҳаракати, унинг босими ва зичлигини аниқлаш лозим бўлади. Фараз қилайлик, тозалаш камерасидаги цилиндрли тўрли юзага узлуксиз равишда сарфи Q_0 (кг/сек) бўлган маҳсулот келиб тушсин. Координата бошини барабан марказида ўрнаштириб (1-расм) қуйидаги фаразларни қабул қиламиз:

1) Пахта хомашёсининг тозаланиш соҳаси цилиндрик қатламнинг қутб координата (r, α) системасида аниқланади. Уларининг ўзгариш интерваллари $R - h < r < R$, $\alpha_0 \leq \alpha \leq \alpha_{n-1}$ бўлиб, бу соҳа n та сектор $\alpha_{j-1} \leq \alpha \leq \alpha_j$ дан иборат бўлади.

Бу ерда: n - қозикчалар сони, $j = 1 \dots n - 1$,

2) Ҳаракатдаги хомашё қатламининг қалинлиги h тўрли юза радиуси $r = R$ га нисбатан етарли даражада кичик $h \ll R$.

3) Қатламнинг ҳаракати стационар ва унинг радиал тезлиги нолга тенг.

4) Уринма тезлик (сирт бўйлаб) v қутб радиусига боғлиқ эмас.

5) Ҳар бир секторнинг бошланғич кесимида қозикчалар зарбаси натижасида

%	26.56	3.83	1.05	8.22	5.35	2.44	0.47	0.46	0.40
---	-------	------	------	------	------	------	------	------	------

2- Жадвал

Тозалаш зонаси самардорликнинг бошланғич зичлик ρ_{00} ва фойдали коэффициент β нинг ҳархил қийматларида ўзгариши

$$\rho_{00} = 70 \text{ кг/м}^3$$

$\lambda = 4(1 - \beta)\beta$									
	0.1	0.2	0.3	0.4	0.5	0.6	0.7	0.8	0.9
%	7.58	6.75	0.20	9.53	5.94	0.30	3.66	0.15	0.11
$\lambda = \lambda_1 = 0.6666$									
	0.1	0.2	0.3	0.4	0.5	0.6	0.7	0.8	0.9
%	1.00	7.76	4.49	1.17	7.80	4.39	0.94	0.44	0.89

Пахта хомашёсининг оқими биринчи секциянинг тўрли юза сиртига тушганда тўртта участкага $0 < \alpha < \alpha_0$, $\alpha_0 < \alpha < 2\alpha_0$, $2\alpha_0 \leq \alpha < 3\alpha_0$ ва $3\alpha_0 \leq \alpha < 4\alpha_0$ бўлинади. (1) тенгламанинг ечими ҳар бир участкадаги контакт босим ўзгариши (2) тенглама орқали қозикчанинг ҳар бир зарбаси қуйидагича ёзилади:

$$p = p_1 = F_3(\alpha) \left[\frac{p_c}{F_3(0)} + \int_0^\alpha \frac{F_4(\alpha)}{F_3(\alpha)} d\alpha \right] \text{ бўлганда } 0 < \alpha < \alpha_0 \quad (3)$$

$$p = p_2 = F_3(\alpha) \left[\frac{p_{1c}}{F_3(\alpha_0)} + \int_{\alpha_0}^\alpha \frac{F_4(\alpha)}{F_3(\alpha)} d\alpha \right] \text{ бўлганда } \alpha_0 < \alpha < 2\alpha_0 \quad (4)$$

$$p = p_3 = F_3(\alpha) \left[\frac{p_{2c}}{F_3(2\alpha_0)} + \int_{2\alpha_0}^\alpha \frac{F_4(\alpha)}{F_3(\alpha)} d\alpha \right] \text{ бўлганда } 2\alpha_0 < \alpha < 3\alpha_0 \quad (5)$$

$$p = p_4 = F_3(\alpha) \left[\frac{p_{3c}}{F_3(3\alpha_0)} + \int_{3\alpha_0}^\alpha \frac{F_4(\alpha)}{F_3(\alpha)} d\alpha \right] \text{ бўлганда } 3\alpha_0 < \alpha < 4\alpha_0 \quad (6)$$

Иккинчи секция учун аналогни кўрадикан бўлсак,

$$p = p_5 = F_3(\alpha) \left[\frac{p_{4c}}{F_3(0)} + \int_0^\alpha \frac{F_4(\alpha)}{F_3(\alpha)} d\alpha \right] \text{ бўлганда } 0 < \alpha < \alpha_0 \text{ унда} \quad (7)$$

$$p = p_8 = F_3(\alpha) \left[\frac{p_{7c}}{F_3(3\alpha_0)} + \int_{3\alpha_0}^\alpha \frac{F_4(\alpha)}{F_3(\alpha)} d\alpha \right] \text{ бўлганда } 3\alpha_0 < \alpha < 4\alpha_0 \text{ унда} \quad (8)$$

Бу ерда:

$$p_{1c} = p_1(\alpha_0) - \left[\frac{\rho_1(\alpha_0)}{v_c} - 1 \right] / A, \quad p_{2c} = p_2(2\alpha_0) - \left[\frac{\rho_2(2\alpha_0)}{v_c} - 1 \right] / A,$$

$$p_{3c} = p_3(3\alpha_0) - \left[\frac{\rho_3(3\alpha_0)}{v_c} - 1 \right] / A, \quad p_{4c} = p_4(4\alpha_0) - \left[\frac{\rho_4(4\alpha_0)}{v_c} - 1 \right] / A,$$

$$p_{5c} = p_5(\alpha_0) - \left[\frac{\rho_5(\alpha_0)}{v_c} - 1 \right] / A, \quad p_{6c} = p_{26}(2\alpha_0) - \left[\frac{\rho_6(2\alpha_0)}{v_c} - 1 \right] / A,$$

$$p_{7c} = p_7(3\alpha_0) - \left[\frac{\rho_7(3\alpha_0)}{v_c} - 1 \right] / A$$

Ҳисоблаш учун пахта хом ашёси ҳамда тўрли юза орасидаги ишқаланиш коэффициентини $f = f_0(1 - n)$ тенглама орқали, бу ерда $n = S/S_0$, S - тўрли юзанинг банд бўлган очик юзаси, S_0 - тўрли юзанинг умумий юзаси. Шу ҳолат учун чигитли пахта таркибидаги ифлос аралашмаларнинг тўрли юза бўйича ажралиб чиқиш жараёнини кўриб чиқамиз. (6) тенглама орқали чигитли пахтани тозалаш зонасига тушадиган масса m билан боғлиқлик алоқаси ва унинг зичлиги ρ қуйидагича кўринишда бўлиши мумкин:

$$\frac{dm}{m} = \lambda \frac{d\rho}{\rho}$$

Бу ерда: $\lambda = 1/(1 + a)$, $a > 0$ - мутаносиблик коэффициенти.

Охирги тенгламанинг интегралини олган ҳолда, қониктирувчи ҳолларда $m = m_0$ (m_0 - вақт бирлиги орасида биринчи ва иккинчи қозикчалар орасидаги зоналарга тушадиган тозаланмаган пахта), $\rho = \rho_c$ бўлганда $\alpha = 0$ биринчи ва иккинчи тозалаш зонаси учун қуйидагини оламиз:

$$\frac{m_1}{m_0} = \left(\frac{\rho_1}{\rho_c} \right)^\lambda$$

Боғланиш (3) ни ҳисобга олган ҳолда, $\frac{m_1}{m_0} = [1 + A(p_1 - p_c)]^\lambda$ бўлганда $0 < \alpha < \alpha_0$

бўлади.

Ажралган ифлос аралашмаларнинг массаси m_0 , биринчи ва иккинчи, иккинчи ва учинчи, учинчи ва тўртинчи қозикчалар орасидаги, ҳамда тўртинчи қозикча ҳаракати қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\varepsilon_1 = \frac{m_0 - m_1}{m_0} = 1 - [1 + A(p_1 - p_{0c})]^\lambda \text{ бўлганда } 0 < \alpha < \alpha_0,$$

$$\varepsilon_2 = \varepsilon_1(\alpha_0) \left(\frac{\rho_2}{\rho_c} \right)^\lambda = \varepsilon_1(\alpha_0) [1 + A(p_2 - p_{1c})]^\lambda \text{ бўлганда } \alpha_0 < \alpha < 2\alpha_0,$$

$$\varepsilon_3 = \varepsilon_2(2\alpha_0) [1 + A(p_3 - p_{2c})]^\lambda \text{ бўлганда } 2\alpha_0 < \alpha < 3\alpha_0,$$

$$\varepsilon_4 = \varepsilon_3(3\alpha_0) [1 + A(p_4 - p_{3c})]^\lambda \text{ бўлганда } 3\alpha_0 < \alpha < 4\alpha_0.$$

Иккинчи тозалаш зонаси учун қуйидаги аналогдан фойдаланамиз.

$$\varepsilon_5 = \varepsilon_4(4\alpha_0) [1 + A(p_5 - p_{4c})]^\lambda \text{ бўлганда } 0 < \alpha < \alpha_0,$$

$$\varepsilon_6 = \varepsilon_5(\alpha_0) [1 + A(p_6 - p_{5c})]^\lambda \text{ бўлганда } \alpha_0 < \alpha < 2\alpha_0,$$

$$\varepsilon_7 = \varepsilon_6(2\alpha_0) [1 + A(p_7 - p_{6c})]^\lambda \text{ бўлганда } 2\alpha_0 < \alpha < 3\alpha_0,$$

$$\varepsilon_8 = \varepsilon_7(3\alpha_0) [1 + A(p_8 - p_{7c})]^\lambda \text{ бўлганда } 3\alpha_0 < \alpha < 4\alpha_0.$$

Бу ерда босим p_i ($i = 1, 2, 3, \dots, 8$) юқоридаги тенгламалар орқали аниқланади.

Ажратилган ифлосликлар учун умумий масса (умумий массага боғлиқ ҳолдаги тўрли юзадаги тозаланмаган пахта) тозалашнинг икки зонасидаги жами кўриниш қуйидагича:

$$M = \sum_{i=1}^4 \int_{(i-1)\alpha_0}^{i\alpha_0} \varepsilon_i d\alpha + \sum_{i=1}^4 \int_{(i-1)\alpha_0}^{i\alpha_0} \varepsilon_{4+i} d\alpha$$

Натижалар таҳлили, босим, тезлик ва ажратилган ифлосликлар оғирлиги (тозаланмаган пахта оғирлигига нисбатан) тозалаш ускунасининг икки хил ишлаб


чиқариш қувватида пахта билан тўрли юзанинг биринчи зонада қия учрашиши келтирилган. Ҳисоблашда қуйидагилар олинган: $R = 0.2 \text{ м}$, $\omega = 50 \text{ с}^{-1}$, $v_c = 3.8 \text{ м/с}$; $h = 0.018 \text{ м}$; $L = 1.7 \text{ м}$, $\alpha_0 = 45^\circ$, $k_0 = 0.8$, $S_0 = k_0 h L = 0.02448 \text{ м}^2$, $f = 0.1$, $\rho_0 = 40 \text{ кг/м}^3$, $p_0 = 2500 \text{ Па}$, $A = 7 \cdot 10^{-4} / \text{Па}$.

Натижалар таҳлилини графикда кўрадиган бўлсак, оқимда қозикчалар зарбаси таъсири зичлик ва тезлик зарба жойларида кескин ўзгарувчи ҳолатда бўлади, қозикчалар орасидаги зичлик умумий олганда бир-бирга ўтишда ўзгармайди, лекин тезлик сезиларли даражада ўзгаради, бу эса усқунанинг юқори ишлаб чиқариш қувватида сезилади (2-расм).


Пахта оқимидан ажралаётган ифлосликлар массасининг графиги (тозаланмаган пахта массасига боғлиқ ҳолда), 3 ва 4-расмдан кўришиб турибдики, биринчи ва иккинчи қозикчалар орасида юқори тозалаш самарадорлиги кузатилди, ажралаётган ифлос аралашмалар кейин камайиб бориши сезилди, Q_0 юқори ишлаб чиқариш қувватида иккинчи ва учинчи қозикчалар орасида сезиларли даражада ифлосликлар ажрალიши кузатилди. Шундан кўришиб турибдики, λ параметрнинг ўсиши ифлос аралашмаларнинг юқори даражада ажрალიшига олиб келади. Ҳисоблаш натижасида ажралган умумий ифлос аралашмалар тозалаш зонасида ажратилган.

$Q_0 = 8 \text{ м/соат}$


$Q_0 = 10 \text{ м/соат}$



2-расм. Икки ишлаб чиқариш қувватида Q_0 биринчи тозалаш секциясида зичликнинг $\rho(\text{кг/м}^3)$ тақсимланиши



3-расм. Икки ишлаб чиқариш қувватида Q_0 биринчи тозалаш секциясида пахта оқими тезлигининг $v(\text{м/с})$ тақсимланиши



4-расм. Ифлосликларни ажралиш жараёнидаги массанинг тақсимланиши (тозаланмаган пахта массасига боғлиқ ҳолда) ε (фоизда) икки ишлаб чиқариш қувватидаги Q_0 биринчи тозалаш секциясида.

Ҳар-хил параметрлардаги λ : $1-\lambda = 0.06$, $2-\lambda = 0.08$, $3-\lambda = 0.1$, $4-\lambda = 0.12$, $5-\lambda = 0.14$, $6-\lambda = 0.16$, $7-\lambda = 0.18$, $8-\lambda = 0.2$

1 ва 2-жадвалларда (тозаланмаган пахта массасига боғлиқ ҳолда) λ нинг ҳар хил параметрларида ва ишлаб чиқариш қуввати Q_0 икки хил бўлганда умумий ва қозикчалар орасидаги ифлос аралашмалар миқдори келтирилган. 3 ва 4-жадваллардаги маълумотларни таҳлил қилиб кўриладиган бўлса, λ нинг юқори кўрсаткичида ифлосликлар ажралиши сезиларли даражада ошиши кузатилди.

3-Жадвал

Колосникли панжаралар орасида ифлос аралашмаларнинг интенсив ажралиши

λ	0.06	0.08	0.1	0.12	0.14	0.16	0.18	0.2	0.2	0.24
$0 < \alpha \leq \alpha_0$	0.73	0.97	1.21	1.44	1.68	1.92	2.15	2.38	2.61	2.84
$\alpha_0 < \alpha \leq 2\alpha_0$	1.43	1.90	2.35	2.80	3.24	3.67	4.09	4.51	4.92	5.32
$2\alpha_0 < \alpha \leq 3\alpha_0$	1.40	1.83	2.25	2.65	3.04	3.41	3.77	4.12	4.45	4.77
$3\alpha_0 < \alpha \leq 4\alpha_0$	1.36	1.78	2.16	2.23	2.88	3.21	3.53	3.82	4.10	4.36
$M_k = \sum_{i=1}^4 M_{ik} (\%)$ $k = 1, 2, 3, \dots, 10$	4.93	6.48	7.98	9.44	11.2	12.2	13.5	14.8	16.1	17.3

Шундан кўрииб турибдики, интенсив ифлос аралашмаларнинг ажралиши биринчи ва иккинчи қовурғалар орасида кузатилади.

Жами ҳолатдаги масса ва ифлос аралашмаларнинг қозикчалар орасидаги миқдори (тозаланмаган пахта массасига боғлиқ ҳолда, %) биринчи тозалаш зонаси $Q_0 = 20/9 \text{ кг/с}$ бўлганда ва λ нинг ҳар хил параметрларида.

4-Жадвал

Ифлос аралашмаларнинг колосникли панжаралар орасидаги миқдори (тозаланмаган пахта массасига боғлиқ ҳолда, %) биринчи тозалаш зонаси $Q_0 = 25/9 \text{ кг/с}$ бўлганда ва λ нинг ҳар хил параметрларида ўзгариши.

λ	0.06	0.08	0.1	0.12	0.14	0.16	0.18	0.2	0.2	0.24
$0 < \alpha \leq \alpha_0$	0.73	0.97	1.21	1.44	1.68	1.92	2.15	2.38	2.61	2.84

$\alpha_0 < \alpha \leq 2\alpha_0$	1.43	1.90	2.35	2.80	3.24	3.67	4.09	4.51	4.92	5.32
$2\alpha_0 < \alpha \leq 3\alpha_0$	1.40	1.83	2.25	2.65	3.04	3.41	3.77	4.12	4.45	4.77
$3\alpha_0 < \alpha \leq 4\alpha_0$	1.36	1.78	2.16	2.23	2.88	3.21	3.53	3.82	4.10	4.36
$M_k = \sum_{i=1}^4 M_{ik} (\%)$ $k = 1, 2, 3, \dots, 10$	4.93	6.48	7.98	9.44	11.9	12.2	13.56	14.85	16.10	17.31

Пахта оқимидан ажралаётган ифлосликлар массаси биринчи ва иккинчи қозикчалар орасида юқори тозалаш самарадорлиги кузатилди, ажралаётган ифлос аралашмалар аввал камайиб бориши сезилди, юқори ишлаб чиқариш унумдорлигида иккинчи ва учинчи қозикчалар орасида сезиларли даражада ифлосликлар ажралиши кузатилди. Босим, тезлик ва ажратилган ифлосликлар оғирлиги (тозаланмаган пахта оғирлигига нисбатан) тозалаш ускунасининг икки хил ишлаб чиқариш қувватида пахта билан тўрли юзанинг биринчи зонада қия учрашиши аниқланди

АДАБИЁТЛАР

1. Справочник по первичной обработке хлопка. Под редакцией Омонова Ф.Б. (на узбекском языке). Ташкент-2008 г.
2. Мирошниченко Г.И. Основы проектирования машин первичной обработки хлопка. – М., «Машиностроение», 1972. – 486 с.
3. Лебедев Д.А. и др. Нелинейная модель воздействия на сорную частицу при очистке волокна. Журнал «Технология текстильной промышленности», №5(320), 2009 г.

SEMENT BETON QOPLAMARINI QURISHDA GEODEZIK BELGILARNI HISOBGA OLIB O‘LCHASHLARNI AHAMIYATI.

Mamadjanov Ma’ruf Maxmudjanovich
NamMQI, katta o‘qituvchisi, marufjon1967@gmail.com+998907416530

Muxtorov Muzaffar Zafarjon o‘g‘li
NamMQI, +998 97 250 37 07

Annotatsiya. “Yo‘l xo‘jaligi sohasini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-330 qaroriga asosan rivojlangan mamlakatlarning tajribasini hisobga olgan holda sement-beton qoplamali yo‘llarni avfzalliklari, yol qurilishi sifatini oshirishda geodezik belgilarni hisobga olinishi hamda geodezik o‘lchashlarni ahamiyatiga alohida urg‘u berilgan. Shu bilan birga sement-beton qorishmasi va qoplamasini nazoratga olish jarayonlari, afzalliklari hamda iqtisodiy samaradorligi korsatib o‘tilgan.

Annotatsiya: На основании решения Постановление Президента Республика Узбекистан как: ПП-330 «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы дорожного хозяйства» с учетом опыта развитых стран, преимуществ цементно-бетонных дорог, учета геодезических знаков в повышении качества дорожного строительства и геодезической величины. При этом показаны процессы, преимущества и экономическая эффективность контроля цементобетонной смеси и покрытия.

Annotation: Based on decision PP-330 “On measures to further improve the road sector”, taking into account the experience of developed countries, the advantages of cement-concrete roads, taking into account geodetic signs in improving the quality of road construction

and geodetic Particular emphasis is placed on the importance of measurements. It shows the processes, benefits and cost-effectiveness of monitoring cement concrete mixture and pavement.

Kalit soʻzlar: Geodezik belgi, sement-beton, betonni parvarishlash, yutilgan havoning hajmi, elektromagnit titratgich, reper otmetka, loyihaviy otmetka.

Ключевые слова: геодезическая отметка, цементобетон, уход за бетоном, объем поглощенного воздуха, электромагнитный вибратор, реперная отметка, проектная отметка.

Key words: geodetic mark, cement concrete, concrete care, volume of absorbed air, electromagnetic vibrator, reference mark, design mark,

Kirish. Yoʻl-transport infratuzilmasini yanada rivojlantirish, aholi, eng avvalo, qishloq joylarda yashovchilarning hayot faoliyati uchun qulay shart-sharoitlar yaratish, shaharlar va boshqa aholi punktlarining koʻchalari- ichki yoʻllar holatini yaxshilash va ulardan foydalanish sifatini oshirish maqsadida “Sement-beton qoplamali avtomobil yoʻllari tarmogʻini kengaytirish” chora-tadbirlari toʻgʻrisida Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-249-sonli qarori tasdiqlangan.

Yoʻl loyiha-smeta hujjatlarini tayyorlash, yoʻl-qurilish ishlarini amalga oshirish, shuningdek, ularni qabul qilib olishda hamda sifat koʻrsatkichlarini aniqlashda geodezik belgilar ahamiyatlidir.

Geodezik belgilar - joylarda geodezik punktlarni belgilash va mahkamlash uchun quriladigan yer usti inshootlari hamda yer osti qurilmalaridir. Oʻlchash ishlarida asbob geodezik belgiga qarab vizirlanadi. Geodezik belgilarning balandligi xaritada gorizontallar yordamida aniqlanadi [1].

Yoʻl qurilishida geodezik oʻlchovlarni oʻtkazishda odatda taxometrlar va nivelirlar qoʻllaniladi. Geodeziyachilar ishni boshlashdan oldin loyihada koʻrsatilgan loyihaviy belgilar bilan piketlarni mahkamlashadi hamda ishni tugatgandan soʻng, qaysi piketda belgilar berilganidan u yoki bu yoʻnalishda ogʻishini aniqlashadi.

Avtomobil yoʻllarini qurishda rivojlangan mamlakatlar tajribasini hisobga olish maqsadga muvofiqdir. AQSHda transport vositalari yuqori tezlikda harakatlanuvchi yoʻllarning 60 foizi sement-beton qoplamali yoʻllarni tashkil etadi.[2]

Ushbu koʻrsatkich Germaniyada 38 foizni, Avstriyada 46 foizni tashkil etadi. Xitoy va Yaponiyada ham koʻproq sement-beton yoʻllar qurilyapti. Xitoy sement-beton tezyurar yoʻllar qurilishini sezilarli darajada oshirmoqda. Yaponiyada mustahkamligi, oddiyligi va foydalanish muddatini hisobga olgan holda, tezyurar yoʻllardan tashqari, sement-betondan koʻp qavatli yoʻl oʻtkazgichlari qurilgan.

Sement-beton qorishma tayyorlaganda quyidagilar nazorat qilinadi:

- doimo beton qorishma tayyorlashning texnologik uskunalari rioya qilish;
- smenada kamida bir marta, yutilgan havoning hajmi, beton qorishmaning yaxshi joylashishini, ish qorishmasida kimyoviy qoʻshilmalar tarkibi, betonning siqilishga mustahkamligi;

Qoplamalar va asoslarni monolit betonlardan qurilganda, quyidagilar nazorat qilinadi:

- doimo betonlashning texnologik jarayoni va uni parvarishlashning talabiga rioya qilish;
- choklarni tayyorlash;
- armaturalarni va qistirmalarni toʻgʻri qoʻyish;
- qoplama yuzaning bir tekislikdaligi va chet qiyalarining mustahkamligi;
- betonlashni boshlashdan oldin tortilgan sim va rels qoliplarni toʻgʻri oʻrnatilganligi.

Smenada 1 marta va beton yotqizilayotgan joydagi qorishmaning sifatini oʻzgarishi:

- betonning mustahkamligini uchta nazorat namuna tayyorlab sinash;

-yaxshi joylashishi;

-yutilgan havoning hajmi hamda yangi yotqizilgan betonni parvarishlash ishlarini parda yaratuvchi materiallar bilan 20 x 20 sm o'lchamdagi qoplama qismining sifatini.

Beton qorishmasini zichlashda «o'tirishi»ni hisobga olib taqsimlash lozim, qoplama taqsimlaganda sirpanuvchi qolipi bo'lgan mashinalar yordamida beton yotizgichda qurilayotganda, agar loyihaviy qalinlik 20-24 sm ga teng bo'lsa, qish kunlaring boshida yoki uzoq muddatli tanaffuslardan so'ng qorishmaning «o'tirishi» ga 5-7 sm qo'shib olish tavsiya etiladi. Ko'rsatilgan «o'tirish»ga qo'shib olish uzunligi 10-15 m bo'lgan bo'lakda saqlanishi, so'ngra uni 3-5 sm gacha kamaytirish kerak.

Betonlash jarayonida, shuningdek, elektromagnit titratgichli titramalar qirra g'oladan keyin zichlangan beton qorishmali yuzasining yaxlitligi va tebranayotgan chorqirra qo'lalarning butun eni bo'ylab bir tekisda taqsimlangan beton qorishmalaning uzun bo'rtmalari mavjudligi ta'minlanishi lozim; uzun bo'rtmalarning balandligi birlamchi titratma g'ola uchun 20-25 sm va ikkilamchi g'ola uchun 10-15 sm atrofida bo'lishi kerak.

Ko'ndalang va uzunasiga kengaytmalar, qoida tariqasida qanday burchak ostida kesishishi kerakligi geodezik asboblar yordamida aniq o'lchashlar orqali amalga oshirilishi kerak.

-Sement-beton qoplamasini boshlanishidan bir necha kun oldin geodezik ma'lumotlar bazasi va unga tegishli hujjatlar buyurtmachi tomonidan dalolatnoma asosida pudratchiga topshirilishi kerak.

-Boshlang'ich va oxirgi reper otmetkalari hamda loyihaviy otmetkalarni geodezik o'lchashlar orqali nazoratga olish kerak.

-Yo'l qurilishiga tayyorgarlik davrida, yo'lning pastki qavatini hamda yo'l qoplamasini ustki qatlamini qiyalikligini loyihada berilgani bo'yicha geodezik o'lchashlar orqali nazoratga olish kerak.

Shu bilan birga, sement-betonni yotqizish asfalt-beton ishlariga nisbatan ancha murakkab texnologik jarayon ekanligini yodda tutish kerak.

Xulosa. Sement-beton yo'llar muhim afzalliklarga ega:

- mustahkam beton qoplamadan 30 yoki undan ortiq yil davomida ta'mirlash ishlariga muhtoj bo'lmasdan foydalanish mumkin. Asfalt qoplama esa 8-12 yil xizmat qiladi va vaqti-vaqti bilan ta'mirlashni talab etadi;

- katta mexanik ta'sirlarga va katta o'lchamli transport vositalarining og'irligiga bardoshli va xizmat ko'rsatish muddati uzoqroq;

-qoplama ekstremal ob-havo sharoitlariga, yuqori va past havo haroratiga yoki namlik o'zgarishiga yuqori chidamlilikka ega;

-Beton yo'llar yuqori yuk ko'tarish qobiliyatiga ega. Bu asos va pastki qatlamlarga yuklamaning bir xilligini va eskirishga chidamlilik koeffitsiyentini yetarli darajada ta'minlaydi.

-Eng muhim afzallik — bu umumiy iqtisodiy samaradorlik — sement-beton yo'llarning hayotiy sikli asfalt-betonga qaraganda 2,5-3 baravar ko'pligidir.

ADABIYOTLAR

1. Mutalibov, I., Maxkamov, D., Qo'ysinaliyev, N., & Xabibullayev, I. (2021). AVTOMOBIL YO'LLARIDA SEMENTBETON QOPLAMALARNI MUSTAHKAMLIGINI OSHIRISH TEXNOLOGIYASINI TAKOMILLASHTIRISH. Academic research in educational sciences, 2(10), 681-686.

2. Mutalibov I., Qo'Ysinaliyev N. Use of mineral powder in the construction of asphalt concrete roads //Экономика и социум. – 2021. – №. 2-1 (81). – С. 245-248.

3. Saydazimov, N., Mutalibov, I., Qo'ysinaliyev, N., & O'ktamov, S. (2020). IMPROVING THE ELASTICITY OF CEMENT-CONCRETE ROADS. Теория и практика современной науки, (11 (65)), 6-10.
4. Nosirjon S., Qo'ysinaliyev Nuriddin M. I., Sirojiddin M. Research of methods of repair of cement concrete pavels. – 2020.
5. Koysinaliev N., Erkinov S., Ahmadjonov M. Improving the drainage system of highways using plastic materials in response to today's demand //Экономика и социум. – 2021. – №. 3-1 (82). – С. 146-149.
6. QO'YSINALIYEV N. et al. METHODS OF INCREASING THE STRENGTH OF ASPHALT CONCRETE MIXED //МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА Учредители: Общество с ограниченной ответственностью" Моя профессиональная карьера. – 2022. – Т. 1. – №. 35. – С. 72-78.
7. Ismatullaevich, Maxkamov Dilshod, Xabibullayev Alimardon Xidoyatillayevich, and Qo'ysinaliyev Nuriddin Zafarali O'gli. "Avtomobil yo'llari uchun mahalliy va ikkilamchi xom-ashyolar asosida mastika olishning ilmiy asoslari." Механика и технология 4.9 (2022): 204-210.
8. O'G, Qo'Ysinaliyev Nuriddin Zafarali, Madaminova Dilnoza Dilshodbek Qizi, and O. Hakimov. "YO 'L TO 'SHAMALARIDA PAYDO BO 'LADIGAN DEFORMATSIYALARNI O 'RGANISH VA UNI YECHIMLARI." Трансформация моделей корпоративного управления в условиях цифровой экономики 1.1 (2022): 158-164.
9. Qo'Ysinaliyev N. Z. O. G., Muxiddinov S. Z. O. G. AVTOMOBIL YO'LLARIDA SEMENTBETON QOPLAMALARINING AFZALLIGI //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 10. – С. 356-362.
10. Murodjon M., Qo'ysinaliyev Nuriddin A. R. Sementbeton qoplama va uni yotqizish texnologiyasi» uzacademia scientificmethodical journal republican number 3 on the subject «Increasing the innovative activity of youth, improving the spirituality and achievements in science» collection of materials august 31, 2020 part 12 pages 65-67 //ISSN (E)–2181–1334.– 2020.

UDK 620.20

QATTIQ YOQILG'I ENERGIYASIDAN FOYDALANIB BINOLARNI ISITISHNING ISTIQBOLLI VA KAMCHILIK TOMONLARI

Sharopov Begyor Xolmatjon o'g'li
NamMQI, stajyor o'qituvchi, begyorsharopov@gmail.com +99899 630 02 95

Mahmudov Faxriddin Rahmonjon o'g'li
NamMQI, stajyor o'qituvchi, mahmudovf692@gmail.com +99899 979 05 94

Аннотасија: Ushbu maqolada hozirgi zamonaviy binolarda energiya manbalaridan samarali foydalanish chora tadbirlari ko'rib o'tilgan. Energiya manbalaridan samarali foydalanish hozirgi kundagi binolar qurilishida eng dolzarb masalalardan bo'lib xizmat qilmoqda.

Аннотация: В данной статье рассмотрены меры по эффективному использованию источников энергии в современных зданиях. Эффективное использование источников энергии является сегодня одним из наиболее актуальных вопросов в строительном строительстве.

Abstract: In this article, measures for effective use of energy sources in modern buildings are considered. Effective use of energy sources is one of the most urgent issues in building construction today.

Kalit soʻzlar: Energetika, energiya resurslari, issiqlik izolyatsiyasi, samaradorlik, issiqlik oʻtkazuvchanlik, devor konstruksiyasi.

Ключевые слова: Энергия, энергоресурсы, теплоизоляция, КПД, теплопроводность, стеновая конструкция.

Key words: Energy, energy resources, thermal insulation, efficiency, thermal conductivity, wall construction.

Har qanday mamlakatning barqaror rivojlanishida qattiq energiya resurslarining isteʼmoli hal qiluvchi omil hisoblanadi. Shu sababli quyida yurtimizda olib borilayotgan binolarni issiqlik energiya isteʼmolini kamaytirish boʻyicha ilmiy va amaliy ishlarni tahlil qilaylik.

Mustaqilligimizning dastlabki yillaridanoq Oʻzbekistonning yoqilgʻi energetika siyosati mamlakat yoqilgʻi energetika xavfsizligini taʼminlash hamda milliy energetika imkoniyatlaridan jamiyatning ijtimoiy va iqtisodiy muammolarini hal etish uchun foydalanishga qaratib kelinmoqda.

Oʻtkazilayotgan tadqiqotlarning natijalari mamlakat iqtisodiyotining turli tarmoq va sohalarida amalda eksperimental ravishda keng koʻlamda qoʻllanilmoqda. Statistik maʼlumotlarga koʻra hozirgi kunda qattiq yoqilgʻi energiya istemoli qurilish sohasi uchun 0.8%, qishloq xoʻjaligi uchun 6.0%, transport uchun 9.0%, energotizim va sanoat uchun 35.0%, aholi va kommunal sohasi uchun 49.2%ni tashkil etadi. Yuqoridagi statistik maʼlumotlardan koʻrinadiki umumiy issiqlik energiya istemolining deyarli 50%i (yiliga 24,1 mln.t.n.e) binolarga toʻgʻri keladi [1,2,3]. Aholi soni va ular daromadlarining oshishi, urbanizatsiya jarayonlarining tezlashishi va isteʼmol tuzilmasida tegishli oʻzgarishlarni hisobga olganda, 2030 yilga kelib binolar sohasidagi issiqlik energiya resurslariga boʻlgan talab 2,5 marta oshishi mumkin (61,2 mln.t.n.e.gacha). Bunday shart-sharoitlarda talab va energiya taʼminoti oʻrtasidagi tafovut oʻsishining oldini olish, uy-joy, tijorat va maʼmuriy binolarning energiya bilan uzluksiz taʼminlanishi hamda insonlarning ijtimoiy huquqini taʼminlash uchun ushbu sohada energiya samaradorligini yaxshilashga doir chora-tadbirlar majmuini qabul qilish lozim. Yuqorida keltirilgandek bugungi kunda Oʻzbekistondagi jami qattiq yoqilgʻi energiya isteʼmolining deyarli yarmi binolar hissasiga toʻgʻri kelmoqda [4,5,6,7]. Shu bilan birga, rivojlangan mamlakatlarga nisbatan Oʻzbekistonda binolarning issiqlik energiya isteʼmoli 2-2,5 marta koʻpdir.

Dastlabki baholarga koʻra, zahiralarning koʻpayishi (yirik konlarning ochilishi) va ularni tezkor oʻzlashtirish hisobiga energiya resurslarini ishlab chiqarish oʻsgan taqdirda ham, isteʼmolning 34,5 mln.t.n.e.ni qoplash mumkin. Qolgan 26,7 mln.t.n.e. ga teng energiyaga boʻlgan talabni qondirish uchun, binolar sektoridagi energiya samaradorligini koʻtarish boʻyicha chora-tadbirlar majmui qabul qilinishi lozim.

Energiya sarfini tubdan kamaytirish, iqtisodiy rivojlangan davlatlarning tajribasini xisobga olib, tiklanmaydigan uglevodorod resurslaridan ratsional foydalanish, hamda iqtisodiyot sohalari va aholini yoqilgʻi-energetik resurslari bilan barqaror taʼminlash, tugab borayotgan energiya resurslaridan oqilona foydalanish maqsadida Oʻzbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti Islom Abdugʻaniyevich Karimovning 2015 yil 5 maydagi PP-2343-sonli, hozirgi Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning 2017-yildagi PP-3012-sonli, PP-3238-sonli va PP-3374-sonli qarorlarida energiyani tejash bu dolzarb masala etib belgilangan.

2012-2013 yillarda “Davarxitektqurilish” tarkibidagi “Qurilishda standartlashtirish va sertifikatlash Respublika markazi”da energiya samaradorligi boʻyicha binolarni sertifikatlash tizimini ishlab chiqdi, u ayniqsa, bozor iqtisodiyoti sharoitida energiya

samaradorligini oshirishning amaldagi quolidir. Tizim energiya iste'moli bo'yicha asosiy nizomlar, tartiblar, qoidalar, sertifikatsiyalash jarayonlari va uslublari, pasportlash, energoaudit, binolarning kategoriyalari, hamda texnik holatini o'rganish qoidalarini o'rnatadi. Lekin amalda bu tizim ishga tushirilganicha yo'q. Bu tizimni amalga tushirish hozirgi kun talabi va dolzarb yo'nalishlardan biri hisoblanadi [8,9,10,11].

Binolarda energiya iste'moliga talabning keskin ortishi quyidagilar bilan izohlanadi:

– aholi daromadlarining oshishi natijasida konditsionerlar, orgtexnikalar, kir yuvish mashinalari, muzlatgichlar va boshqa maishiy texnikalarga bo'lgan talabning ortishi;

– aholi sonining yuqori sur'atlar bilan o'sishi, uy xo'jaliklari modellari va hajmlarining o'zgarishi (oiladagi kishilar sonining kamayishi, mononuklear va polinuklear oilalar) hamda mos ravishda uy-joyga bo'lgan talabning ortishi;

– yashash va foydalanish uchun qulayliklar darajasi yuqori bo'lgan fuqaro va jamoat binolari ulushining ortib borishi;

– ta'lim, meditsina, sport, savdo va ko'ngil ochish va maishiy muassasalar xizmatlariga bo'lgan talabning yanada yuqori sur'atlar bilan o'sishi;

– hozirgi paytda mavjud bo'lgan “yashirin” defitsitni qoplash zarurati.

Yakka tartibdagi uy-joylarda yoqilg'i energiya yuqotilishiga sabab bo'layotgan faktorlarga uy tomlarining 91.7%ida issiqlik izolyatsiyasi mavjud emasligi, issitish qozonlarining 94%i avtomat boshqaruvga ega emasligi, 34.9% uylarda qo'l bola issitish qozonlari o'rnatilganligi, 66% uylar yog'och romlardan tashkil topganligi, 40% uylarda germetizatsiyalash choralari ko'rilmaganligi asosiy sabablardir. Tijorat binolarida esa, 95.6% shiftlarda issiqlik izolyatsiyasi mavjud emasligi, 43,5%ida nostandart (qo'l bola) isitish qozonlari o'rnatilganligi, isitish qozonlarining 93,4%ida avtomatlashtirilgan boshqaruv tizimi mavjud emasligi, 66.7%ida gaz issitish tizimiga qo'shimcha konditsionerlardan va elektr issitgichlaridan foydalanilishi energiyaning ortiqcha sarfiga asosiy sabab hisoblanadi [12,13,14,15].

Binolarda energiya tejash chora-tadbirlarining keng qo'llanishiga to'siq bo'lib, asosan, aholining ongiga o'rnatilgan qoidalar va fikrlash, shuningdek, bunday o'zgarish uchun moliyaviy rag'batlantirishning yetarli emasligi xizmat qilmoqda. Energiya tejaydigan uskunalarning qimmatligi asosiy muammo emas. Aholining ongida o'rnatilgan qoidalar hatti-harakat qoidalari mavjudki, ularga asosan ko'pchilik holatlarda aholi uchun hech qanday harajatlar qilishga olib kelmaydigan biroq tabiiy gaz hajmlarini sezilarli tejashga yordam beradigan chora-tadbirlarni qo'llamaydilar.

Xulosa o'rnida shuni aytib o'tishim joizki yillar o'tib borgan sari an'anaviy energiya manbalari kamayib bormoqda. Bu energiya manbalarini saqlay olishni birdan bir yo'li noan'anaviy energiya manbalariga o'tishdan iborat hisoblanadi.

ADABIYOTLAR

1. “Zamonaviy energiya samarador va energiya tejaydigan texnologiyalarni yanada joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida” O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori № PQ-3238 Qabul qilingan sanasi 23.08.2017. Kuchga kirgan sanasi 24.08.2017.

2. Хакимов С., Шаропов Б., Абдуназаров А. Бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги бўйича хорижий давлатлар (россия, япония, хитой, ақш) меъёрий хужжатлари таҳлили //барқарорлик va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – С. 806-809

3. Sharopov, B., Hakimov, S., Umarov, I., Muxtoraliyeva, M., Dadaxanov, F., & Abdunazarov, A. (2022). Quyosh energiyasidan foydalanib turar joy binolari qurishning istiqboli tomonlari. Journal of new century innovations, 18(1), 135-141.

4. Begyor, S., Isroil, U., Aleksandr, K., Farrukh, D., Mukhtasar, M., Sodiqjon, K., & Akbarjon, A. (2022). MEASURES TO IMPROVE THE ENERGY EFFICIENCY OF MODERN AND RECONSTRUCTED BUILDINGS. *Journal of new century innovations*, 18(1), 157-161.
5. Khamidov, A., Akhmedov, I., Kholmirezayev, S., Qodirova, F., Nomonova, S., Sharopov, B., & Kazadayev, A. (2022). INVESTIGATION OF THE PROPERTIES OF CONCRETE BASED ON NON-FIRING ALKALINE BINDERS. *Science and innovation*, 1(A8), 1065-1073.
6. Khamidov, A., Akhmedov, I., Rizayev, B., Kholmirezayev, S., Jalalov, Z., Kazadayev, A., & Sharopov, B. (2022). THERMAL INSULATION MATERIALS BASED ON GYPSUM AND AGRICULTURAL WASTE. *Science and innovation*, 1(A8), 1074-1080.
7. O'g'Li, S. B. X., & O'g'Li, M. F. R. (2022). Quyosh energiyasidan foydalanib turar joy binolari qurishning istiqboli tomonlari. *Механика и технология*, (Спецвыпуск 1), 145-149.
8. Шаропов, Б. Х. Ў., Ўғли, М. Ф. Р., & Акбаралиев, Х. Х. Ў. (2022). Қуёш энергиясидан фойдаланиб биноларни энергия самарадорлигини ошириш тадбирлари. *Механика и технология*, 2(7), 186-191.
9. Абдуназаров, А., Хакимов, С., Умаров, И., Мухторалиева, М., Дадаханов, Ф., & Шаропов, Б. (2022). МЕРОПРИЯТИЯ ПО ПОВЫШЕНИЮ ЭНЕРГОЭФФЕКТИВНОСТИ СОВРЕМЕННЫХ И РЕКОНСТРУИРУЕМЫХ ЗДАНИЙ. *Journal of new century innovations*, 18(1), 130-134.
10. Dadakhanov, F., Sharopov, B., Umarov, I., Mukhtoraliyeva, M., Hakimov, S., Abdunazarov, A., & Kazadayev, A. (2022). PROSPECTS OF INNOVATIVE MATERIALS PRODUCTION IN THE BUILDING MATERIALS INDUSTRY. *Journal of new century innovations*, 18(1), 162-167.
11. Sodiqjon, K., Begyor, S., Aleksandr, K., Farrukh, D., Mukhtasar, M., & Akbarjon, A. (2022). PROSPECTIVE ASPECTS OF USING SOLAR ENERGY. *Journal of new century innovations*, 18(1), 142-148.
12. Содикжон, К., Бегёр, С., Александр, К., Фаррух, Д., Мухтасар, М., и Акбарджон, А. (2022). ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СОЛНЕЧНОЙ ЭНЕРГИИ. *Журнал инноваций нового века*, 18 (1), 142-148.
13. Khamidov, A., Akhmedov, I., Kholmirezayev, S., Yusupov, S., Kazadayev, A., & Sharopov, B. (2022). APPLICATION OF HEAT-INSULATING COMPOSITE GYPSUM FOR ENERGY EFFICIENT CONSTRUCTION. *Science and innovation*, 1(A8), 1058-1064.
14. Хамидов, А. И., Шаропов, Б. Х., & Мухтаралиева, М. А. (2022). Исследования золо-шлаковых смесей для производства строительных материалов.
15. Дадаханов Ф., Шаропов Б., Умаров И., Мухторалиева М., Хакимов С., Абдуназаров А. и Казадаев А. (2022). ПЕРСПЕКТИВЫ ПРОИЗВОДСТВА ИННОВАЦИОННЫХ МАТЕРИАЛОВ В ПРОМЫШЛЕННОСТИ СТРОИТЕЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ. *Журнал инноваций нового века*, 18 (1), 162-167.

УДК 624.012

ҚУРИЛИШДА ЗАМОНАВИЙ ИССИҚЛИКНИ САҚЛОВЧИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Хамидов Адхамжон Инамжанович
НамМҚИ. профессор, +99890 214 88 22. adxamjonxamidov@gmail.com

Хакимов Содиқжон Расулжон ўғли
НамМҚИ. стажёр-ўқитувчи, +99897 620 62 01. sodiqjonhakimov14@gmail.com

Нуриддинов Жасурбек Давлатали ўғли
НамМҚИ. стажёр-ўқитувчи, Телефон рақами: 94 270 17 96

Аннотация. Мақолада бино ва иншоотларда иссиқликни сақловчи материал сифатида қўй жунидан фойдаланиш масаласи ёритилган.

Аннотация. В статье освещены вопросы применения в качестве теплоизоляционного материала овечьей шерсти.

Abstract. The article covers the issues of using sheep wool as a heat-insulating material.

Калит сўзла: бино, иншоот, иссиқликни сақловчи материаллар, қўй жуни, табиий материал.

Ключевые слова. здания, сооружения, теплоизоляционные материалы, овечья шерсть, натуральный материал.

Keywords: buildings, structures, thermal insulation materials, sheep wool, natural materials.

Иссиқликни сақловчи материаллар қўллашда, унинг иссиқликни сақлаш хоссалари, технологик хусусиятлари, нархи, мамлакатимизда ишлаб чиқарилиш ҳажми, ҳомашёси мавжудлиги, энергосамарадорлиги ва экологик ҳавфсизлигини эътиборга олиш лозим [1]. Шунинг учун иссиқликни сақловчи материалларни танлашда уларни ижтимоий, иқтисодий ва экологик жиҳатидан комплекс ёндашув зарур.

Замонавий қурилишда ишлатиладиган иссиқлик сақловчи материаллари, бир томондан экологик жиҳатдан тоза ва бошқа томондан ўрнатиш учун қулайдир. Иссиқлик сақловчи материаллар ўзининг характериға кўра паст иссиқлик ўтказувчанлик ва паст ўртача зичлиги билан ажралиб туради.

Маълумки, йилдан-йилға иссиқлик сақловчи материалларға бўлган талаб ортиб бормоқда. Шу боис «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси томонидан ушбу йўналишда янги қувватларни ишға тушуриш, инвестиция лойиҳаларини амалға оширишға алоҳида эътибор қаратилган.

Амалиётда қўлланилаётган иссиқликни сақловчи материалларни қуйидаги асосий гуруҳларға бўлиш мумкин:

- ✓ минерал ва шиша пахта ва плиталар;
- ✓ кўпикпластлар – кўпикполистирол, кўпикполиуритан, кўпикизол;
- ✓ ўсимликлар, ёғоч толалари ёки хайвон жунларидан плита ва пахталар;
- ✓ кўпчитилган табиий материаллар – кўпикшиша, перлит, вермикулит, кўпиккерамика ва б.

Жун, инсониятға маълум бўлган энг қадимий толалардан биридир. Барча табиий толалар орасида у энг кўп ишлатиладиган ва қайта ишланадиган ҳомашёдир. Унинг экологик тозаллиги, узоқ муддат хизмат қилиши ва кийим-кечак, эгилювчан қопламалар ёки ёнғинға чидамлилиги ва иссиқликни сақловчи материаллар сифатида ишлатилиши,

хомашёни қайта ишлаш орқали таъминланади. Бундан ташқари, жун овоз ўтказмайдиган материал сифатида ишлатилиши мумкин. У асосан қўй ва эчкилардан, шунингдек, лама ва туялардан олинади [1,2,3].

Жуннинг юзаси сувни яхши қайтаради. Жун толаси ҳаводаги сув буғини осонгина ўзига сингдира олсада, у ёғ безлари томонидан ишлаб чиқариладиган сирт билан кимёвий боғланган жуда нозик, мумсимон липид қоплами туфайли маълум даражада сувни қайтарувчи хусусиятга эга.

Шунинг учун, жуннинг ўзи ва ундан тайёрланган материаллар, нам ҳавода ҳам куруқ ва қулай бўлиб қолади. Сўрилган намлик статик электрни ушлаб туриши мумкин. Ички намлик туфайли жун ёнғинга чидамли ҳисобланади. Целлюлозадан тайёрланган пахтазадан фарқли ўлароқ, у кислоталарга ҳам анча чидамли[4,5].

Иссиқликни сақловчи материаллар қўллашда инновацион ечим - табиий қўй жунидан фойдаланишдир. Бу экологик тоза материал ажойиб хоссаларга эга. Табиий жундан тайёрланган материал ҳарорат ва намликни ўзгаришини камайтиради, ҳаво ва конструкциялардаги шовқинни бостиради, шунингдек, ҳавода тарқалувчи ифлословчи, токсинлар ва ҳидлар миқдорини камайтиради.

Материаллар экологик тоза, чунки тўла тоза қўй жунидан тайёрланади. Қўй жунидан тайёрланган иссиқликни сақловчи материаллар қўллаш соҳалари:

- ✓ янги биноларни ёз ва қиш кунларида иссиқликни сақлаш хусусиятини яхшилаш учун деворларда исиқ-совуқ ўтказмайдиган жунли материал[6,7];
- ✓ ёғочли уйлар деворлари монтажида тўсинлар боғламлари тугунларини зичловчи материал;
- ✓ эски бинолар реконструкциясида ички ҳаво ўтказувчи изоляцияси;
- ✓ хоналар акустикани яхшилаш учун ораёпма ва тўсувчи конструкциялар таркибий қисми;
- ✓ турли моддалар билан ифлосланган янги ва эски бинолар реконструкциясида;
- ✓ турар-жойлар иқлимни яхшилаш учун;
- ✓ техник изоляция сифатида махсус материал (вибрация ва зарба юкламаларда).

Қўй жун – 100% табиий материал, унда аралашмалар мавжуд эмас, тикланувчи хомашёдан тайёрланади. Бундан ташқари, жун бошқа материалларга нисбатан бир қатор афзалликларга эга:

- ✓ юқори намликда жуда тез намликни шимиб олади ва зарур ҳолатларда уни чиқариб юборади (мисол учун, намлик юқори бўлган хоналарда);
- ✓ юқори зичликга эга ва натижада иссиқлик сиғими юқори;
- ✓ уникал товуш изоляция хоссалари;
- ✓ барқарор тузилишга эга ва б.

Қўй жун - ишлаб чиқариш ва ишлатиш учун энергия сарфи кам бўлган табиий, экологик тоза, қайта ишланадиган ва биологик парчаланадиган материал. Одамлар ва атроф-муҳит учун хавфсиздир. Масалан, шиша пахтадан фарқли ўлароқ, ўрнатиш вақтида шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишни талаб қилмайди[8,9]

Хулоса: Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига республикамизда 22,5 млн. бош қўй мавжуд. Ҳар бир қўйдан 5-10 кг гача жун олиш мумкин (қўй зотига қараб). Қўй жунидан самарали иссиқликни сақловчи материаллар олса бўлади. Бу соҳада илмий-амалий изланишлар олиб бориш даркор.

АДАБИЁТЛАР

1. Адылходжаев А.И., Игамбердиев Б.Г., Сулаймонов Р.В. Исследование влияния овечьей шерсти на прочность гипсового композита // Universum: технические науки:

электрон. научн. журн. 2018. № 10 (55). URL: <https://7universum.com/ru/tech/archive/item/6458> (дата обращения: 25.09.2023).

2. Савина Н.С., Дронова Г.Л. ПРИМЕНЕНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ИЗОЛЯЦИОННЫХ МАТЕРИАЛОВ В СТРОИТЕЛЬСТВЕ // Современные наукоемкие технологии. – 2014. – № 7-2. – С. 53-54. URL: <https://top-technologies.ru/ru/article/view?id=34301> (дата обращения: 24.09.2023).

3. Теплоизоляционные материалы и энергоэффективность зданий. Статья. Журнал «Промышленные страницы Сибири» № 3 март 2017.

4. Свиридова Е.В. Теплоизоляция – важный элемент энергоэффективного строительства. НП «Росизол», г. Москва. 2018 г.

5. Хамидов А.И., Кузибаев Ш.Ш., Жураева А.С.. Вопросы строительства энергоэффективных зданий в Узбекистане. Материалы 13-ой Международной конференции “КНАУФ в мировом строительном комплексе”, Южно-Уральский государственный университет, 2020 г 25-26.11.

6. Хамидов А.И., Кузибаев Ш.Ш., И.Ахмедов. Теплоизоляционные материалы на основе гипса и отходов сельского хозяйства. Материалы международного симпозиума «Современные ресурсосберегающие материалы и технологии: перспективы и применение», Новосибирск • 2020:-с 133-139.

7. Khamidov, A., Akhmedov, I., Shavkat, Y., Jalalov, Z., Umarov, I., Hakimov, S., & Aleksandr, K. (2022). APPLICATION OF HEAT-INSULATING COMPOSITE GYPSUM FOR ENERGY-EFFICIENT CONSTRUCTION. Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development, 10, 77-84.

8. Khamidov, A. I., & Khakimov, S. (2023). Study of the Properties of Concrete Based on Non-Fired Alkaline Binders. European Journal of Geography, Regional Planning and Development, 1(1), 33-39.

9. Khamidov, A., & Khakimov, S. (2023). MOISTURE LOSS FROM FRESHLY LAID CONCRETE DEPENDING ON THE TEMPERATURE AND HUMIDITY OF THE ENVIRONMENT. Science and innovation, 2(A4), 274-279.

10. Меликулов, Н., & Кучкоров, С. К. (2022). Одновременное действие изгиба и сжатия в пластинах, подкрепленных по контуру упругими тонкостенными стержнями. *Механика и технология*, 3(8), 64-69.

11. Holmirzaev, J. Z., Kuchkorov, S. K., & Eksanova, S. SH.(2020). Udarno-Vrashchatelnaya Dinamicheskaya Modelь Rabocheho Organa Ochistitelya Xlopka. *Kontseptsii I Modeli Ustoychivogo Innovatsionnogo Razvitiya*, 137.

UDK 37.013.32

**OLIY TEXNIK TA'LIM MUASSASALARIDA YANGI AVLOD O'QUV
ADABIYOTLARI YARATISHNING DOLZARBLIGI
(“Mexanika” fani misolida)**

Isaboyev SHarofiddin Musomiddinovich
NamMQI, sharafiddin_82@gmail.ru, +998 93 675 00 04

Annotatsiya. Mazkur maqolada o'quv adabiyotlarining yangi avlodi negizida yangi avlod darslik yoki o'quv qo'llanmalar yaratish va ulardan ta'lim amaliyotida foydalanish dolzarbligi belgilanib, mustaqil ta'lim jarayonini rivojlantirishning yetakchi omili ekanligi asoslanmoqda. Texnika ta'lim yo'nalishlari uchun Mexanika fanidan yangi avlod o'quv

adabiyotlarini yaratishning umumdidaktik tamoyili tasniflanib, komponentlari mazmun-mohiyati tahliliy bayon etilmoqda.

Аннотация. В данной статье на основе учебной литературы нового поколения определяется важность создания учебников или учебных пособий нового поколения и использования их в образовательной практике, а также утверждается, что это ведущий фактор развития самостоятельного образования. Классифицируется общий дидактический принцип создания учебной литературы нового поколения по направлениям технического образования по диссеплени «Механика» и аналитически описывается содержание и сущность его компонентов.

Abstract. The article emphasizes the relevance of creating electronic textbooks or teaching aids based on new generation textbooks and their use in educational practice as a leading factor in the development of independent learning. The general didactic principle of creating electronic textbooks for technical education is classified, the content and essence of the components are analyzed.

Kalit soʻzlar: yangi avlod darslik, kompetensiyaviy yondashuv, didaktika, umumdidaktik tamoyillar, multimediya, motivatsiya, masofaviy taʼlim, mustaqil taʼlim.

Ключевые слова: учебник нового поколения, компетентный подход, дидактика, общедидактические принципы, мультимедиа, мотивация, дистанционное образование, независимое образование.

Keywords: electronic textbook, competence-based approach, didactics, general didactic principles, multimedia, motivation, distance learning, independent learning.

Mamlakatimizda xalq xoʻjaligining barcha tarmoqlari xususan, texnika va sanoat texnologiyalari, mashinasozlik hamda texnologik jarayonlarni avtomatlashtirish sohalarini yangi bosqichdagi rivojlanishi, texnikaviy taʼlim yoʻnalishi tayyorlaydigan oliy taʼlim muassasalari professor-oʻqituvchilari oldiga, shu sohadagi yuqori malakali kadrlarni, raqobatbardosh etib tayyorlash vazifasini qoʻymoqda. Oʻz navbatida malakali kadrlarni tayyorlash, oʻquv jarayonida ilgʻor va yangi pedagogik texnologiya va usullarni qoʻllash hisobiga analga oshirilishi davrning oʻzi talab etmoqda.

Bizga maʼlumki, bugungi kunda rivojlanib borayotgan mamlakatimizda taʼlim sohasiga boʻlgan eʼtiborning oʻrni beqiyosdir. Shu jumladan, oliy taʼlim muassasalarida, maxsus fanlarni oʻqitishda taʼlim texnologiyalardan foydalangan holda mashgʻulotlar olib borish, qolaversa, horijiy pedagogik texnologiyalardan foydalanish zamonamizning ustuvor yoʻnalishlariga aylanib, imkoniyatlar eshiklarini keng ochmoqda. Maxsus fanlarni oʻqitishda yangi innovatsion texnologiyalardan foydalanib, dars mashgʻulotlarni olib borishda samarali natijalarga erishilmoqda [1].

Taʼlim sohasida jadal surʼatlar bilan amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlar kasbiy-texnikaviy taʼlimda ham innovatsion integratsion mexanizmni yanada takomillashtirishni talab etmoqda [1]. Metodik mazmun va mehnat bozori bilan hamnafas taʼlim oluvchi (lar)ning shaxsiy tajribasi yoki amaliyotda olgan bilimlarini hayotga, xususan, muhandislik amaliyotigatizimli tadbiq etishga qaratilgan Evropakredit transfer tizimi – ECTS (The European Credit Transfer and Accumulation Sistem” doirasida taʼlim-tarbiya jarayonlarida yaxlit toʻrtlik – “Bilim-koʻnikma-malaka-kompetensiya” (BKMK) birligini Shaxsning bilimini yanada chuqurlashtirish, amaliy koʻnikma malakalari va kompetentlik alomatlarini tizimli shakllantirish zarur, qaysiki bunday yondashuvlar malakali, raqobatbardosh, kompetentli kadrlar tayyorlashning asosini tashkil etadi [2, 3, 4].

Ayniqsa, fan-texnika-texnologiyalarning soʻnggi namunalaridan foydalangan holda

masofaviy ta'lim-tarbiya jarayonlarida tegishli fanlarni o'zlashtirishlari va kasbiy jihatdan shakllanishlari uchun talabalarga qulay sharoit va muhit yaratish bilan bir qatorda ularni nashriy va yangi avlod variantdagi zamonaviy o'quv adabiyotlari bilan ham ta'minlash zarurati dolzarbdir.

